

1204



**ҚОНУНЛАРНИНГ
БАЖАРИЛИШИ
УСТИДАН ПРОКУРОР
НАЗОРАТИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ
ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МУАММОЛАРИ
ВА ПРОКУРОР-ТЕРГОВ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МАРКАЗИ

ҚОНУНЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ
УСТИДАН ПРОКУРОР
НАЗОРАТИ

(ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТЎПЛАМ)

269093

Муаллифлар: юридик фанлари номзодлари
Ф. Ҳ. РАҲИМОВ, А. Ж. ДАВЛЕТОВ, Р. МУҲАМЕДОВ,
Б. ТОШЕВ, Д. М. МИНГАЛИЕВА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси
А.У.ЭРГАШЕВнинг умумий тақризи остида

Ушбу илмий-амалий қўлланма айрим қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назоратига бағишланган. У прокуратура идоралари ходимлари, назорат органлари ходимлари, шунингдек олий, ўрта махсус ўқув муассасалари талабалари ва ўқитувчилари учун мўлжалланган. Республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси, судларда фуқаролик ишларини кўришда прокурор назоратини таъминлаш, Давлат божхона ва солиқ қўмиталари идораларида суриштирув ҳамда тергов ва суриштирувни назорат қилиш бошқармаси томонидан маъқулланган.

Қ 1203020100 — 75 Буюрт. вар. — 2000
353 (04) — 2000

ISBN№5-645-03624-7

© „Ўқитувчи“ нашриёти, 2000
„Қонун ҳимоясида“

Ф. Ҳ. РАҲИМОВ
юримдик фанлари номзоди

**„Ҳўжалик юритувчи субъектлар фао-
лиятини давлат томонидан назорат
қилиш тўғрисида“ги Қонуннинг ба-
жарилишини таъминлашда прокурор
назорати**

(илмий - амалий қўлланма)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида „Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади“, дейилган. Шунга мувофиқ прокурорлар ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан қонунлар қай даражада бажарилаётганлигини назорат қиладилар.

Албатта қонунларнинг бажарилишини текшириш учун прокурорлар ўша қонунларни яхши билишлари билан биргаликда, текшириш усуллари, назорат предметини аниқ англашлари лозим. Ҳар бир текширишга тайёргарлик кўриш, қонунларни ўрганиш текширишларнинг сифатли ва самарали ўтказилишининг асосидир.

Республика прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази илмий ходимлари томонидан тайёрланган ушбу тўпламда айрим қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш тўғрисида фикр юритилади.

Прокурорлар қўлланмага асосланган ҳолда текшириш ўтказиб, амалиётда қонунларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида айрим йўналишларни кенгайтиришлари ҳам мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ- ДА МУЛК ҲУҚУҚИ

Республикаимизнинг мустақил давлат сифатида ривожланишига, равнақ топишига, мустаҳкамланишига барча фуқароларимиз ўз меҳнатлари, билимлари, кучлари билан ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистонни дунё таниди, унинг ўтмиш авлодларини, бугунги бунёдкорликларини тан олди. Қисқа давр ичида давлатни давлат, миллатни миллат сифатида намоён қилиш, унинг халқаро жамият ҳаётида иштирок этишига йўл очиб бериш борасида озмунча ишлар қилинган эмас. Республика раҳбарияти томонидан олиб борилаётган оқилона, режали сиёсат шарофатидан халқ турмуш фаровонлиги оширилмоқда, мамлакат иқтисоди юксалтирилмоқда. Жамиятимиз бозор иқтисодига босқичма-босқич, шошмасдан кириб бормоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимояси бу ерда асосий мезон экани бир дақиқа ҳам унутилган эмас. Хусусий мулкчилар синфи ташкил топапти, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси кафолатланган.

Албатта бу кафолатнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Унинг 36-моддасида *„Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади“*, дейилган. Маълумки, фуқаролари тўқ, бадавлат, тадбиркор, хўжаликлари бақувват бўлган давлатнинг негизи мустаҳкам бўлади.

Эл-юртнинг тинчлиги, тотувлиги ҳар бир оиланинг осойишта тўкинчиликда, нормал ҳаёт кечиришига имконият яратади. Давлатимиз юртимизнинг тинчлигига, аҳолимиз фаровонлигини оширишга

асосий эътиборни қаратмоқда. Президентимиз беш тамойилдан бири бўлмиш „*иқтисоднинг сиёсатдан устунлигини*“ бежиз эътироф этмаганлар.

Республикамиз Конституциясида махсус боб берилган бўлиб, у „**Жамиятнинг иқтисодий негизлари**“ деб юритилади. Конституцияга бундай боб киритилишининг ўзи жамият тараққий этиши, ривожланиши учун иқтисодий имконият қай даражада аҳамиятли эканини кўрсатишдан иборатдир. Асосий қонуннинг 53-моддасида „Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин“, дейилган. Демак, республикамизда мулкнинг хилма-хиллиги ва унинг ҳимояси бир хилда кафолатланиши Конституцияда ўз аксини топган. Шу тўғрисида барчамиз унинг ҳаётга тўғри татбиқ этилишини таъминлашимиз лозим.

„Бу соҳада биринчи галдаги асосий вазифа, — деб таъкидлади И.Каримов Республика Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги нутқида, - мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадни, хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак“.

Ҳар бир мулкдор унинг мулкига бошқа бир шахс, мансабдор шахс ёки давлат томонидан тажовуз қилиниши мумкин эмаслигини англаши лозим. Зеро, дав-

лат ўз фуқароларининг мулкани қонун йўли билан ўз ҳимоясига олган. Республика иқтисодининг ривожланишидан ҳаммамиз бир хилда манфаатдор эканлигимизни ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Иқтисоднинг ривожланиши учун эса корхона, ташкилот, тадбиркорлар, хуллас, хўжалик юритувчи барча субъектларга қонуний шароит яратиб берилиши керак-ки, улар ўз фаолиятларини амалга ошириш даврида қонун ҳимоясида эканликларини, нормал иш юритишларига ҳеч қандай тўсиқ ёки текширувчи, мансабдор шахс халақит бермаслигини ҳис этсинлар.

Бугунги кунда республикада фаолият кўрсатётган жуда кўплаб қўшма корхоналар, бирлашмалар, ўрта ва кичик корхоналар, тадбиркорлар, фермерлар ўзларининг фидокорона меҳнатлари, қонунга амал қилган ҳолда иш юритишлари натижасида республикада иқтисодиётини юксалтиришда асосий ролни ўйнамоқдалар.

Маълумотларга қараганда мамлакатда 180 мингдан ортиқ юридик, 300 мингдан ортиқ жисмоний шахслар, 3 млн.дан кўпроқ деҳқон ва 24 мингта фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда¹.

Мамлакатимизда янги мулкдорлар синфини шакллантириш, мулкчиликни мустақамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида иқтисодиётимизда нодавлат секторининг салмоғи тобора ортмоқда. Ҳозир ушбу секторнинг улуши ялпи ички маҳсулот яратишда 64,5 фоизни, саноатда 64,1 фоизни, қишлоқ хўжалигида 98,7 фоизни ташкил этмоқда. Халқ хўжалигида банд аҳолининг 74,2 фоизи давлат тасарруфидан чиқарилган жабҳада ишламоқда².

¹ „Халқ сўзи“ газетаси, 1999 йил. 22 май.

² Ўша жойда

Хўжалик юритувчи субъект тушунчаси ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш

Юқорида таъкидлаганимиздек, давлатнинг иқтисодий негизини мустаҳкамлашда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўрни беқиёс.

Авалло „хўжалик юритувчи субъект нима?“ деган саволга жавоб ахтариб кўрайлик. Бунинг учун жисмоний шахс ва юридик шахс тушунчасига ҳам тўхтаб ўтиш лозим.

Фуқаролик кодексининг 16-моддасида Фуқаро (жисмоний шахс) тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Фуқаролар: мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари; тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари; ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари; юридик шахслар ташкил этишлари; битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари; етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари; машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро ва қонун билан қўриқландиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

Фуқаролар бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 39-моддасида юридик шахс тушунчаси ҳам берилган. Унга кўра ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз

мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ихтиёрида мол-мулк бўлган унитар корхона бу мол-мулкка қонунда белгиланадиган доирада эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Қонунга кўра, хўжалик юритишида бўлган мол-мулкнинг эгаси корхона ташкил этиш, унинг фаолият соҳасини ва мақсадларини аниқлаш, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш масаласини ҳал қилади, корхона директорини (раҳбарини) тайинлайди, корхонага қарашли мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланиши ва унинг сақланишини назорат қилади.

Бу қоидаларга асосан бир хулоса қилишимиз мумкин, яъни, мулк эгаси ўз тасарруфидаги мол-мулкнинг тақдирини фақат ўзи ҳал қилиб, қонунга бўйсунган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг саккизинчи, яъни **Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси** бўлимида хўжалик юритувчи субъект мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролардир, деб кўрсатилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш каби фаолиятларни амалга ошириб, жамият ривожини, ҳаёти учун ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Собиқ Иттифоқдан бизларга 1990-92 йилларда мерос бўлиб ўтган бўшаб қолган магазин пештахталари-ю, оддий гугурт, совун, туз ва шу каби тақчил бўлиб қолган товарлар рўйхати ҳали ёдимиздан кўтарилган эмас. Халқимиз таъми-

нотини яхшилаш, истеъмом учун зарур бўлган маҳсулотларни етказиб бериш, уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун республикамиз раҳбарияти барча чораларни кўрди. Натижаси бугунги кунги ҳаётимиздан кўриниб турибди. Савдо шаҳобчалари маҳсулотларнинг ҳамма турлари билан тўлган, бозорлар гавжум.

Бундай даражага етишга ички имкониятларимиздан самарали фойдаланишни тўғри йўлга қўйганимиз ҳам сабаб бўлди. Бунинг учун ишлаб чиқариш корхоналарини ишга туширдик, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирдик, уларнинг нормал ишлашларига шароит яратиб бердик. Ҳеч кимга сир эмас, хўжалик юритувчи субъектларда ваколати бўлган, бўлмаган ташкилотлар ҳар хилдаги текширувчилар бир-бирларининг ишини такрорлаб, бир йилнинг ўзида бир неча марталаб текширишлар ўтказдилар. Бу текширишлар эса албатта корхонанинг нормал фаолият кўрсатишига халақит беради, унинг иқтисодий ривожланишини бир қадар тўхтатади. Республика назорат инспекциясининг маълумотиغا кўра республикада назорат текшириш органлари 36 тани, маҳкамалараро назорат эса 12 тани ташкил этади. Бу текширувчилар гуруҳига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, аудитор хизматлари кирмайди. Агар уларни ҳам бу текширувчилар „армияси“га қўшиб ҳисобласак, хўжалик юритувчи субъектларнинг қай аҳволда уларга бас келаётганига ҳайрон қоласиз.

Тасаввур қилайлик, бирор ташкилотнинг фаолиятини шу назорат органларининг бир нечтаси бир-бирларининг ишини такрорлаб, олдинма-кейин текшириб чиқади. Текширилаётган ташкилот ходимлари ишлаб чиқариш билан шуғулланадими ёки текширувчиларга ҳужжат тайёрлаш, тақдим қилиш билан овора бўладиларми?. Тажрибадан маълумки, текширувчилар кўпинча ҳужжатлардан, ишлаб чиқариш

жараёнидан фақат хато топишга ҳаракат қилиб, бўлар-бўлмас хатоларни рўкач қилиб, қандай бўлса ҳам, корхона мансабдорларини, моддий жавобгар шахсларини „**бўйин эгдириш**“, уларни нима топшириқ берса шуни бажарадиган ҳолатга келтиришга ҳаракат қиладилар ва кўп ҳолларда бунга эришадилар. Арзимаган камчиликни топиб уларни қийнаш, сиқувга олиш, „**маъмурий органга, судга ишингни бераман**“, деб қўрқитиб, таъмагирлик қилиш камаймаяпти.

Рўзиев Баҳриддин Қашқадарё вилояти У.Юсупов тумани давлат солиқ инспекциясида савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарини назорат қилиш бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. У 1998 йил 28 сентябрь куни тумандаги 17-сонли дўконда текшириш ўтказиб, дўкондаги касса-назорат аппарати ишламаётганлигини, 9 дона нархи 300 сўмдан 2700 сўмлик қўл фонарлари, 3 дона нархи 800 сўмдан 2400 сўмлик болалар курткалари, нархи 300 сўмдан 3600 сўмлик 12 шиша ароқ, **жами 8700 сўмлик** ҳужжатсиз товарлар борлигини аниқлаб, бу ҳақда далолатнома тузиб, дўкон мудирини Қурбонов Ихтиёрдан тушунтириш хати олиб, товарларни туман солиқ инспекциясига олиб кетади.

Б.Рўзиев тўпланган материалларни туман давлат солиқ инспекциясига олиб келиб, зудлик билан маъмурий баённома тузиши, бошлиғига бу ҳақда маълум қилиб, виза қўйдириб, солиқ инспекцияси суриштирувчисидан рўйхатдан ўтказиши лозим бўлсада, лекин Қурбоновга нисбатан тўпланган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказмасдан, маъмурий баённома тузмасдан ўзида яшириб келади ва дўкон мудирини И.Қурбоновни бир неча марта туман солиқ инспекциясига чақириб, унга унинг иши оғирлигини, аммо у унинг ишини енгиллаштириб, далолатномани бошқатдан ёзиши мумкинлигини, акс ҳолда илгари

маъмурий жавобгарликка тортилганлиги учун унга нисбатан тўпланган материалларни прокурорга ўтказишни айтиб, таъмагирлик билан ундан пул талаб қилади.

Рўзиев Баҳриддин амакиси Рўзиев Мавлонберди билан келишиб, Қурбонов Ихтиёр берадиган порани у орқали олмоқчи бўлади. Келишувга кўра Рўзиев Баҳриддин 1998 йил 10 сентябрда соат 11-00 лар чамасида Қурбонов Ихтиёрдан унга нисбатан тўпланган материалларни бошқатдан ёзиб, енгиллик қилиб бериши эвазига 50.000 сўм пулни Рўзиев Мавлонбердининг воситачилигида пора тариқасида олаётганида, Рўзиев Мавлонберди эса Рўзиев Баҳриддиннинг топшириғига кўра унинг И.Қурбоновдан пора олаётганлигини била туриб, 50000 сўм порани Рўзиев Баҳриддинга бериш учун олаётганда қўлга олинади. Дастлабки тергов органи томонидан ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан айбланиб, судга берилганлар.

Бу келтирилган фактда аниқланган камчиликнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси қандай ва солиқчи „прокурор“ билан кўрқитиб олаётган пора суммаси ва у жамиятга келтираётган маънавий зарарнинг баҳоси қанча эканига эътиборни қаратиш лозим.

Бундан ташқари, ўтказилган текширишлар самарасини кўрсатиш, ҳисоб бериш учун юзаки, қонунчилиқни мустаҳкамлашга, тартиббузарлиқнинг олдини олишга ҳеч қандай ёрдам бермайдиган текширишлар ўтказиш ҳам одат тусига кирган. Масалан, Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари У. Йўлдошев, Ю. Пак ва Жўраевлар Ховос деҳқон бозоридаги қассобхоналарда савдо қоидаларига риоя қилишни текширишга чиқишган. Улар қассоб Соибназаровдан 2 кг гўштни ҳар килоси 245 сўмдан 490 сўмга сотиб олишганда, назорат ўлчовида харидор ҳақидан 2 сўм уриб қолингани ҳақида

бозор раҳбари Эгамбердиев иштирокида далолатнома тузишган.

Кўриниб турибдики, харидор ҳақидан 2 сўм уриб қолиш фактини расмийлаштиришда жами 5 киши қатнашяпти, томошабин ва бекорчилар ҳам кузатиб, тўпланиб туришлари табиий. Энди солиқ органи ходимлари харидор ҳақидан 2 сўм уриб қолганлик фактини қандай аниқлаганларини таҳлил қилсак. Уша вақтда бозорда 1 килограмм мол гўшти 245-250 сўм бўлган, бозорларда қассоблар доимий равишда оддий усулдаги торозилардан фойдаланишини ҳисобга олсак, 2 сўмлик гўштнинг оғирлиги қанча миқдорни ёки граммни ташкил этади ва буни солиқ ходимлари қандай қилиб аниқлади экан? Бундан ташқари, бу текшириш натижаси бўйича ҳужжатлар тўпланган, иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинган ва энг ажабланарлиси шундаки, **„бундай катта қонунбузарлик ҳақида“**ги „иш“ прокуратура органларига оширилган. Прокуратура органи ҳам шундай „материални қабул қилиб олган ва у бўйича яна тушунтириш хатлари олиб, **„жиноят состави йўқ“**, деб ишни бекор қилган. Материал учун 15 варақ қоғоз ишлатилган, 1 варақ қоғознинг нархи эса 5-6 сўмни ташкил этади. Шундай қилиб, фақат ишлатилган қоғозлар учун жами 75-80 сўм сарфланган. Бу ерда солиқчилар, бозор раҳбарияти, қассоб, прокуратура ходимларининг кетган вақтини ҳисобласак неча сўм бўлар экан? Харидор ҳақида 2 сўмлик хиёнат қилинди, деб ўтказилган текшириш ва текширувчилар ишларининг **„самарадорлигини“** кўрсатувчи яққол мисол бу.

Олий Мажлиснинг 1999 йил 14 апрелда бўлиб ўтган XIV сессиясида бу масалага қандай баҳо берилганини эслатиб ўтишимиз лозим: „...Иқтисодий эркинлаштириш, аввало, давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан

корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашни чеклаб қўйиш билан боғлиқ. Бу соҳада текширишлар ва тафтишлар сонини кескин чеклаб қўядиган маълум қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, ҳозир ҳам корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашаётган кишиларни қаттиқ жазолаш лозим бўлади.

Бундай тартибсизликлар учун хизмат бурчи юзасидан тадбиркорларнинг манфаатини ҳимоя этиши лозим бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиқ органларининг нопок ходимларига нисбатан талаб бир неча бор кўпроқ, жазо эса янада қаттиқроқ бўлиши керак.

Иқтисодиётни эркинлаштириш — хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш демакдир¹.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики хўжалик юритувчи субъектни қонунсиз текширишлар, нормал фаолият кўрсатишга халақит беришлар қўйидаги оқибатларга олиб келади:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг банкротлигига;
2. Ходимлар, ишчилар ўртасида хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ишончсизликни, ишга бўлган муносабатларнинг ўзгаришига, корхонанинг равнақига умидсизликни;
3. Ишлаб чиқаришнинг пасайишига, ундан келадиган даромаднинг камайишига;
4. Текширувчи органлар сиймосида давлатга ишончсизликка (маълумки ҳамма текширувчилар, мансабдор шахслар давлат номидан иш тутадилар);
5. Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг қонунга ишончсизлик оқибатида корхонани ёпишга мажбур бўлишига;

¹ „Халқ сўзи“ газетаси, 1999 йил, 15 апрел.

Ушбу санаб ўтилган оқибатлар пировардида республикамиз иқтисодиётига раҳна солади, бюджетига пул тушираётган манбадан маҳрум бўлишига олиб келади.

Шундай ноҳўя ҳаракатлар, асоссиз текширишлар, таъмагирлик, текшириш органларининг фаолиятидан норозилик кўпайиб кетаётганлиги, нормал ишлашга зарар етаётганлиги ҳақида кўпгина анжуманларда таъкидланмоқда. Назорат органларининг бир-бирларининг ишини такрорлаб, бир ташкилотда кетма-кет ва асоссиз текшириш ўтказишларини тақиқлаш, уларни тартибга солиш давр тақозоси бўлиб қолди. Шу туфайли 1996 йил 8 августда „Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида“ фармон қабул қилинди. Бу фармон эълон қилинган текширишлар бир қадар тартибга солингандек бўлди, лекин бироз вақт ўтгандан сўнг, айрим жойларда яна назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг рухсатсиз текшириш ўтказишлар давом этди. Биргина 1997 йилда 693,7 минг текшириш ўтказилган, шундан 203,2 мингтаси молия-хўжалик фаолиятини ревизия қилиш билан боғлиқ. Бу кўпми ёки озми? Албатта жуда кўп бу. Фақат прокуратура органлари 1998 йилда умумий назорат тариқасида жами 15522 та текшириш ўтказган, 1997 йилда эса бу рақам 14613 та эди. Йилдан-йилга текширишлар сони ошиб кетаяпти, уларнинг самараси, сифати эса ҳаминқадар... Қуйида бунга яққол амин бўламиз, яъни республика бўйича тузилган 107 минг хусусий ва кичик корхоналарнинг 63 мингтаси ёки 59 фоизи умуман фаолият кўрсатмаяпти. 1998 йилда хўжалик судлари томонидан 436 та ташкилот банкрот деб топилди. Кўплаб корхона ва ташкилотлар фойда ўрнига зарар кўрмоқдалар. Буларнинг шундай аҳволга келиб қоли-

шида текширувчиларнинг „ҳисса“си қанча эканлигини бемалол ҳисоблаб чиқса бўлади. Хўжалик юритувчи субъектларни текширишнинг чеки бўлмаяпти, бу эса уларнинг нормал фаолият кўрсатишига халақит берапти.

Республика Вазирлар Маҳкамасида 1999 йил 27 июль куни ўтказилган йиғилишда таъкидланганидек, 400 минг одам кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланмоқда. Бу 25 миллионга яқин аҳолиси бўлган мамлакат учун жуда оздир. 1999 йилнинг биринчи ярмида 9800 та хўжалик юритувчи субъект рўйхатдан ўтган бўлса, 17900 та хўжалик юритувчи субъект ёпилган. Айрим хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмаганлари учун ўзлари ёпилган бўлса, бу бир сари, агар улар текширувчиларнинг қонунсиз ҳаракатлари оқибатида ёпилишга мажбур бўлган бўлсалар, бу иқтисодий тараққиётимизга душманликдан бошқа нарса эмас. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ёпилиб кетиш сабаблари текширувчи ташкилотларнинг тазйиқи остида юзага келган бўлса, прокурорлар уларга қонун доирасида чора кўришлари лозимдир.

„Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан назорат қилиш тўғрисида“ги қонуннинг бажарилиши устидан прокурор назорати

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг „Прокуратура тўғрисида“ги қонунида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, шунингдек, кимга бўйсунушидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, ман-

сабдор шахслар, фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар. Ушбу вазифадан келиб чиқиб прокурорлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонун ва фармонларнинг бажарилишини ҳам назорат қилишлари лозим.


Юқорида таъкидлаганимиздек, хўжалик юритувчи субъектларнинг аксарияти назорат қилувчи, текширувчи органларнинг қонунсиз хатти-ҳаракатларидан норози эканликларини ҳар хил шаклда баён этганлар.

Юқорида айтилган „Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида“ги фармонга биноан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши тuzилган эди. Ушбу фармоннинг асосий мақсади барча назорат органларининг, текширувчи ташкилотларнинг текширишларини тартибга солиб, улар хоҳлаган вақтда, истаган хўжалик юритувчи субъектларни текширишларининг олдини олиш эди. Бу фармон эълон қилингандан сўнг, текширишлар бир қадар тартибга солингандек, прокурорлар ҳам унинг бажарилишини назорат қилгандек, маълум ишлар амалга оширилгандек бўлди.

Аmmo орадан озгина вақт ўтгач уни яна ҳамма текширувчи, назоратчи, прокурорлар унута бошладилар.

Такрорий, устма-уст текширишлар ўтказиш оддий ҳолга айлана бошлади. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш рухсатини олиш унутила бошланди, яъни аксарият текширувчилар фармонни ижро этишни таъминламадилар.

Шу сабабдан Республика Президенти 1998 йил 19 ноябрда „**Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида**“ фармон чиқарди.



Бу фармонда хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда муқобиллик ва бир-бирини такрорлаш фактларини бартараф этиш хусусида талаб қўйилди. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувларга йўл қўймаслик, шунингдек, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

... қоида тариқасида, бир йўла комплекс текшириш ўтказилишини назарда тутган ҳолда фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг қарорига биноан режа асосида солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан йилига кўпи билан бир марта текшириш ўтказилиши мумкин.

Бу фармонда кўпгина ҳолатларга аниқлик киритилиб, асоссиз, режасиз текширишларга мутлақо йўл қўймаслик таъкидланган.

Фармонда айтилишича, „мазкур субъектларнинг фаолиятини қўшимча, шунингдек муқобил текшириш ва тафтиш қилиш ишларини ўтказиш жиноий ишлар бўйича тергов давомида ёки фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг қарори билангина назорат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Горизонтал текширишлар ва тафтишлар ўтказилишига йўл қўйилмайди, бошқа хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишларни ўтказишга эса фақат уларнинг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари доирасидагина йўл қўйилади“.

Президентнинг бу фармонига асосан назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши таркиби белгиланди. Кенгаш таркиби кенгайтирилди ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бу Кенгашга раис этиб тайинланди.

Текширишларни тартибга солиш нормалари белгиланди, хўжалик юритувчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси кенгайтирилди.

Бундан ташқари 1998 йил 24 декабрда Ўзбекистон Республикасининг „Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида“ги қонуни қабул қилинди. Бу қонун ташкилот, корхона, хўжаликларнинг ривожланиши, раванқ топишига давлатимиз қай даражада аҳамият бераётганлигидан ёрқин далолатдир. Энди ҳеч ким ва ҳеч қандай назорат ташкилоти уларнинг ишларига халақит беролмайди. Бу қонун 20 та моддадан иборат бўлиб, жуда ихчамдир. У оддий фуқаро, тадбиркор, корхона раҳбари тушунадиган содда, раванқ тилда ёзилгандир. Қонуннинг барчага тушунарли тарзда ёзилишининг ўзи ҳам текширилувчиларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишларига шароит яратиб беради.

Қонун 1998 йилнинг 19 ноябридаги Президент фармонида келтирилган нормалар асосида чиқарилган. Энг аввало, бу қонунни қабул қилишдан мақсад нима, деган саволга жавоб берсак.

Биринчидан: назорат органларининг масъулиятини ошириб, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш лозим эди;

Иккинчидан: текширишларнинг даврийлигини, муддатини, асосларини аниқ кўрсатиб, уларни тартибга солиш керак эди;

Учинчидан: хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг фаолиятини асоссиз текширишлардан сақлаш;

Тўртинчидан: хўжалик юритувчи субъектларнинг ривожланиши, тараққий этишига шароит яратиб бериш, уларнинг ҳимоя қафолатини таъминлаш;

Бешинчидан: назорат органларининг, айрим ман-

сабдор шахсларнинг ноҳуя ҳатти-ҳаракатларига тўсиқ қўйиш керак эди.

Прокурорлар қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсадни тўлиқ англаб етишлари, унинг ижросини назорат қилишлари катта аҳамиятга эгадир. Чунки, ҳар бир қонуннинг мақсад, моҳияти унинг ҳаётдаги ўрнини эгаллаши муҳимдир.

Кўрсатиб ўтилган қонун ва фармонлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти назоратини ташкил этишни тартибга солиш ва такомиллаштириш учун жиддий қонуний асосдир.

Хўжалик юритувчи субъектларни назорат қилиш фаолияти қонун нормалари билан қуйидагича қатъий кўрсаткичларга бўйсунитишни тақозо этади:

— **биринчидан**, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг қарорига мувофиқ солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан режали тартибда, ҳар йили кўпи билан бир марта, қоидага кўра, айни вақтда комплекс текшириш тарзида амалга оширилади;

— **иккинчидан**, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ҳамда тўловларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлаб турадиган, бошқа норма ва қоидаларга тўлиқ риоя қиладиган, аудиторларнинг ҳар йиллик тегишли хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш қилиш назорат органлари томонидан, қоидага кўра, ҳар икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади;

— **учинчидан**, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органла-

ри томонидан фақат қўзғатилган жиноий иш бўйича тергов тартибида текширилади ва тафтиш қилинади;

— **тўртинчидан**, назорат органлари томонидан молия-хўжалик фаолиятини ҳар қандай текшириш ва тафтиш қилиш муддати 30 календарь кунидан ошиб кетиши мумкин эмас ва истисно ҳолларда бу муддат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши қарорига кўра узайтирилиши мумкин.

Қонуннинг айрим моддалари мазмунига кенгроқ тўхталиб ўтишимиз прокурорларнинг бу қонун талабидан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олишларига ёрдам беради.

Қонуннинг 3-моддасида „назорат қилувчи органлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралардир“, деб кўрсатилгандир. Бу эса ҳар қандай ташкилот ўз билганича текшириш ўтказиши мумкин эмаслигини кўрсатади.

Давлат томонидан назорат қилиш шакллари қуйидагича белгиланган:

1. Текшириш;
2. Тафтиш;
3. Муқобил текшириш;
4. Назорат тартибида текшириш;
5. Статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;
6. Идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган назорат қилиш йўллари қандай амалга оширилади, уларнинг бир-биридан фарқи нимадан иборат? Бу ҳам қонунда ўз аксини топган.

Текширишлар давлат томонидан назорат остига олинади. Энди олдимизда „текшириш ўтказиш, таф-

тиш учун текширувчиларга нималар асос бўлади“, деган савол кўндаланг бўлиши мумкин. Бу саволга 9-моддада жавоб берилган, яъни:

— махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш режасидан кўчирма;

— назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарган буйруғи ёхуд махсус ваколатли органнинг текшириш, шу жумладан тафтиш ўтказиш тўғрисидаги қарори ҳамда текширишнинг мақсади, уни ўтказиш санаси ва текширишни амалга ошириш топширилган мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган қарорлар.

Булардан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектларни текширишга борганда албатта текширишнинг мақсади аниқ кўрсатилиши керак, ваҳоланки кўп ҳолларда текширувчилар ўзларини тўраларча тутиб, „**биз сизларни текширишга келдик**“, деб ташкилотнинг текшириш назарда тутилмаган объектларини, хўжаликларини, тизимини „**бирор нарса чиқиб қолар**“ қабилда ковлаштира бошлайдилар. Шу сабабдан қонун бўйича асоссиз равишда текшириш объектларини кенгайтириб юбориш ман этилади.

Юқорида айтганимиздек, ушбу қонуннинг асосий талабларидан бири текширишни 30 календар кунда амалга оширишдир. Илгарилари текширишлар бир неча ойларга чўзилганлиги, у бир нечта ревизорлар томонидан ўтказилиб, уларнинг барчасига ҳужжат тақдим этиш, ревизияда қатнашиш учун қанча ходимлар овора бўлганлиги барчага маълум. Текширувчиларнинг узоқ муддат ташкилотда бўлиши ходимларнинг нормал иш билан шуғулланишларига, кундалик вазифаларини бажаришларига албатта ўз салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шу туфайли, фақат алоҳида ҳолларда текшириш муддати-

ни узайтириш мумкин деб кўрсатилгани текширувчиларнинг масъулиятини оширади. Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг ходимлари, раҳбарларининг бу қонундан кутган ёрдамлари текширишларнинг даврийлигидир. Текшириш органлари битта субъектни қанча вақтда текширишдан ўтказишлари лозимлиги ҳам қонунда белгилаб қўйилади. Бу эса кетма-кет, пала-партиш текширишларга чек қўйишни назарда тутган 10-моддада кўрсатилган. Юқорида айтилганидек, „Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали тарзда текширишлар махсус ваколатли органнинг қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин“. Амалдаги қонунларга риоя қилиб ишлайдиган, солиқларни ўз вақтида тўлаб турган субъектларнинг фаолиятини кўпи билан икки йилда бир марта текшириш мумкинлиги хўжалик юритувчи субъект раҳбарларини қонунга риоя этишга ундайди, зеро, уларнинг ўзлари бундан манфаатдор бўладилар.

Қонунда „**Махсус ваколатли орган**“ деб кўрсатилган органга изоҳ беришимиз лозим. Барча назорат органларининг ўз вазифалари, текшириш объектлари борлиги маълум. Қонуннинг мақсади шу назорат органларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш эди. Шу туфайли назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши тузилди. Бу Кенгаш юқорида айтиб ўтилган Президентнинг 1998 йил 19 ноябрдаги фармониغا асосан кенгайтирилган таркибда тузилди. Худди мана шу Кенгаш Махсус ваколатли орган ваколатига эгадир. Республика назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг низомига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарларда ҳудудий комиссиялар тузилиши кўрсатилган. Низомда Кенгашнинг вазифалари, мақсади, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган, ундан келиб чиқиб ҳудудий

комиссиялар ҳам ўз вазифаларини белгилаб оладилар.

Қонуннинг 1-моддасида „давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган муассасалар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади“, деб кўрсатилган. Прокурорлар қонуннинг 2-моддасида кўрсатилган „Прокурор назорати тартибида амалга ошириладиган давлат назорати тегишли қонун ҳужжатлари билан амалга оширилади“, дейилган бандига алоҳида эътибор беришлари лозим. Кўрсатилган модда прокурорларнинг ушбу қонун доирасидан чиқиб текширишлар ўтказишларига ваколат бермайди. Улар қонунда кўрсатилган текширишларни фақат ваколатли орган рухсати билан амалга оширишлари лозим.

Бунинг учун ўз режаларига у ёки бу ҳўжалик юритувчи субъектни текширишни киритмоқчи бўлган туман, шаҳар прокурорлари режа тузишдан олдин вилоят ва унга тенглаштирилган прокурорларга ўз фикрларини тавсия этадилар. Ўз навбатида вилоят прокурорлари назарда тутилаётган текширишларни жамлаб, Республика прокуратурасига вилоят бўйича қаерларда, қачон, қайси қонуннинг ижросини текшириш назарда тутилаётганини маълум қиладилар. Шундан сўнг Республика прокуратураси барча вилоятлар ва марказий маҳкама томонидан ўтказилиши кўзда тутилган текширишлар ва уларнинг объекти, тизимини жамлаб, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашига таклиф беради. Кенгаш рухсати билан бу текширишлар режага киритилади. Прокурорлар ўз ташаббуслари билан ҳўжалик юритувчи субъектларда режадан ташқари асосли маълумотлар ва материалларга асосан текшириш ўтказмоқчи бўлсалар ҳам албатта Кенгаш

рухсатини олишлари лозим бўлади. Бунинг учун албатта текшириш ўтказиш учун етарли асослар борлигини исботлаш, текшириш мақсади нимадан иборат эканини кўрсатишлари керак.

Бу эса прокурорларнинг ўзлари ҳам бу қонунга оғишмай амал қилишлари лозимлигини кўрсатади. Шунингдек, улар барча текшириш ва назорат органларининг қонунни бажаришларини назорат қилиб борадилар.

Бу қонун ҳамда фармоннинг бажарилишидаги **прокуратура органининг ваколоти** Республика Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги фармонининг 8-бандида кўрсатилган, яъни „хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонунлар, фармонлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари қандай ижро этилаётганлигини назорат қилиш таъминлансин, назорат органлари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари хусусида республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг тақдимномаларини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг шикоятлари ўз вақтида кўриб чиқилиб, қонунда кўзда тутилган чоралар кўрилсин“, дейилган. Демак бу қонуннинг амалда қўлланилиши прокуратура органлари унинг бажарилишини қандай даражада назорат қилишларига боғлиқ.

Ҳаммамизга маълумки, Республикамиз Президентини ташаббуси билан назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши ҳузурида текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг шикоятларини қабул қилиш гуруҳи ташкил этилди.

Гуруҳнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: хўжалик юритувчи субъектларнинг шикоятларини „ишонч телефони“ орқали қабул қилиш ва

уларни рўйхатга олиш; келиб тушган шикоятлар мазмунини, уларнинг ишончлилигини аниқлаш мақсадида мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг ишчи гуруҳига етказиш; кенгаш қарорига кўра, белгиланган тартибда қонунга зид ҳолда ўтказилган текширувни тўхтатиш ҳақида кўрсатма тайёрлаш ва уни ижро этиш учун назорат органларига йўллаш; қонунчиликда белгиланган тартибни мунтазам равишда бузиб келаётган назорат органлари ва мансабдор шахсларни аниқлаш мақсадида келиб тушаётган шикоятларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва туркумлаш.

Ушбу Кенгаш ва гуруҳ маълумотига кўра Республикада қонунни ижро этиш бир қадар яхшиланди. 1999 йилнинг I чораги якунларига кўра ўтказилган текширув ва тафтишлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14883 тага ёки 25 фоизга қисқарди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 1999 йилнинг I ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш устувор йўналишларининг амалга оширилишини баҳолаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Унда „**кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни зарур даражада қўллаб-қувватлаш**“ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларининг, жойлардаги ҳокимият ва бошқарув органларининг биринчи навбатдаги вазифалари ҳисоблансин, улар хусусий тадбиркорларга нисбатан тўрачилик ва сансалорлик, уларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашиш ҳолларининг қатъий олдини олсинлар“, дейилган.

Бундан ташқари, „Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш борасида қонун ҳужжат-

ларига риюя қилиниши ва назорат қилувчи органлар, давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашмаслиги устидан назоратни кучайтириш тавсия қилинсин. Ишларнинг аҳволи тўғрисида ҳар чорақда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгашига ахборот берилсин“, деб кўрсатилган.

Прокурорларимиз Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-моддасида текширишлар тартибини бузиш учун жавобгарлик назарда тутилганини ҳам ёддан чиқармаслиги лозим.

Прокурорлар юқорида тилга олинган қонун ва фармонларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлашлари учун ўша қонун ва фармонлар қўлланмага илова қилинмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида

Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчилик ва такрорлаш фактларини бартараф этиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асосиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб:

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

— мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва барча текширишларни ўтказиш, қоида тариқасида, бир йўла комплекс текширишлар ўтказилишини назарда тутган ҳолда фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг қарорига биноан режа асосидаги тартибда солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилади;

— мазкур субъектларнинг фаолиятини қўшимча, шунингдек, муқобил текшириш ва тафтиш қилиш ишларини ўтказиш жинойий ишлар бўйича тергов давомида ёки фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг қарори билангина назорат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Горизонтал текширишлар ва тафтишлар ўтказилишига йўл қўйилмайди, бошқа хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текшириш-

ларни ўтказишга эса фақат уларнинг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари доирасидагина йўл қўйилади;

— бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ҳамда тўловларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлаб турадиган, бошқа норма ва қоидаларга риоя этадиган, аудиторларнинг ҳар йиллик тегишли хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи ва тadbиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш қилиш назорат органлари томонидан, қоида тариқасида, ҳар икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади;

— хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан фақат қўзғатилган жиноий иш бўйича тергов тартибда текширилади ва тафтиш қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари зиммасига республика ҳамда маҳаллий бюджетларнинг, шунингдек, қўшма бюджетда ҳисобга олинadиган бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молияланадиган муассасаларнинг молия-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда текшириш вазифаси юклансин. Зарур ҳолларда ана шу текширишларни амалга ошириш учун солиқ ва бошқа назорат органлари жалб қилиниши мумкин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

— назорат органлари томонидан молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва ҳар қандай текширишни ўтказиш муддати 30 календар кунидан ошиб кетиши мумкин эмас. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг қарорига мувофиқ узайтирилиши мумкин;

— аудиторлик текширишларини ўтказиш бўйича

сарф-харажатлар ана шу текширишларни тайинлаган ташкилотлар ҳисобидан қопланади.

4. Хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш, жумладан, назорат тариқасидаги текширишлар ва тафтишларни ўтказиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик солиқ ва молия органларининг, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги органларининг, шунингдек давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган бошқа органларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг янгиланган таркиби ва у ҳақдаги Низом тасдиқлансин.

6. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши бир ой муддатда вакил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан ҳудудлар бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш борасида 1999 йилги мувофиқлаштирувчи режалар ишлаб чиқилишини таъминласин, бунда комплекс текширишларни кенг жорий этиш асосида уларни ўтказиш даврийлиги ва муддатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқларни ва мажбурий тўловларни тўлашдан ашаддий бўйин товлаш фактларининг ҳар бири бўйича чора кўриш учун йилнинг ҳар чорагида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашига ўз таклифларини тақдим қилсин.

7. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар:

— икки ҳафта муддатда молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан, назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахсларнинг рўйхатини тасдиқласинлар;

— молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан, назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахслар белгиланган тартибда аттестациядан ва қайта аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган қондани татбиқ этсинлар. Бир ой муддатда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан, назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахслар учун махсус гувоҳномалар жорий қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонунлар, фармонлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари қандай ижро этилаётганлигини назорат қилишни таъминласин, назорат органлари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари хусусида республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг тақдимномаларини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиб, қонунда кўзда тутилган чораларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузишда айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланишини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ва ноҳукумат ташкилотлари билан бирга ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини юқори кўтариш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсинлар, назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини бузиш сабабларини мунтазам таҳлил этиб, уларни тугатиш чораларини кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси, „Ўзтелерадио“, оммавий ахборот воситалари ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш ишларини ўтказиш қоидаларини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенг тушунтириб берсинлар, шунингдек, назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини бузиш фактларини ёритиб борсинлар.

11. 1998 йил 8 июндаги ПФ-2008-сонли фармоннинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур фармонни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.А.КАРИМОВ

**Тошкент шаҳри,
1998 йил 19 ноябрь.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида

Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини авж олдириш, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти учун реал шарт-шароитларга эга бўлган янги тадбиркорлик тузилмалари шакллантирилишини, шунингдек, белгиланган ҳисоб-китоб тартибига риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1999 йилнинг 1 апрелидан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларига янги ташкил этилаётган савдо ва савдо-воситачилик корхоналарини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида, вилоятлар, шаҳарлар, туманларнинг ҳокимликларида рўйхатдан ўтказиш ва солиқ органларида ҳисобга қўйиш уларда ўзларининг устав фаолиятига мос келадиган савдо майдонлари, омборхоналари ҳамда асбоб-ускуналари, шу жумладан, чакана савдо корхоналари учун назорат- касса аппаратлари ёки уларни харид қилишга ёхуд ижарага олишга маблағлари мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

Мазкур тартибга риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, Давлат солиқ қўмитасининг раиси ва ҳудудий солиқ органларининг раҳбарлари зиммасига юклансин.

2. Агарда савдо ва савдо-воситачилик корхоналари уч ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ

пул операцияларини банк ҳисоб варақалари орқали амалга оширмаган ҳолларда тижорат банклари:

— уларнинг банк ҳисоб варақалари бўйича кейинги операцияларни ўтказишни тўхтатиб қўйсин — бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқларни ҳамда бошқа мажбурий туловларни ўтказиш бундан мустасно;

— ҳўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб варақалари бўйича операциялар тўхтатилган санадан бошлаб уч кун муддатда юридик шахс фаолиятини бундан буён давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса тайёрлаш учун у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати органига ахборот берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва маҳаллий ҳокимият органлари давлат солиқ хизмати органларининг тақдимномасига биноан, молия-ҳўжалик фаолиятига боғлиқ пул операцияларини банк ҳисоб варақалари орқали амалга оширмаётган юридик шахсларни белгиланган тартибда ҳўжалик юритувчи субъектлар реестридан чиқарсинлар.

4. Ҳўжалик юритувчи субъект ўзининг юридик манзилгоҳи ўзгаргани ҳақида рўйхатга олувчи органга ва солиқ хизмати органига 10 кун муддат ичида маълум қилмаган тақдирда ҳўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсларига солиқ органлари томонидан энг оз иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача маъмурий жарима солиниши белгилаб қўйилсин.

5. „Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида“ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сон фармонининг 8-банди савдо ва савдо-воситачилик корхоналари учун ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда қонунчиликка ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.А.КАРИМОВ

**Тошкент шаҳри,
1999 йил, 29 март.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида

Мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат юритувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашшига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Хўжалик юритувчи субъектлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш этишга доир барча ишларни мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси (шахсан Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ш.Гатаулин) зиммасига юклансин.

2. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

— мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини қонунчилик нормаларида белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга ошириладиган текширишларнинг ҳаммаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши билан келишилган ҳолдагина ўтказилади.

Республика Кенгаши билан келишилмаган ҳолда текширишларни амалга оширувчи марказдаги ва жойлардаги назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

4. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши:

— режа асосида ўтказиладиган текширишларнинг йиллик, ярим йиллик ҳамда ҳар бир чоракка мўлжалланган жадвалларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

— комплекс текширишларни ўтказиш амалиётга жорий этилсин, бунда бир корхонадаги текшириш барча ваколатли ташкилотлар томонидан амалга оширилади, шунинг ҳисобига ўтказиладиган текширишлар сони ва масалаларини такрорлаш кескин камайтирилсин.

5. Хўжалик юритувчи субъектларни текширадиган идоравий тафтиш хизматларининг мавжудлиги мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, идоралари (Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги бундан мустасно), концернлар, корпорациялар, уюшмалар мавжуд тафтиш хизматларини тугатсинлар ва ўз таркибларидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил этишнинг аудиторлик шакллари қўлласинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги мазкур банднинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин. 1997 йил бюджетда бошқарув идораларининг лавозимлари рўйхатидаги тегишли ўзгаришларни назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида текширишларни тартибга солиш тўғрисида“ 1993 йил 10 декабрдаги № 696-сонли фармони, шунингдек,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил
8 ноябрдаги № 574-сонли фармойишининг биринчи
банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.А.КАРИМОВ

**Тошкент шаҳри,
1996 йил 8 август.**

Ўзбекистон Республикасининг

Қ О Н У Н И

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади.

Ушбу Қонун хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган муассасалар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Прокурор назорати тартибда амалга ошириладиган давлат назорати тегишли қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар.

Ушбу қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

назорат қилувчи органлар

— хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар;

— **текшириш** — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

— **тафтиш** — молия ва солиқ масалалари бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқ, давлат статистика органларига ҳамда банкларга тақдим этиладиган ҳисобга олиш ва ҳисобот ишларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерлик, молия ва бошқа ҳужжатларини текшириш;

— **муқобил текшириш** — операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув;

— **назорат тартибида текшириш** — хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

4-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш шакллари.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

— текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш;

— статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш орқали давлат томонидан назорат

рат қилиш, шунингдек идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

— назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;

— юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

— хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

6-модда. Текширувчи мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиши лозим.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига руҳсат белгиланган намунадаги махсус гувоҳнома билан тасдиқланади.

7-модда. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва чиқарган қарорларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга доир

қисми назорат қилувчи органлар учун мажбурий ҳисобланади.

8-модда. Махсус ваколатли органнинг асосий вазифалари.

Махсус ваколатли органнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

— хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг, шу жумладан комплекс текширувлар ҳамда тафтишларнинг назорат қилувчи органлар бир-бирининг ишини такрорлашига йўл қўймайдиган мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш;

— назорат қилувчи органларнинг текширувлар ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режаларига риоя қилишини назорат қилиш ҳамда режадан ташқари текширувлар махсус ваколатли орган билан келишмай ўтказилишига йўл қўймаслик.

Махсус ваколатли органни тузиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

9-модда. Текширишларни ўтказиш учун асос.

Юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текшириш, шу жумладан тафтишдан ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

— махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма;

— назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарган буйруғи ёхуд махсус ваколатли органнинг текшириш, шу жумладан тафтиш ўтказиш тўғрисидаги ҳамда текшириш мақса-

ди, уни ўтказиш санаси ва текширишни амалга ошириш топширилган мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган қарорлари.

Прокуратурага, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун қўзғатилган жиноий иш мавжудлиги асос бўлади.

10-модда. Текширишлар даврийлиги.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали тарзда текширишлар махсус ваколатли органнинг қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла миқдорда тўловчи, бошқа тартиб ва қоидаларга риоя қилувчи, аудиторларнинг ҳар йилги тегишли хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан, қоида тариқасида, кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади.

11-модда. Текширувлар муддатлари.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календар кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

12-модда. Режадан ташқари текширув.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун махсус ваколатли органнинг текширилаётган объект номини, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослилиги кўрсатилган ҳолда

режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли назорат қилувчи органнинг буйруғи асос бўлиб хизмат қилади.

Режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

— агар текширувни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қароридан келиб чиққанда;

— назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда;

— фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;

— санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

13-модда. Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш солиқ органлари ҳамда бошқа назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг ваколатлари доирасида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14-модда. Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш.

Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш тегишли назорат қилувчи (ёнгинга қарши, санитария, ветеринария, энергетика

назорати ва бошқа) органлар томонидан, қоида тариқасида, бир марта ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.

Комплекс текширувлар махсус ваколатли орган тасдиқлаган режалар асосида ўтказилади.

15-модда. Назорат тартибида текшириш.

Назорат тартибида текшириш назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

16-модда. Текширилаётган ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

Текширилаётган ҳужалик юритувчи субъектлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;

— назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш;

— текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

— назорат қилувчи органларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;

— назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичида текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхасини олиш;

— қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш объектларига киритишга, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурдирлар.

17-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлардан текшириш ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;

— текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

— тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари олдига айбдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

— текширувга вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мутахассисларини белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда молиявий ёки маъмурий жазо чораларини қўллаш.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг қонуний талаблари текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

— текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш;

— давлат сирини, тижорат ёки бошқа сирлар сақла-нишини таъминлаш;

— текширув натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдириш;

— ҳуқуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш.

18-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмасликни кафолатлаш.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўришлари мумкин. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа қонуний фаолиятига аралашшиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ноқонуний қарорлари ёки бошқа ҳаракатлари нати-

жасида хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда ҳужжатларда белгиланган тартибда қопланади.

19-модда. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан бевосита судга ёки бўйсунуш тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин.

Шикоятни бериш назорат қилувчи орган мансабдор шахсининг ҳаракатларини тўхтатиб қўймайди. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан қилинган шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

20-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.А.КАРИМОВ

**Тошкент шаҳри,
1998 йил 24 декабрь**

**Жиноятни содир этишда гумон қилина-
ётган шахсларни ушлаб туришнинг қону-
нийлиги устидан прокурор назорати**

/Ўқув-услубий қўлланма/

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи чет эллик ҳар бир кимса жинси, миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар шахсий дахлсизликка эга бўлиб, эркин ҳаёт кечиради, яъни ҳар бир киши эркин равишда, ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилиши мумкин, фақат шахснинг ҳаракатлари қонунга зид бўлмаслиги керак, холос. Ўзбекистонда яшовчиларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи конституциявий даражада мустаҳкамланган.

„Ҳар ким, — дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида, — эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас“.

Демак, ҳеч ким инсонга қонунсиз таъсир ўтказиш, уни баъзи ҳаракатларни қилишга мажбурлаш ёки баъзи ҳуқуқларини чеклаш ҳуқуқига эга эмас.

Шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқи ҳуқуқнинг турли соҳалари билан, шунингдек жиноят ҳуқуқи билан ҳам муҳофаза қилинади, унда бу ҳуқуқларга тажовуз қилинганлик учун жавобгарлик ўрнатилиб, турли жазо чоралари белгиланган.

Республикамиконституциясидаги „ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас“, деган қоида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга тўла мос келади, аниқроғи фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 9 - моддаси биринчи бандига асосан: *„Ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга-*

дир. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас, қонунда белгилаб қўйилган асосларда ва қонун-қоида таомилига биноангина озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. ¹ Бу талаблар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 9-моддасидаги: „Ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамалиши, ушланиши ва қувғин қилиниши мумкин эмас“², - деган қоидадан келиб чиқади.

Конституциянинг 20-моддасига мувофиқ фуқаролар ўз ҳуқуқи ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари керак, чунки жамиятда яшаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари бир-бирлари билан узвий боғлиқ. Агар фуқаро ўз ҳуқуқларини кўзласа, талаб қилса-ю, бошқаларни эсдан чиқарса ёки бошқа, ўзига ўхшаш фуқароларнинг ҳуқуқларига путур етказса, бу қонунсизликка олиб келади, яъни уларга нисбатан қонун асосида ҳар хил мажбурлов чоралари қўллаш заруриятини юзага келтиради.

Жамият шахсга жамият ва халқ манфаатларига зид ҳаракатларини амалга ошириш эркинлигини бера олмайди, шу сабабли у ҳар хил ижтимоий, шу жумладан ҳуқуқий нормаларда фуқароларнинг хулқ-атворининг маълум доирасини белгилайди. Демак, фуқаролар томонидан ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суистеъмол қилиш, қонун чегарасидан чиқиш, бошқаларнинг манфаатларига путур етказиш — қонунда кўрсатилган тартибда уларнинг ҳуқуқларини маълум

¹ Международные конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью. Сборник международных соглашений и рекомендаций. Ташкент. ИПК „Шарқ“. 1995, стр.37.

² Международные конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью. Сборник международных соглашений и рекомендаций. Ташкент. ИПК „Шарқ“. 1995, стр.12.

даражада чеклаш ва уларга нисбатан тегишли қонун назарда тутган мажбурлов чораларини татбиқ этишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят-процессуал кодексида** процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари билан бир қаторда уларнинг процессуал мажбуриятларини бузишнинг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган процессуал мажбурлов чоралари ҳам белгиланган. Шахс дахлсизлигига таъсир кўрсатувчи процессуал мажбурлов чораларининг бири жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексига кўра, ушлаб туриш шаклидаги процессуал мажбурлов чораси фақат қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлгандагина қўлланилиши мумкин.

Шунга қарамасдан, амалиётда мазкур турдаги процессуал мажбурлов чораларини асоссиз қўллаш ҳоллари ҳам учраб туради. „Натижада, — дейилади Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1996 йил 20 сентябрдаги „Фуқароларни ушлаш, ҳибсга олиш ва жиноий жавобгарликка тортишда уларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан прокурорлик назоратини янада кучайтириш ҳақида“ги 25-сонли буйруғида, — фуқароларни асоссиз равишда ушлаш, қамоққа олиш, тинтув қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш каби файриқонуний ҳаракатларга йўл қўйилмоқда“.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятидаги юқорида келтириб ўтилган файриқонуний ҳаракатларни бартараф этиш, ушлаб туриш шаклидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашда қонун талабларини тўла ва оғишмай бажариш, дастлабки терговнинг тўла, ҳар томонлама ва холисона бўлишини таъминлаш, фуқароларнинг конституция билан кафолатланган ҳуқуқларини муҳофаза қилиш

прокурор, терговчи ва суриштирув органлари ходимларининг масъулиятини доимий равишда ошириб боришни, бу соҳадаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада кучайтиришни, унинг самарадорлигини оширишни талаб қилади.

Мазкур вазифаларни муваффақиятли бажариш учун прокурор-тергов ходимлари ушлаб туриш шакли процессуал мажбурлов чорасини қўллашга доир амалдаги қонунларни, уларни татбиқ этиш амалиётини, Республика Бош прокурорининг тегишли буйруқ ва кўрсатмаларини мукамал билишлари зарур.

Мазкур қўлланма ушлаб туриш шаклидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашга тегишли қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш, унинг самарадорлигини таъминлашда услубий ёрдам кўрсатишни назарда тутиб тайёрланган.

І б о б

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШДА ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАН ШАҲСНИ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБДА УШЛАБ ТУРИШ ТУШУНЧАСИ

Шахс дахлсизлигининг конституциявий кафолатларига риоя қилиш тергов маҳкамаларининг, жумладан ҳар бир терговчи, шунингдек суриштирув органлари фаолиятининг муҳим мезонларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг **220,329-моддаларига** мувофиқ, ушлаб туриш кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати сифатида жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Республикамиз Бош прокурорининг буйруқ ва кўрсатмаларига биноан ушлаб туришни қўллаш фа-

қат қонунда кўрсатилган асослар мавжуд ҳолларда, кечиктириб бўлмайдиган ҳолат сифатида амалга оширилиши, асоссиз, ғайриқонуний равишда ушлаб туриш ҳолатларига йўл қўйилмаслиги лозим.¹

Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш икки томонлама ҳуқуқий табиатга эга. Бир томондан у жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлашга қаратилган, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати ҳисобланса, иккинчи томондан процессуал мажбурловнинг энг жиддий чораси ҳисобланади. Шу сабабли уни қўллаш етарли асослар мавжуд ҳолда, қонун талабларига тўла роя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим. (**Ўз.Р. ЖПКнинг 214-моддаси**). Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш одил судловга қарши жиноят ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **234-моддасида** мазкур жиноят учун жазо белгиланган.

„Ушлаб туриш“ термини ҳозирги вақтда ҳуқуқнинг ҳар хил соҳалари билан тартибга солинадиган, бир турда бўлмаган ҳаракатларни қамраб олади. Суриштирув органлари ходимлари ва терговчилари баъзи ҳолларда шахсни жиноят содир этишда гумон қилинаётганлиги учун ушлаб туришни, маъмурий тартибда ёки ҳуқуқни бузганлиги сабабли ушлаб турилганлигидан фарқлай олмайдилар, бу ҳол, ўз навбатида, қонун бузилишига сабаб бўлади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва уни маъмурий жавобгарликка тортиш имкониятини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 31 мартдаги 6- сонли ҳамда 1997 йил 28 майдаги 25-сонли буйруқларига қаралсин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туришда шахсни кўриқдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларини олиб қўйишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **288-моддасига** мувофиқ, маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Айрим ҳолларда, алоҳида зарурат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг бошқача муддатлари белгиланиши мумкин.

Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиб, уч кеча-кундуз ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **287-моддасига** мувофиқ, маъмурий йўл билан ушлаб туриш бу ишга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ваколат бериб қўйилган органлар (мансабдор шахслар) томонидангина, яъни ички ишлар органлари томонидан; чегара қўшинлари томонидан; қўриқланадиган объект жойлашган ердаги ҳарбий соқчиликнинг катта мансабдор шахси томонидан; ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан; табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан; божхона органлари хизматчилари томонидан; ҳарбий патруль томонидан, давлат

солиқ органларининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушланган ҳар бир шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **286-моддасига** мувофиқ баённома тузилади, лекин ушланган шахсни тинтув қилиш, уни вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камерасига жойлаштириш қатъиян ман этилади, чунки у ерда жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахслар сақланиши мумкин.

Амалиётда, айниқса суриштирув органлари фаолиятида, фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш ҳисобига суриштирув учун яхши шароит туғдириш, сунъий равишда ушлаб туриш муддатини узайтириш мақсадида жиноят-процессуал ушлаб туришни маъмурий йўл билан ушлаб туришга алмаштириш ҳоллари ҳам учраб туради.

Баъзан муайян жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни ички ишлар органларига келтирилганларидан кейин унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг **221-моддасига** асосан ушлаб туриш тарзидаги процессуал-мажбурлов чорасини қўллаш ўрнига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, холислар иштирокисиз ёки битта холис иштирокида шахсни кўриқдан ўтказадилар.

Шахсни ЖПКнинг **221-моддаси** асосида ушлаб туришни маъмурий йўл билан ушлаб туришга алмаштириш, шунингдек унинг ақс ҳолати ҳам, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик туфайли милиция органига келтирилган шахсни жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс билан биргаликда камерага жойлаштириш қонун талабларининг бузилишига олиб келади.

Қайд қилинган қонун бузилиши ҳолатларини бар-тараф этиш учун жиноятни содир этишда гумон

қилинаётган шахсни жиноят-процессуал тартибда ушлаб туриш тушунчасини, мазкур ушлаб туришнинг ўзига хос хусусиятларини билишни талаб қилади.

Жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш бошланғич ва ниҳоятда самарали чоралардан ҳисобланади. У жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахснинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг олдини олиш имкониятини беради. Аксарият ҳолларда шу тарзда ушлаб туриш жараёнида далил аҳамиятига эга бўлган нарса ва ҳужжатлар олинади (жиноятни содир этиш қуроллари, ўғирланган қимматбаҳо буюмлар ва б.)

Жиноят-процессуал тартибда ушлаб туриш суриштирув органи ёки терговчи томонидан жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, қонунда назарда тутилган асослар ва тартибда, олдиндан прокурор розилигини (санкциясини) олмасдан, қисқа муддатга озодликдан маҳрум этишдан иборат.

Демак, жиноят-процессуал тартибда ушлаб туриш:

— қонунда кўрсатилган ваколатли мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади;

— қисқа муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳисобланади;

— фақат муайян жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан қўлланади;

— қонунда кўрсатилган асослар мавжуд ҳоллардагина қўлланилиши лозим;

— қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши ва расмийлаштирилиши зарур;

— агар муайян ҳолатлар унинг кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлигини тақозо этсагина тўғри ва ўринли ҳисобланади;

— прокурор розилигисиз (санкциясиз) қўлла-

нилади, бунга сабаб вақтнинг чегараланганлиги, унинг олдиндан режалаштириб бўлмайдиган, кечиктирилиши мумкин бўлмаган ҳаракат эканлигидир.

Амалиёт шуни кўрсатадики, асоссиз ушлаб туришларнинг асосий сабабларидан бири суриштирув ва дастлабки тергов органларидаги айрим ходимларнинг ушлаб туришнинг мақсади, асослари тўғрисидаги процессуал қонун-қоидаларни етарли даражада билмасликлари, айрим ҳолларда эса, ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан прокурор назоратининг қонун ва Республика Бош прокурорининг тегишли буйруқ ва кўрсатмалари талаблари даражасида амалга оширилмаслигидир.

II 6 0 6

УШЛАБ ТУРИШНИНГ АСОСЛАРИ ВА МАҚСАДИ, ПРОЦЕССУАЛ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Ушлаб туришга доир бошқа долзарб масалалар

Ушлаб туришнинг асослари ва мақсади

Ушлаб туришни қўллаш зарурияти ва имконияти билан боғлиқ бўлган ҳолатларнинг йиғиндиси ушлаб туриш асосларини ташкил қилади. Ушлаб туриш асослари Ўзбекистон Республикаси жинойт-процессуал кодексининг **221-моддасида** белгиланган бўлиб, уни қўллаш учун мазкур моддада қайд қилинган тўртта асослардан биронтаси мавжуд бўлиши шарт. У асослар қуйидагилар:

1) **шахс жинойт устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса.**

Демак, шахс жинойтни содир этаётганда ёки уни содир этгандан кейин — жинойт содир этилган жойда қўлга тушиши шарт. Мазкур ҳолатда ушланишнинг аҳамияти шундан иборатки, ушлаш пайтида

кейинчалик иш бўйича ашёвий далил сифатида фойдаланиладиган нарса ва буюмлар олинishi мумкин.

Юқорида кўрсатилган ҳолатда ушлаб туриш учун жиноятни содир қилаётган шахс ким томонидан, яъни жабрланувчи ёки ишга алоқадор бўлмаган фуқаро томонидан қўлга олинганлигининг аҳамияти йўқ, чунки **Ўз.Р. ЖПКнинг 222-моддасига** мувофиқ „милиция ёки бошқа суриштирув органининг ходими, шунингдек муомалага лаёқатли ҳар қандай шахс қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ва яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келишга ҳақлидир“;

2) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар.

Бу асос жиноятнинг содир этилишини бевосита ўз кўзлари билан кўрганлар, яъни жиноий воқеанинг бевосита гувоҳлари, жумладан жабрланувчиларни ҳам назарда тутди. Уларнинг жиноятни содир этган шахсга нисбатан тўғридан-тўғри кўрсатувлари ёки уни таниб олиш учун етарли бўлган белгиларини тасвирлашлари ҳам у шахсни ушлаш учун асос бўлади. Мазкур асосга мувофиқ жиноятни содир этган ижрочиларни ҳам, жиноятнинг бошқа иштирокчиларини ҳам ушлаб туриш мумкин.

Башарти, жиноятнинг содир этилишини ўз кўзи билан кўрган шахснинг хабари (кўрсатуви) жиноят ишини кўзфатиш сабаби бўлса, у хабар баённомада қайд этилиши ёки ёзма хабар сифатида расмийлаштирилиши лозим (**Ўз.Р. ЖПКнинг 322, 325-моддалари**). Жиноий воқеани содир этган шахсни ўз кўзи билан кўрганлиги тўғрисидаги маълумот ушлаб туриш баённомасига ёзилиши керак, шунингдек, у баённомада ёзилган ёки ёзилмаганидан қатъи назар,

жинойй воқеани ўз кўзи билан кўрган шахс гумон қилинувчи ушлангандан кейин батафсил сўроқ қилиниши лозим;

3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса.

Жиноятнинг яққол излари сифатида қонталашган жой, шилинган жой, тирналган жой, жароҳат; гумон қилинувчининг танаси ёки кийимидаги қон излари, унинг кийимларининг шикастланиши; гумон қилинувчининг танаси, кийимлари ва оёқ кийимида айрим моддаларнинг (бўёқ, лой, тупроқ, ун, ёғ, цемент, оҳак в.б.) излари бўлиши мумкин; гумон қилинувчи ёнида ёки уйида иш бўйича ашёвий далил сифатида ишлатилиши мумкин бўлган жиноятни содир этиш қуроллари, ўғирланган мол-мулкнинг мавжудлиги. Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар гумон қилинувчининг содир этилган жиноятга дахлдорлигини кўрсатади. Қайд қилинган излар ҳар хил кўздан кечириш, гувоҳлантириш, тинтув ўтказиш натижасида аниқланиши мумкин;

4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

„У қочмоқчи бўлса“ сўзлари унинг суриштирув ва дастлабки тергов органларидан яширинишга, қочишга уриниб кўриши, ҳаракат қилиб кўриши маъносида тушунилиши лозим (масалан, уни сўроқ қилишга чақиринишда, сўроқ қилишга мажбуран келтирилаётганда, ўзи яшаётган жойни, шаҳарни ташлаб кетишга, мансабдор шахс ва фуқаролардан яширинишга уриниши, асоссиз яшаш жойини ўзгартириши, ҳужжатлар кўрсатишдан бош тортиши в.б.).

Гумон қилинувчи шахснинг хизмат сафарида, дам олишда, меҳмонда бўлиши билан боғлиқ сабабларга кўра ўз яшаш жойида бўлмаслиги — уни „қочмоқчи бўлди“, деб ҳисоблашга асос бўла олмайди.

Шахсни доимий яшайдиган жойи йўқ, деб ҳисоблаш учун у рўйхатдан (пропискадан) ўтган бўлса ҳам, унинг у жойда ҳақиқатда яшамаслиги ва яшаш жойи номаълум бўлиши керак.

Шахси аниқланмаган деб эътироф этиш учун у шахсда шахсини гувоҳлантирувчи ҳужжатнинг бўлмаслиги ёхуд ҳужжатда қалбакилаштириш излари, белгиларининг бўлиши асос бўла олади. Агар шахс ўзи тўғрисида маълумотлар берса ва уларни текшириш имконияти бўлса (ишончга лойиқ фуқароларнинг гувоҳлик бериши), у шахси аниқланмаган деб танилиши мумкин эмас.

Шу билан бир қаторда, маълум шахснинг гумон қилиниши ва ҳатто юқорида кўрсатилган асосларнинг мавжудлиги уни ушлаб туриш зарурлигини англатмайди. Ушлаб туриш учун ушлаш мақсадлари ва сабаблари эътиборга олинishi лозим. Амалиётда юз бераётган асоссиз ушлаб туриш ҳоллари бартараф этилмаганлигининг асосий сабабларидан бири терговчиларнинг (суриштирувчиларнинг) ушлаб туриш мақсадларини тўғри тушунмасликлари, шунингдек ушлаб туришнинг қонунда кўрсатилган сабабларига эътиборсизлиги ҳисобланади.

Жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаб туриш сабаблари ва мақсади ушлаб туриш нима учун зарур, уни амалга оширишда нималар назарда тутилади, деган саволларга жавоб бериши керак.

Гумон қилинганларни ушлаб туриш жиноят-процессуал кодексида белгиланган қоидаларга мувофиқ:

— уларнинг жинойий фаолият билан шуғулланишига барҳам беришни;

— қочиб кетишларининг, далилларни яширишлари ёки йўқ қилиб юборишларининг олдини олишни;

— ушланган шахснинг содир этилган жиноятга алоқадорлигини (аралашганлигини) аниқлашни;

— уларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳти-

ёт чорасини қўллаш масаласини ҳал этишни назарда тутди.

Демак, ушлаб туриш тарзидаги процессуал мажбурият чорасини қўллаш учун **Ўз.Р. ЖПКнинг 221-моддасида** кўрсатилган асослардан бири ҳамда юқорида тилга олинган мақсад ва сабаблар мавжуд бўлиши шарт, қонунда кўрсатилган асослар қатъий ҳисобланади, бошқа ҳеч қандай ҳолат шахсни ушлаб туришга асос ва сабаб бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 223-моддасига кўра депутатлар, судьялар ва прокурорлар ушлаб турилиши ҳамда милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас. **ЖПКнинг 221-моддаси** биринчи бандида назарда тутилган ушлаб туриш ҳолларига (шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса) нисбатан мазкур татқиқ татбиқ этилмайди.

Ушлаб туришни расмийлаштириш тартиби

Жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш тартиби жиноят-процессуал кодексда белгиланган. Қонунда белгиланган тартибни тўла бажариш шунинг учун лозимки, у шахс жиноят процессининг иштирокчиси сифатида тегишли процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни сақлаш жойларига жойлаштириш учун асосий процессуал ҳужжат ушлаб туриш баённомаси ҳисобланади (**ЖПКнинг 225-моддаси**).

Мазкур моддага кўра ушлаб турилган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олиб келинганда ушбу органнинг навбатчиси ёки бошқа ходими бошлиқнинг кўрсатмасига биноан дарҳол ушлаб туриш баённомасини тузиши ва унда кимнинг (яъни ушланган шахснинг шахси-

ни аниқловчи маълумотлар), ким томонидан, қачон (кун ва соати, ой, йил), қандай ҳолатда, қонунда кўрсатилган қандай асосларга, мақсад ва сабабларга кўра ушлангани; ушланган шахс қандай жиноятни содир этганликда гумон қилинаётгани; милиция бўлимига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга у қачон олиб келингани акс эттирилиши лозим. Баённомани ушлаб туришнинг асослилигини текшириш топширилган милиция ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими, ушлаб келтирилган ваколатли шахс ёки фуқаро, ушланган шахс ва холислар имзо чекиб тасдиқлайдилар.

Қонун талабларига кўра баённомада гумон қилинувчининг қачон ушланганлиги ва милиция бўлимига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга қачон олиб келинганлиги акс эттирилиши лозим.

Биринчи ҳолатда қонун шахс озодлиги чекланишининг ҳақиқий вақти ва жойи кўрсатилишини назарда тутаяди, чунки ушлаб туришнинг қонунда белгиланган муддати шахс ушланган аниқ соат ва кундан бошлаб ҳисобланади (**ЖПКнинг 315-моддаси**).

Ушлаб туриш баённомаси, кўриб турибмизки, жиноят процессида иштирокчи сифатида гумон қилинувчи шахснинг мавжудлигини белгиловчи процессуал ҳужжатдир, у тергов ҳаракатлари баённомасига қонун томонидан қўйиладиган талабларга (**ЖПКнинг 90-моддаси**) жавоб бериши лозим. Баённомада шахс ушланишининг аниқ вақти, жойи ва ҳолатларининг кўрсатилиши муҳим амалий ва процессуал аҳамиятга, шунингдек катта далилий аҳамиятга ҳам эга. Шу сабабли, ушлаб туриш баённомасида ушлаб туриш зарурлигини асословчи муайян ҳақиқий ҳолатлар, жумладан, қандай ҳаракатларни амалга ошираётганда ушланганлиги, унинг ўзида ёки кийимида содир этилган жиноятнинг қандай яққол излари борлиги ўз ифодасини топиши лозим.

Умумий қоидаларга биноан қамоқ (қамоққа олиш) прокурор ёки суднинг алоҳида ҳуқуқи ҳисобланади. Ушлаб туриш муайян жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни қисқа муддатга озодликдан маҳрум этиш шаклидаги процессуал мажбурлов чораси бўлганлиги сабабли, уни қўллаш Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, кечиктириб бўлмайдиган чора сифатида жиноят иши кўзғатилгунга қадар ҳам амалга оширилиши мумкин, бунинг учун прокурор розилиги (санкцияси) талаб қилинмайди. Аммо шахсни ушлаб туриш амалга оширилган бўлса, суриштирув органи ёки терговчи бу ҳақда дарҳол (йигирма тўрт соат ичида) прокурорга ёзма равишда хабар қилмоғи лозим. Прокурор эса, ушбу хабарни олганидан кейин қисқа муддат ичида (қирқ саккиз соат ичида) у шахсни қамоққа олишга розилик бериши ёки уни озод этиш ҳақида қарор қабул қилиши лозим.

Прокурорга юборилган ахборотда ушланган шахнинг фамилияси, исми, отасининг исми, қаерда, қачон туғилгани, хизмат жойи, лавозими, содир этишда гумон қилинаётган жиноятнинг квалификацияси (жиноятнинг тури ва жиноят кодексининг моддаси), ушланган вақти, асос ва сабаблари, у шахс ушланиб турган жой кўрсатилиши лозим. Мазкур ахборот юборилишини кечиктириш файриқонуний ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси гумон қилинаётган шахсни жиноят иши кўзғатилгунга қадар, жиноят иши кўзғатилгандан кейин ушлаб туриш, уни расмийлаштириш тартибларини белгилайди.

Мазкур кодекснинг **224-моддаси** гумон қилинаётган шахсни жиноят иши кўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартибини қуйидагича белгилайди:

Милиция ходими, бошқа ваколатли шахс ёки

фуқаро бевосита кўриб ёки бошқа шоҳидларнинг кўрсатувлари бўйича ЖПКнинг **221-моддасида** кўрсатилган ушлаб туриш асосларидан бири мавжудлигини аниқласалар, гумон қилинувчига жиноят содир этгани учун ушланганлигини билдиришлари ва яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларга бирга боришни талаб қилишлари шарт. Бундай ҳолларда ушлаётган шахс ўзини таништириши ва ушланганнинг талабига кўра шахсни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши лозим.

Ушланаётган шахсда қурол борлигини билганда ёки у жиноят содир этганлигини исботловчи далилларни йўқотиб юбормасин деган ниятда ваколатли шахс уни шахсий тинтув қилишга ва лозим топган нарсаларни олиб қўйишга ҳақлидир. Шахсий тинтув ёки олиб қўйиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг, ҳолислар ҳузурида тузилиши мумкин. Шахсни ушлаш, уни тегишли органларга олиб келиш, тинтув ва олиб қўйишни ўтказиш қатъиян қонун асосида амалга оширилиши шарт. Ваколатли шахслар ва фуқаролар қонунга хилоф ёки асоссиз ушлаб турганлик ёхуд ушлаш вақтида ваколатлари доирасидан четга чиққанлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгарликка тортиладилар¹.

Жиноят иши кўзғатилганидан кейин жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш суриштирувчининг, терговчининг ва прокурорнинг қарорига, шунингдек суднинг ажримига асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг **227-моддасига** мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ушлаб туриш, гумон қилинувчи тариқасида

¹ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 206 — 229 — 234- моддалари.

ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарори ёки суднинг ажрими асосида милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими ушланган шахсни ЖПКнинг **224-моддасига** риоя этган ҳолда *энг яқин милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга дарҳол олиб бориши шарт. Шахс ушлангани тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарган ваколатли шахс ёки суд дарҳол хабардор қилиниши лозим.*

Қидирилаётган айбланувчи ушланганда, агар унга нисбатан қамокда сақлаш тариқасида эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор бўлмаса, шахс ушлаб турилган туман (шаҳар) прокурори ушлаб турилганни тергов ўтказилаётган жойга олиб бориб топшириш учун зарур бўлган, лекин ўн суткадан ортиқ бўлмаган муддатга ушлаб туриш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли. Прокурор қарор чиқариш олдидан ушлаб турилган шахсни сўроқ қилиши шарт.

Ушлаб турилганларни сақлаш жойи

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг **228-моддасига** мувофиқ, *ушланган шахс милиция муассасаси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг у озодликдан маҳрум этиш жойи ҳисобланмаган хизмат биноларида сақланади ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камерасига, ушлаб турилган ҳарбий хизматчи эса авахтага жойлаштирилади.*

Ушлаб турилганларни айрим жойларда истисно тарзида махсус мослаштирилган биноларда, кемаларда эса, махсус ажратилган каюталарда сақлашга йўл қўйилади.

Жазони ижро этиш колонияларида ушлаб турилганларни сақлаш учун махсус камералар жиҳозланади.

Ушлаб турилганларни карцер ва жарима ўташ ҳибсхоналарида сақлаш мумкин эмас.

Ушлаб турилганлар эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланаётганлардан ёки ҳукм бўйича жазони ўтаётганлардан алоҳида сақланиши лозим. Жиноят содир этишда гумон қилиниб, ушлаб турилган шахслар ушлаб турилганларга мулжалланган камераларда қуйидаги яққалаш талабларига риоя қилган ҳолда жойлаштирилади:

— эркаклар аёллардан алоҳида сақланади;

— вояга етмаганлар катталардан алоҳида сақланади; айрим ҳолларда вояга етмаганлар сақланаётган камераларда прокурорнинг рухсати билан катталарни сақлаб туришга йўл қўйилади;

— ўта хавфли рецедивистлар бошқа шахслардан алоҳида сақланади.

Айни бир жиноятни содир этишда гумон қилиниб, ушлаб турилган шахслар суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ёзма кўрсатмасига биноан айрим-айрим сақланадилар. Ушлаб турилганлар суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ёзма кўрсатмасига биноан бошқа сабабларга кўра ҳам айрим-айрим сақланишлари мумкин.

Ушлаб турилганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Жиноят содир этишда гумон қилиниб, ушлаб турилган шахс **ЖПКнинг 48-моддаси**да назарда тутилган қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

гумон қилинувчи ўзининг нимада гумон қилинаётганини билиш, ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш, ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш, ўз она тилида сўроқ қилиниш ёки таржимон хизматидан фойдаланиш, у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор ёки

ушланганлиги тўғрисидаги баённома унга маълум қилинган пайдан бошлаб ҳимоячи олиш ва сўроқ тугагандан сўнг, у билан холи учрашиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш, илтимоснома бериш ва рад этиш, далиллар тақдим қилиш, суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчи суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, суриштирув ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги, ҳақиқатни аниқлашга ёрдам берадиган далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ЖПКда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги, ишни тергов қилишда тартибга риоя этиши шарт (**ЖПКнинг 48-моддаси**).

Булардан ташқари, **ЖПКнинг 229-моддасига** мувофиқ ушлаб турилган шахс қонун билан белгиланган, рўйхатда кўрсатилган ўз кийимидан, пойабзалдан ва бошқа зарур буюмларидан фойдаланишга ҳақлидир.

Жиноят содир этишда гумон қилиниб, ушлаб турилган шахслар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган санитария-гигиена қоидаларига мос келадиган шароитда сақланадилар.

Ушлаб турилганларга тиббий хизмат кўрсатиш, ушлаб турилганлар сақланадиган жойлардаги даво-

лаш - профилактика ишлари қонунга мувофиқ ташкил қилинади ва ўтказилади.

Ушлаб турилганларга белгиланган нормада бепул овқат, ётоқ жойи ва бошқа турдаги зарур моддий-маиший таъминот берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида ушлаб турилганларга яқин қариндошлари билан учрашиш учун рухсат бериш, уларнинг шикоят ва аризаларини жўнатиш, моддий жавобгарлиги масалаларини ҳал этиш, шунингдек ушлаб турилганлар сақланадиган жойларда интизомни таъминлаш ва хавфсизлик чораларига тааллуқли масалаларни тартибга солувчи қоидалар ҳам белгилаб берилган. Бу қоидалардан воқиф бўлиш, қонун ижросини текшириш, назоратни амалга ошириш учун зарур.

Ушлаб турилганларни қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашишга фақат ушлаб туриш тўғрисидаги материаллар иш юритишида бўлган суриштирувчи ёки терговчининг ёзма рухсати асосида ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг маъмурияти томонидан ижозат берилади (**ЖПКнинг 230-моддаси**).

Жиноят содир этишда гумон қилиниб, ушлаб турилган шахсларнинг прокурор, терговчи ёки суриштирувчига йўллаган шикоят ва аризалари уларга топширилади.

Бошқа шахс ва органларга йўлланган шикоят ва аризалар ҳам терговчи ёки суриштирувчига топширилади, улар томонидан кўриб чиқилгач, тегишли жойга жўнатилади. Терговчи ёки суриштирувчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоят ва аризалар тергов органларининг бошлиғига ёхуд прокурорга юборилади. Жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қиладиган маълумотларни ўз ичига олган шикоят ва аризалар тайинланган жойга жўнатилмади ва бу ҳақда шикоят ёки

ариза топширган шахс, шунингдек прокурор хабардор қилинади (**ЖПКнинг 231-моддаси**).

Жиноят содир этишда гумон қилиниб, ушлаб турилган шахслар ушлаб турилганлар сақланадиган жойда бўлган вақтларида ўзлари томонидан давлатга етказилган зарар учун қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда моддий жавобгар бўладилар (**ЖПКнинг 232-моддаси**).

ЖПКнинг 238-моддасига мувофиқ ушлаб турилганлар сақланадиган жойларда тартибни таъминлаш ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг маъмурияти зиммасига юклатилади. Маъмурият ўз фаолиятини **Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 27-бобида** белгиланган қоидалар ҳамда бошқа қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширади.

Жиноят содир этишда гумон қилиниб, ушлаб турилган шахсларга нисбатан, башарти улар тўполон қилаётган, ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг ходимларига жисмоний қаршилик кўрсатаётган ёки бошқа зўравонлик ҳаракатларини қилаётган бўлсалар, теварак-атрофдагиларга ёки ўзига-ўзи зарар етказишнинг олдини олиш мақсадида қўл кишанларини ишлатишга йўл қўйилади, бу ҳақда баённома тузилади. Зарур бўлиб қолганда, бундай шахслар ушлаб турилганлар сақланадиган жойдаги ички тартиб-қоидалари билан белгилаб қўйилган тартибда ушлаб турилган бошқа шахслардан алоҳида жойлаштирилишлари мумкин.

Ушлаб туриш муддати

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 226-моддасига мувофиқ, ушлаб туриш ушланганни милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирган вақтдан бошлаб етмиш икки соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Юқорида қайд қилинганидек, шахс жиноятни

содир этишда гумон қилинувчи сифатида ушлангандан кейин, суриштирув органи ёки терговчи бу ҳақда дарҳол (йигирма тўрт соатдан кечиктирмай) ёзма равишда прокурорга хабар қилмоғи лозим. ЖПК талабларига кўра, ушлаб туриш муддати тугагунга қадар ва асослар мавжуд бўлганда, шахс айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ва **ЖПКнинг 111-моддаси** тартибида унга айб эълон қилиниши, шунингдек мазкур кодекснинг **109 — 112** моддаларидаги қоидалар бўйича сўроқ қилиниши, **236 — 240** моддалари қоидаларига амал қилган ҳолда эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги масала ҳал қилиниши зарур.

Алоҳида ҳолларда гумон қилинувчига нисбатан прокурорнинг рухсати билан қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида айб эълон қилиниши лозим. Акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилиниб, шахс қамоқдан озод қилинади. (**ЖПКнинг 226-моддаси 3-қисми.**)

Ушлаб туришнинг Жиноят-процессуал кодексини белгиланган етмиш икки соат муддати қатъий, уни узайтиришга йўл қўйилмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 216-моддасига мувофиқ ушлаб турилганлар сақланадиган жой маъмурияти ушлаб турилганларни ушлаб туриш муддати тугагач дарҳол озод қилиши, ушлаб туриш муддати тугашига ўн икки соат қолганда, бу ҳақда тегишли тергов органининг бошлиғини ёки прокурорни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Ушлаб турилганларни озод қилиш асослари ва тартиби

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 234-моддасига мувофиқ жиноят содир этишда гумон қилиниб, ушлаб турилган шахслар башарти: 1) *жиноят содир этганлиги ҳақидаги гумон тасдиқланмаса*; 2) *ушлаб ту-*

рилган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати бўлмаса; 3) белгиланган ушлаб туриш муддати тугаган бўлса озод қилинадилар.

Ушлаб турилган шахсни озод қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига биноан ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиғи томонидан амалга оширилади. Озод қилиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушиши билан дарҳол ижро этилади.

Ушлаб турилган шахсни бундан буён ушлаб туриш учун асослар йўқлиги аниқланиши биланоқ, суриштирувчи ва терговчи уни дарҳол озод қилишлари шарт.

Прокурорнинг, терговчининг ёки суриштирувчининг ушлаб турилган шахсни озод қилиш ҳақидаги ёхуд унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги қарори қонунда белгиланган ушлаб туриш муддати ичида ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушмаса, ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиғи бу шахсни озод қилади ва унинг озод қилинганлиги тўғрисида прокурорга, терговчига ёки суриштирувчига билдириш хати юборади.

Зарур ҳолларда ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг маъмурияти озод қилинган шахсларнинг яшаш жойига текин жўнаб кетишини таъминлайди, уларнинг илтимосига кўра, ушлаб турилганлар сақланадиган жойда бўлган вақти ҳақида маълумотнома беради. **(ЖПКнинг 234-моддаси.)**

ЖИНОЯТНИ СОДИР ЭТИШДА ГУМОН ҚИЛИНА- ЎТГАН ШАХСЛАРНИ ҲИБСДА УШЛАБ ТУРИШНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс-ни ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан амалга ошириладиган прокурор назоратининг вазифалари **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, „Прокуратура тўғрисида“**ги қонуни, **Жиноят-процессуал кодекси принциплари ва қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг** тегишли буйруқ ва кўрсатмалари талаблари асосида қуйидагича белги-ланади:

— шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқини му-ҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш; ҳеч кимнинг қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олинишига йўл қўймаслик;

— ушлаб турилганларни сақлаш жойларида (вақ-тинча сақлаш ҳибсхонасида, авахта) ушлаб туриш тартиби, ушлаб турилганларнинг ҳуқуқ ва мажбу-риятларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини; ушлаб турил-ганларни сақлаш жойлари маъмурияти томонидан қабул қилинадиган қарор ва ҳужжатларнинг қонун-га мос келишини таъминлашдан иборатдир.

Демак, мазкур соҳадаги прокурор назорати учта асосий йўналишда амалга оширилади: а) *жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туришда қонунларнинг аниқ қўлланиши устидан дои-мий ва қатъий назоратни амалга ошириш*; б) *ушлан-ганларни сақлаш жойларида қонунларга риоя қилини-шини мунтазам равишда текшириб бориш*; в) *қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш*.

Ушбу соҳадаги прокурор назоратининг самарадорлиги, прокурорлик таъсир чораларининг натижадорлиги прокурорнинг юқорида қайд қилинган назорат услубларини яхши билишини талаб қилади, шу сабабли прокурор назоратининг услуб ва тартибларига тўхталиб ўтамиз.

Ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати.

Ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан прокурор назоратининг сифати, тегишли қонунлар ва Республика Бош прокурорининг буйруқ ва кўрсатмалари талаблари даражасида тўла амалга оширилиши учун мазкур қўлланманинг биринчи ва иккинчи бобларида ёритиб берилган ушлаб туришнинг моҳиятини, ушлаб туриш турларининг (маъмурий тартибда ушлаб туриш ва жиноят-процессуал тартибда ушлаб туриш) бир-биридан фарқини, ушлаб туриш мақсади, асос ва сабабларини чуқур билиши лозим.

Ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишда прокурор қуйидаги масалаларни текшириши, аниқлаши зарур:

— суриштирув органи ёки терговчи муайян жиноятни содир этганликда гумон қилинган шахсни ушлаганликлари тўғрисида ўз вақтида прокурорга хабар берилган ёки берилмаганлигини;

— ушлаб туриш учун асос ҳисобланган материалларда шахс томонидан муайян жиноят содир этилганликни кўрсатувчи маълумот мавжудлигини;

— материалларда Ўзбекистон Республикаси **ЖПКнинг 221-моддаси 2 — 4 бандларида** кўрсатилган асослар акс эттирилганми ёки акс эттирилмаганлигини;

— гумон қилинаётганнинг шахси ва доимий яшаш жойи аниқланган ёки аниқланмаганлигини;

— ушлаб туриш баённомаси тузилганми ва қонун-

да кўрсатилган талабларга (ушлаб туришнинг асоси ва мақсади, ушланган сана ва соати кўрсатилиши) жавоб берадими;

— ушланган шахс қонунда кўрсатилган муддат ва тартибда (йигирма тўрт соат ичида ҳимоячининг иштирокида) сўроқ қилинганми, унга **ЖПКнинг 48-моддасида** баён қилинган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганми;

— шахс ушлаб турилганлиги ҳақида **ЖПКнинг 217-моддасига** мувофиқ йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан тегишли шахсларга хабар берилганми.

Текшириш натижаларига қараб, прокурор:

а) суриштирув органи ёки терговчи гумон қилинаётган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилган ҳолларда асос етарли бўлса, қамоққа олишга розилик (санкция) беради;

б) қамоққа олиш учун асос ва сабаблар бўлмаса қамоққа олишга розилик беришни рад этиб, у шахсга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ёзма равишда кўрсатма беради;

в) ушлаб туриш учун **ЖПКнинг 221-моддасида** белгиланган асослар мавжуд бўлмаса у шахсни дарҳол қамоқдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилади („**Прокуратура тўғрисида**“ги қонуннинг **45-моддаси**). Қарор ижро этилиши учун ушлаб турилганларни сақлаш жойи маъмуриятига юборади, унинг ижросини текширади.

Ушланганларни сақлаш жойларида қонунларга риоя қилинишини текшириш

Прокурор ушланган шахс тўғрисидаги хабарномани, жиноят иши материалларини ўрганишдан, гумон қилинган шахсларни сўроқ қилишдан ташқа-

ри қонунчиликнинг ҳуқуқий аҳволини тўла ва чуқур ўрганиш мақсадида милиция органига ва ушланганларни вақтинча сақлаш ҳибсхонасига шахсан бориб кўриш зарурияти туғилган ҳолларда, сақлаш жойларида қонунга риоя қилинишини шахсан бориб текшириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси „**Прокуратура тўғрисида**“ги қонуннинг 45-моддасига мувофиқ прокурор ўз ваколатлари доирасида:

— ушлаб турилганларни сақлаш жойларига менежмент ва истаган вақтда кириш ҳамда биноларнинг ҳамма жойи билан танишишга;

— шахсларни ушлаб туришга асос бўлган ҳужжатлар билан танишишга;

— вақтинча ушлаб туриш ҳибсхоналарида ноқонуний равишда сақлаб турилган шахсларни дарҳол озод қилишга;

— ушлаб турилган шахсларни вақтинча сақлаш ҳибсхоналари вакиллари иштирокида ҳам, улардан холи ҳолда ҳам сўраб-суриштиришга;

— ушлаб туриш муассасалари маъмуриятининг буйруқлари, фармойишлари ва қарорлари, оператив-қидирув тадбирлари қонунга қай даражада мувофиқлигини текширишга;

— ушлаб турилганлар ҳуқуқларини таъминлайдиган шароитлар яратилишини маъмуриятдан талаб қилишга;

— „Прокуратура тўғрисида“ги қонуннинг 25 — 29 моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда протестлар келтириш, қарорлар чиқариш, тақдимномалар, амрномалар киритиш, ёзма равишда огоҳлантиришга ҳақлидир.

Прокурор ушланганларни сақлаш жойларида (ушланганларни вақтинча сақлаш ҳибсхонасини, авахтани) сутканинг исталган вақтида бориб текшириши мумкин. Барча ушланган шахслар билан ўткази-

ладиган суҳбат уларни сақлаш шароитлари билан танишиш, ушланганларнинг ариза ва шикоятларини эшитиш, қонунлар ижросини текшириш, мақсадли назорат амалга ошириш текширишнинг юқори даражада самарадорлигини таъминлаш гарови ҳисобланади.

Текшириш ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари, башарти улар бўлмасалар, масъул навбатчи иштирокида ўтказилиши тавсия қилинади.

Биринчи навбатда навбатчи хонасида, коридор ва ички ишлар органи хизмат хоналаридаги шахслар уларнинг нима мақсадда келганлари ёки келтирилганлари, бу ерга келган ёки келтирилган вақти, уларнинг шахсини белгиловчи материаллар аниқланади. Бу шунинг учун зарурки, амалиётда ноқонуний ушланган шахсларни кундуз куни коридор ва хизмат хоналарида, кечаси вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида баённома расмийлаштирмасдан жойлаштириш ҳоллари учраб турмоқда.

Кейинчалик вақтинча сақлаш ҳибсхонасининг бошқа камералари кўрилиши зарур. Камераларни текширишда у ерда сақланаётган ҳар бир ушланган шахсни сўраб-суриштириш орқали уларнинг қачон, қай вақтда, нимага асосан келтирилганликлари, қандай шикоятлари борлиги, уларнинг характери ва мазмуни аниқланиши лозим. Мазкур маълумотларни текширувчи прокурор ўзида ёзма равишда белгилаб қўйиши лозим. Амалиётда жиноятни содир этишда гумон қилиниб, ушланган шахсларни бошқа шахслар орасида сақлаш ҳоллари ҳам бор (жумладан, маъмурий тартибда ушланганлар, маҳкумлар орасида). Шу сабабли, ушланганларни вақтинча сақлаш ҳибсхонасининг барча камералари текширилиши шарт.

Ушланганларни вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида текширишда биноларнинг санитария ҳолатига, ушланганларни сақлаш режими, эркаклар аёллардан,

вояга етмаганлар катталардан, муқаддам судланганлар судланмаганлардан алоҳида сақланишларига, шунингдек, маъмурий йўл билан ушланганлар жиноят содир этганлардан алоҳида сақланишларига эътибор қаратилиши лозим.

Камералар кўриб чиқилгандан кейин, у ерда сақланаётган ҳар бир ушланган шахс билан суҳбат ўтказилиб, уларни ушлаб туриш учун асос бўлган ҳужжатлар (ушлаб туриш баённомаси, қамоққа олиш ҳақидаги қарор ёки ажрим) текширилади, улар ушланганларнинг асосли ва қонуний сақланишини текшириш мақсадида, барча мавжуд бўлган ҳисобга олиш ҳужжатлари билан солиштириб кўрилади.

Бу ҳужжатлар ҳибсхонада ушланиб сақланаётганларни рўйхатга олиш китобчаси, **ЖПКнинг 221-моддаси** асосида тузилган ушлаб туриш баённомасининг далолатномаси корешоги, санитария журнали, ташқарига чиқаришни рўйхатга оладиган журнал, йўқловлар олиш ҳисоботи журнали, овқат бериш ведомостидан иборат. Алоҳида эътибор ушланган шахсни ҳибсхонага сақлаш учун келтирилган кун ва вақтига, ушланганларни сўроқ қилиш учун терговчи ёки суриштирувчига юборилган (берилган) вақтига қаратилиши лозим.

Ушланганларни вақтинча сақлаш ҳибсхоналарини текширишда асосан қуйидаги масалаларга эътибор қаратилиши керак:

- ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги;
- шахс гумон қилинувчи тариқасида ушланганлиги ҳақида прокурорга ўз вақтида хабар берилганлиги;

- ушлаб туришнинг процессуал расмийлаштирилиши (ушлаб туриш ва шахсий тинтув ўтказиш баённомаси);

- ҳибсхонада сақланаётган ушланган ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳисоботи;

— ҳибсхонада сақлаб туриш қоидалари, талабларига риоя қилиниши;

— ушлаб турилганларни ва эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган шахсларни ўз вақтида сўроқ қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси **ЖПКнинг 110-моддаси** талабларининг бажарилиши;

— ушланганларни ва қамоққа олинганларни ҳибсхонада сақлаш муддатлари.

Мазкур жойларда қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш натижасида қонунсиз ва асоссиз ушланган ёки қамоқда сақланаётган шахслар аниқланган тақдирда, прокурор „**Прокуратура тўғрисида**“ги қонуннинг **45-моддасига** мувофиқ, уларни ҳибсхонадан дарҳол озод қилиш тўғрисида қарор чиқариши ва унинг ижросини назорат қилиши зарур.

Текшириш натижасида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини, уларни келтириб чиқарган сабаблар ва имкон туғдирган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида прокурор қонунда белгиланган барча ваколат ва ҳуқуқий воситалардан фойдаланиши лозим. Бу ваколат ва ҳуқуқий воситалар „ **Прокуратура тўғрисида**“ги қонуннинг **25,29,45-моддаларида** кўрсатилган.

Текшириш натижаси маълумотнома ёки акт шаклида расмийлаштирилади. Унда юқорида барча ҳужжатлардан олинган маълумотлар, қонунчиликнинг ҳақиқий аҳволи, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ўз аксини топмоғи лозим.

Текширишда ноқонуний ушлаб туриш фактлари аниқланса, улар ҳам акт ёки маълумотномада кўрсатилиши шарт.

Акт ёки маълумотнома текширишни ўтказган прокурор ва текширишда иштирок этган ИИО раҳбарияти, ҳибсхона бошлиғи томонидан имзоланади.

Навбатдаги текшириш аввалги текширишда тавсия қилинган тадбирларнинг ижросини ва натижасини аниқлашдан бошланиши лозим, бу маълумотлар ҳам текшириш натижаси туғрисидаги ҳужжатда кўрсатилиши керак.

РУСТАМ МУҲАМЕДОВ,
юридик фанлари номзоди,
доцент.

**Зарар етказганликдан келиб чиқадиган
мажбуриятлар ва улар устидан прокурор
назорати**

(илмий-амалий қўлланма)

ЗАРАР ЕТКАЗГАНЛИКДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР ВА УЛАР УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари

Мажбурият фуқаровий - ҳуқуқий муносабат бўлиб, унда бир томон иккинчи томон фойдасига маълум бир ишни ёки муайян бир ҳаракатни амалга ошириш ёхуд муайян бир ҳаракатдан ўзини сақлашни ўз зиммасига олади. Бунда бир тараф, яъни кредитор ёки қарздор, ўз зиммасига олган ҳаракатни бажаришга мажбур бўлади ва иккинчи тараф, яъни дебитор қарздордан ўз мажбуриятини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шундай қилиб, бир томондан қарз берувчи, яъни дебитор ва иккинчи томондан қарз олувчи, яъни кредитор мажбуриятнинг субъектлари бўлиб ҳисобланади.

Айрим мажбуриятлар, масалан, қарз шартномасидан бир тараф /қарз берувчи/ фақат кредитор бўлиб ҳисобланса, иккинчи тараф /қарз олувчи/ фақат қарздор ҳисобланади, лекин кўпинча мажбуриятдаги тарафлар бир йўла ҳам кредитор, ҳам қарздор бўлиб қатнашадилар. Масалан, олди-сотди мажбурияти бўйича сотилган *ашёни /нарсани/* топширишда қарздорга ўхшаса, сотилган нарсанинг пулини олишда эса кредиторга ўхшайди, худди шунингдек сотиб олувчи эса, аксинча, сотиб олинган нарсанинг нархини тўлашда қарздор сифатида, сотиб олинган нарсани қабул қилиб олишда кредитор сифатида гавдаланади¹.

Мажбуриятнинг тарафлари сифатида бир ёки бир неча шахс иштирок этишлари мумкин.

¹ Ҳ.А.Раҳмонқулов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Тошкент. 1997 йил, 380-бет.

„Агар шартномага биноан тарафларнинг бир-бирларига нисбатан мажбуриятлари бўлса, - дейилади **ФКнинг 235-моддасида**, — тарафлардан ҳар бири бошқа тараф олдида унинг фойдасига нима қилиши шарт эканлиги жиҳатидан унинг қарздори ва айти бир пайтнинг ўзида ундан нима талаб қилишга ҳуқуқли эканлиги жиҳатидан унинг кредитори ҳисобланади“.

Мажбурият қоида тариқасида, унда тараф сифатида қатнашмаган учинчи шахслар учун бурч ҳосил қилмайди. Аммо қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида назарда тутилган ҳолларда мажбурият учинчи шахслар учун мажбуриятнинг бир тарафи ёки ҳар иккала тарафига нисбатан ҳуқуқ вужудга келтириши мумкин.

Маълумки, ҳар бир фуқаровий - ҳуқуқий муносабат муайян юридик факт содир бўлиши оқибатида вужудга келади. Демак, мажбуриятларнинг келиб чиқиши учун ҳам маълум юридик факт асос бўлади.

ФКнинг 234-моддаси, иккинчи қисмида кўрсатилганидек, „Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади“.

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг вужудга келиш асослари **ФКнинг 8-моддасида** белгиланган.

„Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари, — дейилади бу моддада, — қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг, гарчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларини келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади.

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қуйидагилардан вужудга келади:

1. Қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан, шунингдек, гарчи қонунда назарда

тутилган бўлмаса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ва бошқа битимлардан;

2. Қонунда фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асоси сифатида назарда тутилган давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳужжатларидан;

3. Суднинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаган қароридан;

4. Қонун йўл қўядиган асосларда мол-мулк олиш натижасида;

5. Фан, адабиёт, санъат асарларини яратиш, ихтиролар ва бошқа интеллектуал фаолият натижасида;

6. Бошқа шахсга зарар етказиш натижасида;

7. Асоссиз бойиб кетиш натижасида;

8. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа ҳаракатлари натижасида;

9. Қонун ҳужжатлари фуқаровий-ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлайдиган ҳодисалар натижасида.

Давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, унга бўлган тегишли ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади“.

Фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки холислар суди томонидан ҳимоя қилинади.

Фуқаролик ҳуқуқлари қуйидаги йўллار билан ҳимоя қилинади:

— ҳуқуқни тан олиш;

— ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

— битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

— давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

— шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;

— бурчни аслича /натура/ бажаришга мажбур қилиш;

— зарарни тўлаш;

— неустойка ундириш;

— маънавий зиённи қоплаш;

— ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;

— давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги;

Фуқаронинг ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин /**ФКнинг 11-моддаси**/.

Умумий қоида тариқасида мажбуриятлар, мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга, уни ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Мажбурият келишилган ҳолда ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт. Мажбуриятни бажариш усули қонун билан белгилаб қўйилган ёки шартномада назарда тутилган бўлиши керак.

Мажбуриятларнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатлат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

Қонунда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

„Қарздор айби бўлган тақдирда, — дейилади **ФКнинг 333-моддасида**, — мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади“.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қарздорнинг шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги натижасида мажбуриятни бажармаслик қарздорни айбсиз деб топишга асос бўлолмайди.

Қоида тариқасида мажбурият унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади. Бундан ташқари, қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганида, тарафлар ўз ўрталаридаги дастлабки мажбуриятни бошқа нарсани ёки бошқача ижро этиш усулини назарда тутувчи янги мажбурият билан алмаштириш /мажбуриятни янгилаш/ ҳақида келишган ҳолларда, кредитор қарздорни унинг зиммасидаги мажбуриятлардан озод қилиши билан, мажбуриятни бажариш шахсан кредитор учун мўлжалланган ёки бошқача тарзда мажбурият кредитнинг шахси билан боғлиқ бўлса ва у кредитор вафот этса, қарздор ёки кредитор бўлган юридик шахс тугатилиши билан, мажбуриятнинг давлат органи ҳужжати асосида бажарилиши мумкин бўлмай қолса, мажбурият бекор бўлади.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳақида сўз юритишдан олдин зарарнинг нималигини англаб олишимиз зарур. Хўш, зарар дегани нима ўзи?

Ўзбекистон Республикаси **Фуқаролик кодексининг 14-моддасида** ҳуқуқи бузилган шахснинг:

биринчидан — шу бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари;

иккинчидан — унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши тушунилади. Бу зарар — ҳақиқий зарар ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳуқуқи бузилган шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаган тақдирда, одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари — бой берилган фойда бўлиб, бу ҳам шахсга етказилган зарар бўлиб ҳисобланади. Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда тасдиқланган Конституциясининг 36-моддасида „Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли“ эканлиги эътироф этилди ва 53-моддасида бозор муносабатларига қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк ҳам бошқа мулк шакллари каби дахлсиз деб эълон қилинди ва давлат ҳимоясига олинди. Мулкдорнинг фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкинлиги алоҳида эътироф этилди.

Хусусий мулк деганда қонун фақатгина фуқароларнинг мулкани назарда тутмайди, балки унинг субъектларини ҳам аниқлаб беради. Фуқаролик кодексининг 208-моддасида „Фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бир-

лашмалари, ижтимоий жамғарма ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланадилар“ деб кўрсатилган.

Бу субъектлар тасарруфида қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк ҳам хусусий мулк сифатида бўлиши мумкин.

Хусусий мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларига зид бўлмаган асосларда — меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, давлат мол-мулкни хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш, эгаллик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ва бошқа асосларда вужудга келади.

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

„Ҳар бир шахсга, — дейилади Конституциянинг 44-моддасида, — ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади“.

Демак, давлат, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ўзларининг мулкӣ ҳуқуқларини бузган шахсларга нисбатан чора кўриш учун судга мурожаат қилиш ҳамда етказилган зарарни қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари ФКнинг 985-моддасида белгилаб берилган:

1. „Ғайриқонуний ҳаракат /ҳаракатсизлик/ туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим;

2. Зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахснинг зиммасига юклатилиши ҳам мумкин;

3. Қонун ҳужжатларида ёки шартномада жабрланувчиларга зарарни тўлашдан ташқари товон тўлаш мажбурияти ҳам белгилаб қўйилиши мумкин;

4. Зарар етказган шахс зарарни ўз айби билан, кўрабила етказмаганини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади;

5. Қонунда зарар етказган шахс айбдор бўлмаган тақдирда ҳам зарарни унга тўлатиш назарда тутилиши мумкин;

6. Қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳолларда тўланиши лозим;

7. Агар зарар жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги билан етказилган бўлса, зарар етказган шахснинг ҳаракатлари эса жамиятнинг ахлоқий тамойилларини бузмаса, зарарни тўлаш рад этилиши мумкин“.

Муайян бир ишлаб чиқариш фаолиятининг оқибати натижасида келгусида зарар етказилиши хавфи борлиги аниқланган ҳолда бундай хавфни юзага келтирадиган фаолиятни таъқиқлаш тўғрисида манфаатдор шахс томонидан даъво қўзғатилиши мумкин.

Зарар етказишнинг олдини олиш мақсадида қўзғатилган бундай даъво ишларини кўриш жараёнида етказилган зарар, зарар етказишни давом эттираётган корхона, иншоотдан фойдаланиш ёхуд бошқа ишлаб чиқариш фаолиятининг оқибати эканлигини аниқлаган суд жавобгарга зарарни қоплашдан ташқари тегишли фаолиятни тўхтатиб туриш ёки умуман тугатиш мажбуриятини юклаш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли, аммо, корхона ёки иншоотлардан фойдаланиш бўйича тегишли фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатиш давлат ва жамоат манфаатларига зид келадиган тақдирда суд бундай та-

лабларни рад қилиши, шу билан бирга зарар келтиришга сабаб бўладиган ишлаб чиқариш жараёнларини тузатиш ҳақида маълум муддатлар белгилаб, мажбурият юклаши мумкин. Ҳар ҳолда зарар келтирадиган фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақидаги талабнинг суд томонидан рад қилиниши, жабрланувчиларни ушбу фаолият туфайли кўрган зарарларни ундириш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида зарар фуқаронинг шахсига ёки унинг мулкига етказилиши мумкин.

Фуқаронинг шахсига, унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар, агар у зарурий мудофаа ҳолатида, мудофаа чегарасидан чиқмаган ҳолда етказилган бўлса, тўланмайди.

„Агар ғайриқонуний тажовуздан ҳимояланиш пайтида, — дейилади **ФКнинг 987-моддасида**, — ҳимояланувчи учинчи шахсга зарар етказган бўлса, бу зарар тажовуз қилган шахс томонидан тўланиши лозим.

Шахсга унинг жиноий ҳаракатларининг пайини қирқиш ёхуд уни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш сабабли етказилган зарар тўланмайди“.

Бундан ташқари яна шу нарсани эътироф этиш керакки, **ФКнинг 988-моддасида** „зарар етказган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларга таҳдид солган хавфни бартараф этиш учун охириги зарурат ҳолатида етказилган зарар, агар бу хавф мазкур ҳолатларда бошқа воситалар билан бартараф этилиши мумкин бўлмаса, зарар етказган шахс томонидан тўланиши лозим“лиги кўрсатилган.

„Фуқаролик қонунчилигида ҳам охириги зарурат тушунчаси жиноят қонунчилигида берилган маънода тушунилади. Аммо жиноят қонунчилигида охириги зарурат жиноий жавобгарликдан озод қиладиган ҳолат бўлиб ҳисобланади. **Фуқаролик кодексининг 988-моддаси** зарар етказувчини барча ҳолларда жавобгарликдан озод қилинишини назарда тутмайди.

Моддага мувофиқ судга ҳар сафар муайян ишнинг вазиятига қараб қарор чиқариш ҳуқуқи берилади“¹.

Зарар учинчи шахс манфаатини қўзғаб қилинган ҳаракат натижасида етказилганлигини аниқлаган суд уни тўлаш мажбуриятини ўша шахсга юклаши ёки учинчи шахсни ҳам, зарар етказган шахсни ҳам зарарни тўлашдан (тўлиқ, қисман) озод қилиши мумкин.

Меҳнат шартномаси асосида, шунингдек фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида иш бажараётган фуқаролар, ишларни беҳатар олиб бориш юзасидан тегишли юридик шахснинг ёки фуқаронинг топшириғи бўйича ёки унинг назорати остида хизмат, лавозим мажбуриятларини бажариб турган вақтда етказган зарарни юридик шахс ёхуд фуқаро қоплайди.

ФКнинг 989-моддасига асосан, „Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ўз иштирокчилари /аъзолари/ томонидан ширкат ва жамият ёки кооперативнинг тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятини амалга ошириш вақтида етказилган зарарни қоплайдилар“.

ФКнинг 990-моддасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, зарар етказган мансабдор шахснинг айбидан қатъи назар, суднинг қарори билан қопланиши мумкинлиги белгиланган. Бунинг учун зарар, биринчидан, давлат органларининг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ёки бу органларнинг мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари оқибатида етказилган бўлиши ва иккинчидан, давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳужжатлар чиқарилиши натижасида фуқароларга ёки юридик шахсга етказилган бўлиши керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Тошкент. 1998 йил. „Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси“ нашриёти. II жилд. 2- китоб. 550-бет.

Бундай ҳолларда фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар **ФКнинг 15-моддаси** тартибида тегиш-лича давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши керак.

Фуқароларга етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда қопланади.

Фуқарога етказилган зарар қуйидаги ҳолларда давлат томонидан қопланади:

Биринчидан, қонунга хилоф тарзда ҳукм чиқарилганда;

Иккинчидан, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортилганда;

Учинчидан, қонунга хилоф тарзда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олиш ва ниҳоят;

Тўртинчидан, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда берилганда.

Бундан ташқари, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг бошқа тарздаги қонунга хилоф фаолияти натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, умумий асосларда тўланади.

Вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик

Умумий қоида сифатида, фуқаронинг муомала лаёқати, яъни унинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати, у вояга етганда, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси,

фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

„Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш /эмансипация/ — дейилади. **ФКнинг 28-моддасида**, — ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органнинг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар“.

Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро, никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Ўн тўрт ёшгача бўлган, вояга етмаган болалар томонидан етказилган зарар учун уларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари, васийлари жавобгар бўладилар.

Васийликка муҳтож кичик ёшдаги бола тегишли тарбиялаш, даволаш муассасасида ёки қонунга кўра васийси ҳисобланадиган бошқа шунга ўхшаш муассасада турган бўлса, бу муассаса кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарарни тўлаши шарт.

Агар кичик ёшдаги бола ўқув юрти, тарбиялаш, даволаш муассасаси ёки унинг устидан назоратни амалга ошириши шарт бўлган бошқа муассасанинг, шунингдек шартнома асосида назоратни амалга оширувчи шахсининг назорати остида турган вақтда зарар етказган бўлса, бу муассаса ва шахслар, зарар учун жавобгар бўладилар.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, кичик ёшдаги болалар томонидан етказилган зарар ўзларининг айби билан етказилмаганлигини исботлай ол-

маган ота-она, тарбиялаш ва даволаш муассасалари ҳамда қонунга кўра васийлик ҳисобланадиган шунга ўхшаш аҳолини ҳимоя қилиш муассасалари ўқув юрти ёки назоратни амалга оширувчи шахслар ўз назорати остида турган вақтда зарар етказганлигида ўзларининг айблари билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, зарар учун жавобгар бўладилар.

„Ота-она /фарзандликка олувчилар/, васийлар, ўқув юртлари, тарбиялаш, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларнинг кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарарни тўлаш мажбурияти, — дейилади **ФКнинг 993-моддасининг** тўртинчи қисмида, — кичик ёшдаги бола вояга етиши ёки у зарарни тўлаш учун етарлича мол-мулк олиши муносабати билан бекор бўлмайди“.

Кичик ёшдаги болалар томонидан етказилган зарарни тўлаши лозим бўлган шахслар вафот этган ёки улар зарарни тўлаш учун етарли маблағга эга бўлмасалар ҳамда зарар етказувчи кичик ёшдалигига қарамасдан, тўлиқ муомалага лаёқатли бўлиб, зарарни тўлаш учун етарли маблағга эга бўлса, суд тарафларнинг мулкий аҳолини ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб, зарарни тўлиқ ёки қисман зарар етказувчининг ўз мулки ҳисобидан қоплаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Вояга етмаган, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болалар етказилган зарар учун умумий асосларда мустақил жавобгар бўладилар. Вояга етмаганларнинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ёки бошқа даромад манбалари бўлмаган тақдирда зарар тўлиғича ёки унинг етишмаган қисми вояга етмаганнинг ота-онаси /фарзандликка олувчилари/ ёки васий томонидан тўланиши лозим. Агар улар зарар етказишда ўзларининг айблари йўқлигини исботлай олсалар, зарарни қоплашдан озод қилинишлари мумкин. Шунингдек, ҳомийликка муҳтож бўлган, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ўсмир тегишли

тарбияланиш, даволаниш ва аҳолини ҳимоя қилиш муассасасида ёки қонунга кўра унинг ҳомийси ҳисобланган бошқа шунга ўхшаш муассасада турган вақтда етказган зарари учун бу муассасалар ўзларининг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаган тақдирда, зарарни тўлиғича ёки унинг етишмаган қисмини тўлашлари шарт.

„Зарар етказган бола вояга етганида — дейилади **ФКнинг 994-моддасининг** тўртинчи қисмида, — ёхуд у вояга етмасдан унда мол-мулк ёки зарарни тўлаш учун етарли даромад манбалари пайдо бўлганида ёхуд вояга етмасдан муомала лаёқатига эга бўлганида ота-она /фарзандликка олувчилар/, ҳомий ва тегишли муассасанинг зарарни тўлаш бўйича мажбурияти тугайди“.

Оила кодексининг 81-моддасига асосан ота-она ёки улардан бири ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги муносабати билан ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод этилмайди. Шу билан бирга ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун болани тарбиялаш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари оқибати сабаб бўлган ҳолларда, бундай вояга етмаган болалар томонидан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинганидан кейин уч йил ичида содир этилган зарарни қоплаш мажбуриятини суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-онага ёки улардан бирининг зиммасига юклаши мумкин.

Муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган фуқаролар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикаси **Фуқаролик кодексининг 30-моддасига** асосан, „*руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фу-*

қарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади“.

Муомалага лаёқатсиз бўлган бундай фуқаро номидан битимларни унинг васийи амалга оширади.

Фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги иш унинг оила аъзолари, васийлик ва ҳомийлик органлари, прокурор, даволаш муассасалари ва бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда жамоат бирлашмалари томонидан берилган аризаларга асосан қўзғатилиши мумкин.

Суд фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида кўриб чиқади. Ишни кўриш жараёнида соғлиғи имкон берса, иши кўрилаётган фуқаронинг ўзи ҳам иштирок этиши мумкин.

Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарарни унинг васийи ёки унинг устидан назоратни амалга ошириши шарт бўлган ва зарар унинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаган ташкилот тўлайди. Бундай ҳолларда, зарарни тўлаш мажбурияти муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг муомала лаёқати тикланган тақдирда ҳам васий ёки ташкилотнинг зиммасидан олинмайди.

Зарарни тўлаш мажбурияти юклатилган васий вафот этган тақдирда, шунингдек, у зарарни тўлаш учун етарлича маблағга эга бўлмаган ҳолларда, етарли маблағи бўлган зарар етказувчининг мол-мулки ҳисобидан зарарни тўлиғича ёки қисман тўлаш тўғрисида суд қарор чиқариши мумкин. Суд қарор чиқаришда жабрланувчининг ва зарар етказувчининг мулкий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиши керак.

Фуқаролик кодексининг 31-моддасига асосан спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмом қилиш натижасида ўз оиласини офир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан **Фуқаролик-процессуал кодексининг 33-бобида** белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши ва унга ҳомийлик белгиланиши мумкин. Муомала лаёқати чекланган фуқаро майда-чуйда маиший битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга. Аммо бошқа битимларни ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муомала лаёқати чекланган фуқаро ўзи тузган битимлар бўйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулкый жавобгар бўлади.

Муомала лаёқатини чеклашга, муомалага лаёқатсиз деб топишга сабаб бўлган асослар бекор бўлган тақдирда, фуқаронинг ўзи, унинг ҳомийси, оила аъзолари, васийлик ва ҳомийлик органлари, прокурор, даволаш муассасалари ва бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳамда жамият бирлашмалари берган аризага биноан фуқаронинг муомала лаёқатини тиклаш ва унга нисбатан белгиланган ҳомийликни бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқади.

Фуқарони муомалага лаёқатли деб топиш ҳамда унинг устидан белгиланган васийликни бекор қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори суд-руҳий экспертизасининг хулосасига асосланади.

Одатда, муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик белгиланади. Аммо вояга етмаган болаларга васийлик ва ҳомийлик уларни тарбиялаш мақсадида ҳам белгиланиши мумкин.

Васий ва ҳомий ўз ҳимоясидаги шахсларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳар қандай шахслар билан бўладиган муносабатларда, шу жумладан судларда ҳам, махсус ваколатномасиз ҳимоя қиладилар.

Ота-онаси, фарзандликка олувчилари бўлмаган, ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки бошқа сабабларга кўра ота-она ҳимоясидан маҳрум бўлиб қолган ёки ота-оналар болаларни тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда вояга етмаган болаларга васийлик ва ҳомийлик белгиланади.

Муомалага лаёқатли фуқаро ўз ҳаракатларининг моҳиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган ҳолатда етказган зарари, шунингдек ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган, вояга етмаган болалар етказган зарари учун умумий тартибда жавобгар бўлмайдилар. Лекин жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган бўлса, жабрланувчи ва зарар етказувчининг мулкӣ аҳволини ҳисобга олиб суд зарарни тўлаш мажбуриятини тўлиғича ёки қисман зарар етказувчига юклаши мумкин.

Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш туфайли ёки бошқа усулда ўз ҳаракатларининг моҳиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган ҳолатда зарар етказган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди.

Руҳий ҳолати бузилгани оқибатида ўз ҳаракатлари моҳиятини тушуна олмаган ёки уларни идора қила олмаган шахс томонидан етказилган зарарни тўлаш мажбурияти суд томонидан бу шахс билан бирга яшовчи, зарар етказувчининг бундай ҳолати ҳақида билган, лекин уни муомалага лаёқатсиз деб топиш ва унинг устидан васийлик ўрнатиш тўғрисидаги масалани қўймаган эри /хотини/, ота-онаси, вояга етган фарзандларига юклатилиши мумкин /ФКнинг 998-моддаси/.

„Биргаликда зарар етказган шахслар, — дейилади **ФКнинг 1000-моддасида**, — жабланувчиларнинг олдидан солидар /шерик/ жавобгар бўладилар.

Жабрланувчининг аризасига кўра ва унинг манфаатларини кўзлаб, суд биргаликда зарар етказган шахсларга ҳиссали жавобгарликни юклашга ҳақли“.

Меҳнат мажбуриятларини бажараётган ходим, транспорт воситасини бошқарувчи шахс ва бошқа фуқаролар томонидан етказилган зарарни тўлаган шахс, ўз навбатида зарар етказган шахсга нисбатан тўлаган **товон** миқдоридаги суммани қайта талаб қилиш /регресс/ ҳақида даъво қўзғатиши мумкин.

Зарар биргаликда етказилган тақдирда, зарарни тўлаган шахс зарар етказувчиларнинг ҳар биридан уларнинг айб даражасига мос улушини талаб қилишга ҳақли. Айбнинг даражасини аниқлаш имконияти бўлмаганда улушлар тенг ҳисобланади.

Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар давлат томонидан қопланган тақдирда, ғайриқонуний ҳаракат қилган шахсларнинг айби суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ҳоллардагина уларга нисбатан регресс даъво қилиш мумкин.

Уй ҳайвонлари етказган зарар учун унинг мулкдори ёки бу ҳайвонга эгалик қилувчи ва ундан фойдаланувчи шахс умумий асосларда жавобгар бўлади.

Зарарнинг ўрнини қоплаш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин. Суд зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қондирган ҳолда, иш ҳолатларига қараб, етказилган зарар учун жавобгар шахсга зарарни аслича қоплаш, яъни ўшандай турдаги ва сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиш ёки етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклайди.

„Жабрланувчининг қасддан иш кўриши натижасида юзага келган зарар тўланмайди — дейилади

ФКнинг 1004-моддасида, — Агар жабрланувчи ўзининг қўпол эҳтиётсизлиги туфайли зарарнинг юзага келиши ёки ортишига кўмаклашган бўлса, унда жабрланувчининг ва зарар етказувчининг айби даражасига қараб товон миқдори камайтирилиши мумкин“

Зарар етказувчининг айби бўлмасдан, жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги оқибатида зарар етказилган бўлса, зарарни тўлаш рад этилиши мумкин. Аммо бундай ҳолларда ҳам фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда товон тўлашни рад этишга йўл қўйилмайди.

Боқувчисининг вафоти муносабати билан кўрган зарарни тўлашда, шунингдек дафн этиш билан боғлиқ ва бошқа қўшимча харажатларни тўлашда жабрланувчининг айби ҳисобга олинмайди. Лекин зарар қасддан қилинган ҳаракат туфайли етказилган бўлмаса, суд фуқаро томонидан етказилган зарарни қоплаш миқдорини, унинг мулкӣ ҳолатини ҳисобга олиб, камайтириши мумкин.

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Шартнома мажбуриятларини бажаришда, шунингдек ҳарбий хизмат мажбуриятлари, ички ишлар ва миллий хавфсизлик идораларида хизмат қилаётган, шунга ўхшаш бошқа давлат хавфсизлиги ва барқарорликни сақлаш билан боғлиқ хизматларни бажараётган пайтида фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар тўла ҳажмда қопланиши керак.

Айрим қонун ҳужжатлари билан алоҳида тизимдаги хизматчиларнинг соғлиғи ва ҳаётига етказилган зарар бўйича жавобгарликнинг анча юқори миқдори назарда тутилиши мумкин. Бундай тоифадаги шахсларга нисбатан умумий тартибда белгиланган қоидалардан ташқари махсус қонун ҳужжатлари ёки

шартномаларда назарда тутилган жавобгарлик қоидалари татбиқ этилади.

Фуқаро майиб қилинганда ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганда жабрланувчи оладиган ёки муайян равишда олиши мумкин бўлган йўқотилган иш ҳақи /даромад/ ва саломатлигига шикаст етказилиши туфайли қилган қўшимча харажатларнинг ўрни қопланиши керак.

Ўрни қопланиши лозим бўлган йўқотилган иш ҳақи /даромад/нинг миқдори фуқаронинг майиб бўлишигача ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилишигача, шунингдек меҳнат қобилияти йўқотилганича бўлган ўртача ойлик иш ҳақи /даромади/га нисбатан жабрланувчи касбий меҳнат қобилиятининг йўқотилиши даражасига, касби бўлмаган тақдирда эса, умумий меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ фоизларда аниқланади.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи /даромади/ таркибига барча олиб келган даромадлари, ҳам асосий иш жойидан, ҳам ўриндошлик бўйича ишлайдиган жойидан хизмати учун олинадиган иш ҳақи /даромади/, шу билан бирга фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар бўйича тўланадиган даромад солиғи олинадиган барча турдаги меҳнат ҳақи қўшилади.

Бундан ташқари вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш таътили учун тўланган нафақа ҳам ҳисобга олинади.

Бир йўла тўланадиган тўловлар, масалан фойдаланилмасдан қолган таътил учун тўланадиган пул, меҳнат шартномаси бекор қилингандаги ишдан бўшашиш нафақаси ҳисобга олинмайди.

Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадлар, шунингдек муаллифлик қалам ҳақи ҳам йўқотилган иш ҳақи /даромади/ таркибига киради. Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромаднинг

миқдори солиқ инспекциясининг маълумотлари асосида ҳисобга олиниб киритилади.

Фойдаланилмаган таътил учун тўланадиган пул, меҳнат шартномаси бекор қилинганида ишдан бўша-тиш бўйича тўланадиган нафақа ва бошқа бир йўла тўланадиган тўловлар ҳисобга олинмайди.

Йўқотилган иш ҳақини /даромади/ни аниқлаганда жабрланувчининг барча турдаги даромадлари солиқ-лар ушлаб қолинмасдан олдин ҳисобланган сумма-ларда ҳисобга олинади.

Ўртача ойлик иш ҳақи /даромади/ни аниқлаш учун жабрланувчининг соғлигига шикаст етказилишидан олдинги ишлаган ўн икки ой ичидаги иш ҳақи /да-ромади/нинг умумий суммасини ўн иккига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Зарар етказилган пайтгача жабрланувчи ўн икки ойдан кам ишлаган ҳолларда ўртача иш ҳақи /даромади/ соғлиққа ши-каст етказилишидан олдинги ҳақиқий ишланган ойлардаги иш ҳақи /даромади/нинг умумий сумма-сини ишлаган ойлар сонига бўлиш йўли билан ҳисоб-лаб чиқилади.

Тўлиқ ишламаган ойлар жабрланувчининг хоҳи-шига кўра олдинги тўлиқ ишланган ойларга алмаш-тирилиши, алмаштириш имконияти бўлмаса, бутун-лай ҳисобдан чиқариб ташланиши мумкин.

Жабрланувчи соғлиғига шикаст етказилган пайт-да ишламаётган бўлса, унинг хоҳишига кўра, меҳ-нат шартномаси бекор қилинишигача бўлган иш ҳақи ёки мазкур жойда унинг малакасидаги ходимга тўла-надиган миқдорда ҳисобга олиниши мумкин. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган одатдаги ҳақ тўлаш миқ-дори ҳисобга олиниши лозим.

Йўқотилган иш ҳақини аниқлашда жабрланувчи-га унинг майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача ши-каст етказилиши сабабли тайинланган ногиронлик

пенсияси, шунингдек соғлиғига зарар етказилмасдан олдин ва ундан кейин олган ҳар хил турдаги пенсия, нафақа ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар эътиборга олинмайди ва зарарнинг миқдорини камайтиришга сабаб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, бу суммалар зарарни қоплаш ҳисобига киритилмайди.

Яна шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказилгандан кейин оладиган даромадлари ҳам зарарни қоплаш ҳисобига кирмайди.

Айрим ҳолларда, махсус қонун ҳужжатлари ёки шартнома асосида жабрланувчига тегаётган тўловнинг ҳажми ва миқдори кўпайтирилиши мумкин.

Иш ҳақи ва даромади бўлмаган вояга етмаган, ўн тўрт ёшга тўлмаган, кичик ёшдаги бола майиб бўлиб қолган ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган ҳолларда, зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлган шахс фақат соғлиққа шикаст етказилиши сабабли қилинган харажатларнинг ўрнини қоплайди. Иш ҳақи ва даромади бўлмаган ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган болаларнинг соғлиғига шикаст етказилганда, зарар учун жавобгар шахс жабрланувчига соғлиғига шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатлардан ташқари, унинг меҳнат қобилятини йўқотганлиги ёки камайганлиги билан боғлиқ зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан келиб чиқиб қоплаши керак. Иш ҳақи ёки даромадга эга бўлган вояга етмаган болаларга етказилган зарар, унинг ушбу иш ҳақи ёки даромади миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади ва у қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланиши керак. Шунинг билан бирга соғлиғига илгари шикаст етказилган вояга етмаган бола меҳ-

нат фаолиятини бошлагандан сўнг зарар учун тўла-надиган ҳақни у оладиган иш ҳақи /даромади/ миқдоридан келиб чиқиб кўпайтиришни талаб қилишга ҳақли.

Боқувчисини йўқотганлик учун зиён кўрган қуйидаги шахсларгина зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар:

биринчидан. вафот этган шахснинг қарамоғида турган, шунингдек у вафот этган кунгача ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар;

иккинчидан. марҳумнинг вафотидан кейин тузилган фарзандлари;

учинчидан. марҳумнинг қарамоғида бўлган ўн тўрт ёшга тўлмаган ёки бошқаларнинг парваришига муҳтож бўлган болалари, неваралари, ака-ука, опасингилларини парваришlashда банд бўлган ва ишлайдиган ота-онасидан бири, эри /хотини/ ёки оиланинг бошқа аъзоси;

тўртинчидан. марҳумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин беш йил ичида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган шахслар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, марҳумнинг қарамоғида бўлган ўн тўрт ёшга тўлмаган болалар ва бошқаларнинг парваришига муҳтож бўлган болалари, неваралари, ака-ука ва опасингилларининг парвариши билан банд бўлган, ишламайдиган ота-онасидан бири, эр /хотин/ ёхуд оиланинг бошқа аъзоси парваришlashни амалга ошириш даврида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган тақдирда, ана шу шахсларни парваришlash тутаганидан кейин зарарни ундириш ҳуқуқини сақлаб қолади.

ФКнинг 1009-моддасига асосан зарар:

— вояга етмаганларга — ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар;

— ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга — ўқув-

нинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунига қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча;

— эллик беш ёшдан ошган аёлларга ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга умрбод;

— ногиронларга-ногиронлик муддати тугагунча;

— марҳумнинг қарамоғида бўлган болалари, неваралари, ака-ука ва опа-сингилларини улар ўн тўрт ёшга тўлгунга қадар парваришлаш билан банд бўлган ота-онасидан бири, эри /хотини/ ёхуд оиласининг бошқа аъзосига тўланади.

Боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга зарар **ФКнинг 1007-моддаси** қоидаларига асосан аниқланган марҳумнинг иш ҳақи /даромади/нинг марҳум ҳаёт вақтида улар ўз таъминоти учун олган ёки олиш ҳуқуқига эга бўлган улуши миқдорида қопланади. Боқувчисини йўқотганлик учун тўланадиган зарарнинг миқдорини аниқлашда марҳумнинг даромадлари таркибига иш ҳақи /даромади/ билан бир қаторда у ҳаёт вақтида олган пенсия, умрбод таъминот ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар киритилади. Аммо, зарарнинг ўрнини қоплаш миқдорини аниқлашда боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан шахсларга тайинланган пенсия, шунингдек боқувчисининг вафотидан кейин ҳам, олдин ҳам тайинланган бошқа турдаги пенсиялар ҳамда иш ҳақи /даромади/, стипендияси қоплаш ҳисобига киритилмайди.

Боқувчининг вафотидан кейин уч юз кун ичида фарзанд туғилиши, вафот этган боқувчининг болалари, невара, ака-ука ва опа-сингилларини парваришлашда банд бўлган шахсларга ҳақ тўлашни таъминланиши ёки уни тўхтатилиши муносабати билан боқувчисини йўқотганлиги учун зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлганларнинг ҳар бирига белгиланган қоплаш миқдори қайтадан ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Шу билан бирга, айрим ҳолларда қонун ҳужжатларида ёки шартномада зарарни қоплаш миқдорини

кўпайтириш назарда тутилиши мумкин. Турмуш қийматининг ошиб бориши ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши муносабати билан зарарни қоплашнинг миқдори ҳам мутаносиб равишда кўпайиши мумкин.

Зарарнинг ўрнини қоплаш, одатда, ҳар ойлик тўловлар билан амалга оширилади. Айрим ҳолларда, узрли сабаблар бўлган тақдирда суд зарар етказувчининг имкониятларини ҳисобга олиб, ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг талаби бўйича унга тегишли тўловларни бир йўла лекин уч йилдан ошмаган вақт учун тўлашни белгилаши мумкин. Тиббий экспертиза хулосаси асосида аниқланадиган муддатларда йўлланма сотиб олиш, йўл ҳақини тўлаш, махсус транспорт воситалари ҳақини тўлаш каби харажатлар қийматини олдиндан тўлаш зарурияти тутилган ҳолларда келгуси вақт учун қўшимча харажатларни ундириш амалга оширилиши мумкин.

Соғлиққа зарар етказгани учун ёки боқувчисини йўқотганлиги учун белгиланган зарарни тўлашга мажбур бўлган юридик шахс қайта тузилганда, тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти унинг ҳуқуқий вориси зиммасида бўлади. Худди шунингдек, зарарни тўлаш мажбурияти юклатилган фуқаро вафот этган тақдирда, унинг меросхўри мерос бўйича ўзига ўтган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати доирасида жавобгар бўлади. Вориссиз мол-мулк ўзига ўтган давлат ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳам ана шундай асосларда жавобгар бўлади.

Белгиланган тартибда зарар учун жавобгар деб топилган юридик шахс тугатилган тақдирда, тегишли тўловлар уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга кўра жабрланувчига тўлаш учун капиталлаштирилиши лозим. Мол-мулки бўлмаслиги ёки етарли бўлмаслиги сабабли тўловларни капиталлаштириш мумкин бўлмаган ҳолларда бел-

гиланган суммалар жабрланувчига давлат томонидан қонунда назарда тутилган тартибда тўланади.

Жабрланувчининг вафоти муносабати билан кўрилган зарар учун жавобгар бўлган шахслар дафн этиш учун зарур бўлган харажатларни қилган шахсга тўлашлари шарт. Олинган дафн этиш нафақаси қилинган харажат натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига киритилмайди.

Товарлар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Аҳолини сифатли ва хавфсиз маҳсулотлар билан таъминлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, аввало, маҳсулотлар, хизматлар ва бошқа объектларни сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари, товарларнинг, ишнинг, хизматнинг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Сертификатлаштириш одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат қилиб бориш, истеъмолчини тайёрловчининг, сотувчининг ва ижрочининг виждонсизлигидан ҳимоя қилиш, маҳсулот тайёрловчиси, сотувчиси, ижрочиси таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилади¹.

Сертификатлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини „Ўздавстандарт“ амалга оширади. У сертификатлаштиришни ўтказиш юзасидан умумий қоидаларни белгилайди, улар тўғрисидаги расмий ахборотларни эълон қилиб боради ва мажбурий равишда

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тошкент. „Адолат“. 1995 йил, 10-сон, 74-бет.

сертификатланадиган маҳсулотларнинг рўйхатини белгилайди. Мажбурий сертификатлаштириш норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ маҳсулот хусусиятини аниқлаш учун уни синашни, сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назоратни ўрнатишни ўз ичига олади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш учун тузиладиган контрактлар /шартномалар/ шартида маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи, „Ўздавстандарт“ томонидан берилган ёки эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари бўлиши назарда тутилиши керак.

Четдан олиб келинадиган маҳсулотларнинг хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган тақдирда божхона назорат органлари бу хусусда „Ўздавстандарт“ ни хабардор этишлари ва маҳсулотни сертификатлаштиришдан ўтказиш ёки чет эл сертификатини эътироф этиш тўғрисидаги масала сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига мувофиқ ҳал этилгунча бу маҳсулотни четдан олиб киришни таъқиқлаб қўйишлари керак.

Тайёрловчиларнинг, тадбиркорларнинг, сотувчиларнинг, ижрочиларнинг сертификатлаштириш қоидаларига риоя этишлари устидан ҳамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назоратини „Ўздавстандарт“ нинг давлат инспекторлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва шартларда амалга оширадilar.

Тайёрловчилар, тадбиркорлар маҳсулотларни мувофиқлик сертификатисиз, шунингдек қонунга ҳилоф тарзда мувофиқлик белгиси тамғаси босилган маҳсулотни реализация қилганлик учун, мувофиқлик сертификати бўлмаган маҳсулотларни тарғиб қилганлик учун, „Ўздавстандарт“нинг ёки у вако-

лат берган органларнинг кўрсатмасига биноан реализация қилиш тўхтатиб ёки таъқиқлаб қўйилган маҳсулотларни реализация қилганлик учун жавобгар бўладилар.

Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун тайёрловчилар, тадбиркорлар суднинг қарори билан давлат бюджети ҳисобига реализация қилинган маҳсулот қиймати миқдорида жарима тўлайдилар.

Тайёрловчилар, тадбиркорлар истеъмолчи ёки буюртмачига етказилган зарарларнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўла ҳажмда қоплашлари шарт.

Товарнинг, ишнинг, хизматнинг конструктив, рецептуравий ёки бошқа нуқсонлари оқибатида, шунингдек товар, иш, хизмат тўғрисидаги маълумот нотўғри ёки етарли эмаслиги оқибатида фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ёхуд юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарар сотувчи ёки тайёрловчи, ижрочи томонидан, уларнинг айбидан ва жабрланувчи улар билан шартнома муносабатларида бўлгани ёки бўлмаганидан қатъи назар, қопланиши лозим.

Аммо, бу қоидалар товарни, ишнинг бажарилиши, хизмат кўрсатилиши тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун эмас, балки истеъмол мақсадлари учун сотиб олинган ҳолатда қўлланилади.

Товарлар, иш, хизматнинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуқсонлари, шунингдек истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчи ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар тегишлича сотувчи, ишлаб чиқарувчи, ижрочи томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи, ишлаб чиқарувчи, ижрочи билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи товар, иш, хизматнинг нуқсони туфайли ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат ёки яроқлилиқ муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган, иш, хизмат қабул қилинган пайтдан эътиборан 10 йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

Кўрсатилган муддатлардан ташқари, зарар қуйидаги ҳолларда ҳам қопланиши лозим:

Биринчидан, агар қонун талаблари бузилиб яроқлилиқ муддати белгиланмаган бўлса;

Иккинчидан, товарни сотиб олган, ишни бажартирган ёки хизматдан фойдаланган шахс яроқлилиқ муддати тугаганидан кейин зарур бўлган ҳаракатларни қилиши тўғрисида ва кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида огоҳлантирилмаган бўлса.

Агар сотувчи, ишлаб чиқарувчи, ишнинг ижрочиси зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, сақлаш ёхуд ташишнинг белгиланган қоидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади.

Фуқароларнинг соғлиғи, ҳаёти, мол-мулки учун хавфли бўлмаган товар чиқариш, иш, хизматни бажаришда маълум асосий қоидалар белгиланган қуйидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш талаб қилинади:

1. Маҳсулотлар, хизматлар ва бошқа объектларни сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини, сертификатлаштириш иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини белгилаб берган Ўзбекистон Респуб-

ликасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган „**Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида**“¹ ги қонунида¹ сертификатлаштириш одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш, истеъмолчини тайёрловчининг, сотувчининг, ижрочининг виждонсизлигидан ҳимоя қилиш, маҳсулот тайёрловчиси, сотувчиси, ижрочиси таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Бу қонунда сертификатлаштириш объектлари ва субъектлари, маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш вақтидаги тайёрловчилар ва тадбиркорларнинг мажбуриятлари, четдан олиб келинадиган ва четга олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш кўрсатилган бўлиб, тайёрловчилар, тадбиркорларнинг мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиги белгиланган.

Сертификатлаштиришнинг субъектлари сифатида „Ўздавстандарт“ ва давлат бошқарувининг бошқа органлари, „Ўздавстандарт“ томонидан аккредитация қилинган ёки эътироф этилган сертификатлаштириш органлари, синов лаборатория /марказлари/, мулк шаклидан қатъи назар, маҳсулоти сертификатлаштирилиши лозим бўлган корхоналар, муассаса ва ташкилотлар, жисмоний шахслар белгиланган.

2. Маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулот сифатини оши-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994 йил, 2-сон, 50-модда.

риш, истеъмолчиларни ишлаб чиқараётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлаш, ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш ва стандартлаштиришнинг бошқа асосий мақсадларини ўзида ифода этган Ўзбекистон Республикасининг „Стандартлаштириш тўғрисида“ги 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган қонуни¹ стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг тоифалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар, стандартлар устидан давлат назорати органлари ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилаб берди.

3. „Истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрель қонунда² истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари қуйидагича белгиланган:

— товар /иш, хизмат/ ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи /ижрочи, сотувчи/ ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

— товар /иш, хизмат/ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

— товар /иш, хизмат/нинг хавфсиз бўлиши;

— ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсонли бўлган товар /иш, хизмат/, ишлаб чиқарувчи /ижрочи, сотувчи/нинг ғайриқонуний ҳаракати /ҳаракатсизлиги/ туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;

— бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;

— истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборот-номаси. 1994 йил, 2-сон, 46-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 1997 йил, 5—6-сон, 59-модда.

Шу билан бирга, истеъмомчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёз ва афзалликлар белгиланиши мумкин.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқарувчи /ижрочи, сотувчи/ истеъмомчига ўзи реализация қилаётган товар /иш, хизмат/лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт /Қонуннинг 6-моддаси/.

Товар /иш, хизмат/ ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

— товар /иш, хизмат/ мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатларнинг номи;

— товар /иш, хизмат/нинг асосий истеъмом хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

— баҳоси ва сотиб олиш шартлари;

— айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;

— ишлаб чиқарувчи /ижрочи/нинг кафиллик мажбуриятлари;

— товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;

— товарнинг хизмат /яроқлилиқ/ муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмомчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

— ишлаб чиқарувчи /ижрочи, сотувчи/нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

— ишлаб чиқарувчи /ижрочи, сотувчи/нинг ҳамда улар истеъмомчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек таъминлаш ишларини бажа-

радиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхона-ларнинг манзиллари;

— товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари;

Сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисидаги маълумот тақдим этилиши лозим.

Товар /иш, хизмат/ ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар /иш, хизмат/ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Агар товар /иш, хизмат/ ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги натижасида зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар /иш, хизмат/ сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилиш ва етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Агар сотиб олинган товар /иш, хизмат/дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи кўпи билан уч кунлик муддатда тегишли маълумот берилишини талаб қилишга ҳақли. Айтилган муддатда маълумот берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Истеъмолчи ҳаётига, соғлиғига, ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ишлаб чиқарувчи /ижрочи, сотувчи/ олдига қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар /иш, хизмат/ туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи /ижрочи, сотувчи/ томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Истеъмолчи шартнома тузиш йўли билан товар (иш, хизмат)ни эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу шартномага кўра, сотувчи /ишлаб чиқарувчи, ижро-

чи/ истеъмолчига муайян миқдордаги ва мақбул сифатли товарни мулк қилиб топшириш /иш бошқариш, хизмат кўрсатиш/ мажбуриятларини, истеъмолчи эса шартлашилган пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

Нархи кўрсатиб қўйилган товарлар ҳақида сотиб олувчи эътиборига ҳавола этилган маълумот тегишли шартномани тузиш учун таклиф деб ҳисобланади ва томонлар ўртасида шартнома нарчаси, миқдори, нархи ва бошқа муҳим шартлар тўғрисида келишувга эришилган бўлса, ўртада шартнома тузилган бўлиб ҳисобланади. Шартнома тузилган заҳоти бажариладиган бўлса, қоида тариқасида у оғзаки шаклда тузилади. Тузилган вақтдан бошқа пайтда бажариладиган шартномалар, масалан олдиндан бериладиган буюртма бўйича, жўнатма савдода ва бошқа ҳолларда ёзма шаклда тузилади.

Истеъмолчи сотиб олинган товар, бажарилган иш, қилинган хизматнинг сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга, сотувчи, ишлаб чиқарувчи, ижрочи эса назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизадан ўтказиб бериши шарт.

Олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қоидалар, шунингдек, айрим турдаги товарларни сотиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланади.

Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган „Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида“ги қонунида¹ бел-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 1997 йил, 9-сон, 239-модда.

гилаб қўйилган. Бу қонунда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, реализация қилиш, қадоқлаш, ўраш ва тамғалаш, сақлаш ва ташиш норма ва қоидалари белгиланиб, уларга риоя қилмаслик оқибатлари кўрсатилган. Истеъмолчилар товарларни, бажариладиган ишларни, кўрсатилган хизматнинг хавфсиз бўлишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкини ҳамда атроф муҳит учун хавф туғдирувчи товар ишлаб чиқарганлик, иш бажарганлик, хизмат кўрсатганлик учун қонун ҳужжатларига асосан, ишлаб чиқарувчи /ижрочи/, норматив ҳужжатларни тасдиқлаган орган, хавфли товар /иш, хизмат/ни ишлаб чиқариш ёхуд реализация қилишга рухсат берган органлар жавоб берадилар. Товар /иш, хизмат/нинг хавфсиз бўлиши таъминланмаганлиги оқибатида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи /ишлаб чиқарувчи, ижрочи/ томонидан қопланиши лозим.

Истеъмолчига нуқсонли товар сотилганда сотиб олувчи ўз хоҳишига қараб, товарни мақбул сифатли айни шундай маркали товарга алмаштириб бериш ёки бошқа маркани шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиш, товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш, харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш ёки шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Истеъмолчи кўрсатилган талабларни, фақат товарнинг кафолат муддати ёки яроқлилик муддати мобайнида қўйишга ҳақли. Кафолат муддати ёки яроқлилик муддати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мобайнида, кўчмас мулк истеъмолчига ўтказилган кундан эътиборан икки йил мобайнида, мавсумий товарлар учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган муддат мобайнида нуқ-

сонли товар сотиб олган истеъмомлчи ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин.

Шундай қилиб, товар /иш, хизмат/нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуқсонлари, шунингдек истеъмомлчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланиши оқибатида истеъмомлчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи /ишлаб чиқарувчи, ижрочи/ томонидан қопланиши лозим /Қонуннинг 20-моддаси/.

ФКнинг 1018-моддасига асосан, товарнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар жабрланувчининг танловига кўра товарнинг сотувчиси ёки тайёрловчиси томонидан қопланиши лозим.

Ишнинг /хизматнинг/ нуқсони оқибатида етказилган зарар ишни бажарган ёки хизматни кўрсатган шахс /ижрочи/ томонидан қопланиши лозим.

Товар /иш, хизмат/ тўғрисида тўлиқ ёки ишончли маълумот бермаганлик оқибатида етказилган зарар кўрсатилган қоидага мувофиқ қопланиши лозим.

Маънавий зарарни қоплаш

Қонунда маънавий зарар учун ҳам жавобгарлик белгиланган. **ФКнинг 1021-моддасида** маънавий зарарни қоплаш бўйича умумий қоидалар айтиб ўтилган. Умумий қоида тариқасида маънавий зарар, уни етказувчининг айби бўлган тақдирдагина зарар етказувчи томонидан қопланиши керак.

Айрим ҳолларда, қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда маънавий зарар уни етказувчининг айби бор-йўқлигидан қатъи назар, қопланиши мумкин.

ФКнинг 1021-моддаси 2-қисмида кўрсатилишича маънавий зарар:

Биринчидан, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;

Иккинчидан, фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўллаш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;

Учинчидан, ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса, етказувчининг айбидан қатъи назар қопланади.

Маънавий зарар пул билан қопланади. Унинг миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятларига, шунингдек зарар етказишдаги айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда, зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини аниқлашда, суд томонидан оқилона ва адолатли талаблар асосида жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятлари, маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари, жамиятдаги мавқеи ҳисобга олинган ҳолда баҳоланиши керак.

Тўланиши лозим бўлган ҳақиқий мулкий зарардан қатъи назар, маънавий зарар албатта алоҳида қопланиши керак.

Зарарни қоплаш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддаси, „Прокуратура тўғрисида“ги қонуннинг 1-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хил

да барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари, ҳокимлар, шунингдек кимга бўйсунитидан, кимнинг тасарруфида бўлитидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассаса, корхона ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши устидан назоратни Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадидлар.

Прокуратура органларининг фаолияти қонуннинг устуворлигини таъминлашдан иборатдир. Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш прокурорларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Бош прокурорнинг 1997 йил 28 майдаги „**Қонун устуворлигини таъминлашда Прокуратура идораларининг умумий назорат фаолиятини ташкил этиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан вазифалари ҳақида**“ги 4-сон буйруғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар шароитида муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг бажарилишига қаратилган қонунларнинг ижросини текшириб бориш вазифаси юклатилган.

Давлат, жамоат ва шахс мулкини сақлашга, келтирилган зарарларни ўз вақтида ундириб олишга, ҳужасизлик ва иқтисодий муносабатлардаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ҳамда бу борада мансабдор шахслар, маҳаллий ҳокимият, тармоқ назорат идоралари масъулиятининг оширилишига қаратилган қонунларнинг аниқ бажарилишини назорат қилиш прокуратура идоралари умумий назорат фаолиятининг диққат марказида бўлиши керак.

Моддий зиённи қоплаш ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг биринчи навбатдаги вазифаси давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг мулкига қарши ҳамда жиноий

ҳаракатлар натижасида моддий зарар етказилишининг олдини олиш, корхона, муассаса ва ташкилотларда қонун талабларига риоя қилишни, жиноий ишлар бўйича моддий зиён етказган ҳар бир шахсни жавобгарликка тортиш, етказилган зиённи тез ва тўлиғича қоплатиш чораларини кўришдан иборат.

Прокурор назоратининг пировард мақсади ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишни батамом йўқ қилиш, ижтимоий ва маънавий шароитни вужудга келтиришдан иборатдир. Бу вазифани амалга оширишда прокуратура фаолияти жамиятда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этувчи шахсларни тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатининг бир қисмини ташкил қилади.

Ҳар бир прокурор, терговчи ва суриштирувчи ҳамда судья ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариш билан бир қаторда, мулкӣ зиённи ундириш билан боғлиқ ишларнинг сифатини ва самарадорлигини ҳам таъминлашлари керак.

Моддий зиённи қоплаш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назоратини кучайтириш учун туман /шаҳар/ прокуратураларининг иш ташкил қилиш услубини такомиллаштириш, назоратни доимий ва мунтазам равишда олиб бориш йўли билан унинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш зарур.

Мулкӣ зиённи қоплаш тўғрисидаги қонунларнинг ижросини текшириш бўйича прокуратуранинг фаолияти кўп қирралидир. Давлат ва жамоат ҳамда фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор назоратининг ҳар бир йўналишида ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

Ҳуқуқ бузилиши оқибатида етказилган моддий зиённи ўз вақтида, қонунда белгиланган тартибда ундириб олиш учун прокурор ўзига берилган ҳуқуқ ҳамда ваколат доирасида фаолият юритиши керак.

Бу вазифани бажариш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасида ўзаро ҳаракат бирлигини амалга оширишда ҳамкорликни тўғри ташкил қилиш талаб қилинади.

Туман /шаҳар/ прокурорларининг моддий зиёни қоплаш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратининг самарадорлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан давлат маҳаллий ҳокимият идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоалар билан мустаҳкам алоқада бўлиб ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Маълумки, прокуратура идораларида иш ташкил қилиш, асосан, прокуратура фаолиятининг етакчи йўналишлари бўйича амалга оширилади.

Мулкий зиёни қоплаш тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш бўйича иш ташкил қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Прокуратура ходимлари ўртасида хизмат вазифаларини тақсимлаш;

2. Мулкий зиён, шу жумладан дебитор ва кредитор қарзлари хусусида ариза, шикоят, маълумот ва хабарлар ҳамда ахборотларни таҳлил қилиб бориш ва умумлаштириш;

3. Зиёни қоплаш бўйича ўтказиладиган тадбирларни режалаштириб ташкил қилиш;

4. Адлия, суд ва ички ишлар идоралари билан прокуратура фаолиятини зиёни қоплаш масалалари бўйича мувофиқлаштириш;

5. Давлат ва жамоат назорат идоралари, банк ва молия муассасалари, меҳнат жамоалари ва ташкилотлари билан зиёни қоплаш масалалари бўйича ҳамкорликда ҳаракат қилиш;

6. Зиёни қоплаш тўғрисидаги қонунлар ва суднинг ҳукм ва қарорлари бўйича мулкий ундиришларнинг ижросини корхона, муассаса ва ташкилотларда текшириб бориш;

7. Жиноят ишлари, ўзи қўзғатган фуқаролик ишлари бўйича етказилган мулкый зарарни қоплаш ҳисоботларини олиб бориш;

8. Мулкый зиённи қоплаш бўйича ижобий тажрибаларни оммалаштириш, ходимларнинг бу соҳадаги касб маҳоратини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш.

Туман /шаҳар/ прокурорининг биттадан ортиқ ёрдамчилари бўлган прокуратураларда улардан бирининг зиммасига зиённи қоплаш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш вазифаси юкланиши мақсадга мувофиқдир. Прокурорнинг бу ёрдамчиси вақти-вақти билан зиённи қоплаш тўғрисидаги қонунлар бажарилиши аҳволини умумлаштириш ва таҳлил қилиши учун биринчи навбатда ҳисоботни тўғри йўлга қўйиши керак, ҳар бир жиноят иши ва прокурор қўзғатган фуқаролик ишлари бўйича зиённи қоплаш ҳисобини олиб бориши лозим. Амалиётда прокуратура органларининг иш фаолиятлари ҳар ярим йилда тузиладиган ҳисоботларда акс эттирилади. Шунинг учун, зиённи қоплаш билан боғлиқ суд-прокуратура тажрибасини таҳлил қилиб умумлаштиришни ҳар ярим йилда бир мартаба ўтказиш режалаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Корхона, муассаса ва ташкилотларда зиённи қоплаш тўғрисидаги қонунлар ижросини текшириш услуги

Мулкдор ўз хусусий мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар қилишга ҳақли. Мулкдор ўз мулкидан қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай хўжалик ва бошқа фаолиятларни амалга оширишда фойдаланиши мумкин.

Уларнинг масъулиятини оширишга қаратилган

қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши прокуратура органлари умумий назорат фаолиятининг асосий йўналишидир.

Прокурор назоратини амалга оширишда асосий эътибор корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти томонидан мулкӣ зиённи қоплаш тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилиш, зиён етказган шахслардан уни ундириб олиш чораларини кўриш, аниқланган камомад, ўғирлик ва бошқа талон-торожлар, жиноий ҳаракатлар натижасида етказилган зарар юзасидан тўпланган тегишли ҳужжатларни ўз вақтида тергов, суд органларига топшириш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларнинг қонунийлиги устидан назорат олиб боришга қаратилган бўлиши лозим.

Прокурор давлат ва жамоат корхоналари ҳамда ташкилотларида қонун ижросини текширишга прокурор аралашуви талаб қилинган қонун бузилиши ҳоллари ҳақида ариза, шикоят, хабар ва маълумотлар келиб тушган тақдирда ёки юқори прокуратура идораларининг топшириғига асосан ишга киришади. Одатда мулкӣ зиённи қоплашга қаратилган қонунлар ижроси мулкни сақлашга қаратилган қонунлар ижроси билан бирга текширилади.

Текширишни сифатли, атрофлича, чуқур ва мукамал ўтказиш учун ҳисоб-китоб мутахассислари жалб қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Прокурор текширилаётган объектнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятига қараб, унинг бухгалтерияси, техник назорат бўлини маси, тайёр маҳсулот ва сотиш бўлимидан, юридик ва кадрлар бўлимидан улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари, вазифаларидан келиб чиқадиган масалалар бўйича тегишли маълумотларни талаб қилади.

1. Бухгалтериядан дебитор қарзлар, суд қарорлари, истеъмолчиларнинг эътирозларига асосан тўланган маблағлар миқдори, яроқсиз маҳсулот, бузилиш ва нобуд

бўлиш оқибатида етказилган зарар, сифатсиз маҳсулотларнинг қайтарилганлиги, тузатилганлиги, таъмирланганлиги, қайта ишлаб чиқилганлиги ва уларга кетган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар талаб қилинади.

2. Техник-назорат бўлиmidан эса рекламациялар, товар олувчиларнинг талаби бўйича корхона вакилининг иштирокида тузилган ҳужжатлар, маҳсулот сифати ҳақида ёзишмалар олинади.

3. Тайёр маҳсулот, таъминот ва сотиш бўлиmidан хом ашё, материал, комплектловчи деталлар, уларнинг сифати, тайёр маҳсулотни сақлаш шароитлари, транспорт харажатлари тўғрисидаги ҳужжатлар олиниб, ўрганиб чиқилади.

4. Юридик бўлимдан мулкни сақлаш, зарарни аниқлаш ва ундиришни таъминлаш бўйича қилинган ишлар, маҳсулот сифати, камомадлар, мулкий зиёнларга оид ҳужжатлар, шартномалар, моддий жавобгар шахслар ҳақида маълумотлар олинади.

5. Кадрлар бўлиmidан корхона маъмурияти чиқарган ҳуқуқий ҳужжатлар, буйруқлар, моддий жавобгар шахслар рўйхати, уларнинг шахсий ишлари ва ҳоказолар олинб, текширилади.

Текширишда асосий эътибор, Молия вазирлигининг 1993 йил 8 августидаги „**Тафтиш ва текширишларда аниқланган талон-торожлар, камомадлар, бошқа суистеъмол қилиш ҳодисалари ҳақида шошилинч ахборотлар бериш тартиби тўғрисида**“ги 60-сонли йўриқнома ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган тартибга риоя қилинишига қаратилиши керак.

БОБОҚУЛ ТОШЕВ,
юридик фанлари номзоди

**Муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигини таъ-
минлашда прокурорлик
назорати**

(илмий-амалий қўлланма)

ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ичида муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчилик тарихийлиги, ҳаракат доирасининг кенглиги, бошқа ҳуқуқ соҳалари билан бевосита алоқадорлиги, халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида ҳам татбиқ этилиши билан ажралиб туради. Муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигини ҳуқуқ назарияси ва уни англаш мазмунига асосланган ҳолда маълум бир тизимга ажратиб ўрганиш мумкин.

1. Муаллифлик ҳуқуқига оид бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар (конвенция, шартнома, битим ва бошқалар);

2. Муаллифлик ҳуқуқини белгиловчи қонунчилик асослари (Фуқаролик кодекси);

3. Муаллифлик ҳуқуқига оид барча қоидаларни мужассамлаштирган қонунлар (Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун);¹

4. Алоҳида тоифадаги муаллифлар ҳуқуқларини белгиловчи қонунлар (Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисидаги, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида, Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш ҳақидаги ва бошқа қонунлар).

Муаллифлик ҳуқуқининг бундай тизимга жойлаштириб ўрганилиши, соҳа қонунчилигини чалкаштирмай ўрганишга ёрдам беради.

Ҳуқуқий-демократик жамиятда фуқаронинг ҳуқуқи биттагина қонун билан эмас, балки бир неча қонунлар билан ҳимоя қилиниши, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларининг ҳар томонлама кафолатини таъминлайди.

¹ Бундан кейин қонун деб юритилади.

Фуқаролик кодексининг деярли барча бўлимларида интеллектуал мулкка, хусусан муаллифлик ҳуқуқига оид нормалар белгиланган. Айниқса, Кодексда бевосита интеллектуал мулкка оид қоидалар алоҳида IV бўлимда берилишининг ўзи ҳам муаллифлик ҳуқуқига катта эътибор берилганлигидан далолатдир. Фуқаролик кодексининг бу нормалари собиқ Иттифоқ фуқаролик қонунчилиги асослари ва фуқаролик кодексидан тубдан фарқ қилади.

Собиқ Иттифоқда муаллифлик қонунчилиги асослари, асосан мамлакат 1973 йил май ойида Бутунжаҳон муаллифлик ҳуқуқи Женева Конвенциясига аъзо бўлиб қўшилгандан сўнг яратилган эди. Хусусан, республикамизнинг 1963 йилдаги Фуқаролик кодексининг 518—563 моддалари шу қонунчилик асосида қабул қилинган эди. Бироқ унда турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқлари ҳимоясиз қолиб кетган эди.

Янги Фуқаролик кодекси эса муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, келгусида алоҳида категориядаги янги қонунлар қабул қилинишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Кодексда муаллифлик ҳуқуқига оид бир қатор муҳим қоидалар норма сифатида берилган. Бу нормалар муаллифлик ҳуқуқининг объектлари, муаллифларнинг шахсий номулкӣ ва мулкӣ характердаги ҳуқуқлари, муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя муддати ва ҳимоя белгилари ҳамда муаллифлик шартномаларига бағишланган бўлиб, Кодексда 59-боб умумий қоидалар, 60-боб (1041-1073 моддалар) муаллифлик ҳуқуқи, 61-боб турдош ҳуқуқлар (1074-1081 моддалар) тизимида жойлаштирилган.

Фуқаролик кодексидagi муаллифлик ҳуқуқига оид барча нормаларнинг халқаро муаллифлик ҳуқуқи нормаларига яқинлаштирилганлиги муаллифларимиз

ҳуқуқларининг халқаро миқёсда ҳимоя қилинишида асос бўлиб хизмат қилади.

Муаллифлик ҳуқуқига оид барча қоидалар мужас-самлаштирилган алоҳида қонун 1996 йил 30 август кунда қабул қилинган „**Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида**“ги қонундир.

Бу қонун ҳам муаллифлик ҳуқуқига оид бўлган бир қатор конвенция ва шартномалар, декларация ва битимлар, халқаро ташкилотларнинг дастурларидаги талаблар асосида қабул қилинди.

Қонун 3 та бўлим ва 61 моддадан иборат бўлиб, муаллифлар ҳуқуқлари бир тизимда жойлаштирилган. Бу қонуннинг афзаллиги шундаки, унда муаллифларнинг барча ҳуқуқлари мустақамланганлигидан ташқари, турдош ҳуқуқлар субъектлари (ижрочилар, артистлар, саҳналаштирувчи режиссёрлар, дирижёрлар, овоз ёзувчи ва тасвирга туширувчи, эфир орқали эшиттирувчи ва кўрсатувчи) ташкилотларнинг ҳам ҳуқуқлари ва муаллифлик ҳуқуқи объектлари (асарлар) хусусидаги бир қатор муҳим, янги қоидалар норма сифатида киритилган.

Қонуннинг „**Умумий қоидалар**“ бўлимида муаллифлик ҳуқуқига оид терминлар тушунчаси, қонун ҳужжатлари, „**Муаллифлик ҳуқуқи**“ бўлимида эса муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси, муаллифлик ҳуқуқи билан кўриқланадиган объектлар, асар қисмлари ва ҳосила асарлар, ҳаммуаллифлик, фильм ва интервью муаллифлари, муаллифлик ҳуқуқларининг чекланиши, муаллифлик шартномаси, муаллифлик ҳуқуқларини бошқариш ва бошқа қоидалар алоҳида моддалар билан норма сифатида берилган.

Қонуннинг „**Турдош ҳуқуқлар**“ бўлимида турдош ҳуқуқларнинг объектлари ва субъектлари тушунчаси, турдош ҳуқуқларнинг ҳимоя белгилари, ижрочининг ҳуқуқлари, ижродан фойдаланиш, ижрони

ёзиб олган шахснинг ҳуқуқлари, эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари ва бошқа қоидалар ўз аксини топган.

Муаллифлар ва турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқлари уларнинг вафотидан сўнг ҳамда ижро, ёзув амалга оширилгандан кейин 50 йилгача ҳимоя қилинишининг белгилаб қўйилганлиги қонуннинг халқаро даражада татбиқ этилишига имкон яратади. Зеро, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида ҳимоя муддати **50 йил** деб белгиланган. Бу муддат собиқ Иттифоқ даврида 25 йил эди. Қонунда халқаро шартномалар қоидаларининг қўлланиши алоҳида (3-модда) норма сифатида берилган бўлиб, бу ҳол хорижий муаллифлар ҳуқуқларининг ҳам республика ҳудудида ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Муаллифларнинг шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлари муаллифлик ҳуқуқи бузилганда биринчи навбатда тикланиши лозим бўлган ҳуқуқлар сирасига киради.

Муаллифнинг ҳуқуқлари икки гуруҳга ажратилган ҳолда ўрганилади.

Уларнинг биринчиси муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларидир. Бу ҳуқуқлар моддий кўринишга эга бўлмай, муаллифлик номини тан олиш, номга бўлган ҳуқуқ, эълон қилиш ҳуқуқлари ва бошқалардан иборат. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1051-моддаси ва Қонуннинг 17-20-моддаларида муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари мазмуни берилган. Бунда асар муаллифига қуйидаги номулкий ҳуқуқлар тегишли дейилади:

- муаллифлик ҳуқуқи;
- муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ;
- асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширишдан воз кечиш тўғрисидаги бирон-бир шахс билан келишуви ва муаллифнинг бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Кодекснинг 1052- ва Қонуннинг 18-моддаси „муаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг ўзи яратган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг айна шу асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи эътироф қилинишини истисно этади“, деб белгилайди. Яъни, асарнинг муаллифи деб тан олиниш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи) муаллифга тегишли бўлади.

Кодекснинг 1053- қонуннинг 19-моддасида муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ қуйидагича таърифланган: „Муаллиф асардан ўз исми, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёки имзосиз фойдаланиш ёки шу тарзда фойдаланишга рухсат бериш борасидаги алоҳида ҳуқуққа (муаллифлик номига бўлган ҳуқуққа) эгадир“.

Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқларидан бири эса асарни эълон қилиш ҳуқуқидир.

„Муаллиф аниқ бўлмаган доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланишига имкон яратиб бериш ҳуқуқига (асарни эълон қилиш ҳуқуқига) эгадир“.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш, оммага намойиш этиш йўли билан ёки бошқа тарзда оммавийлаштириш орқали муаллиф томонидан ёки унинг розилиги билан аниқ бўлмаган доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланиш учун биринчи бор имкон яратиб берилса, асар эълон қилинган ҳисобланади.

Муаллиф асарни эълон қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қарорида асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор тўғрисида кўрган зарарнинг ўрнини, шу жумладан, олинмай қолган фойдани қоплаш шарти билан воз кечиш ҳуқуқига (асарни чақириб олиш ҳуқуқига) эгадир. Агарда асар эълон қилинган бўлса, муаллиф ўз асарини чақириб олганлигини оммага маълум қилиши шарт. Бунда муаллиф асарнинг аввал тайёрлаб қўйилган нусхаларини ўз ҳисобидан муомала-

дан олиб қўйишга ҳақлидир. Бу қоидалар, башарти муаллиф билан тузилган шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. (Қонуннинг 21-, Кодекснинг 1055-моддаси).

Муаллифнинг асардан фойдаланиш ҳуқуқи (Кодекснинг 1056 — Қонуннинг 22-моддалари) ўзида бир қатор шахсий мулкӣ ҳуқуқларни бирлаштиради. Буни қуйида яққол кўриш мумкин, яъни, муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда алоҳида ҳуқуқларга эгадир:

Асарни такрорлаш ва уни тарқатиш, бошқа йўллар билан реализация қилиш, хусусан:

— асарни омма олдида намойиш этиш (кўрғазмага қўйиш, экспонат сифатида кўрсатиш);

— асарнинг моддий жисмини ташкил этувчи нусхасини ижарага бериш;

— асарни омма олдида ижро этиш;

— асарни эфирга узатиш (радио ёки телевидение орқали трансляция қилиш), шу жумладан кабель ёки алоқа йўлдоши орқали бериш;

— асарни техника ёрдамида ёзиб олиш;

— асарнинг техникавий ёзувини эшиттириш ёки кўрсатиш, шу жумладан радио ёки телевидение орқали эшитириш ёки кўрсатиш;

— асарни кейинчалик фойдаланиш мақсадида уни таржима қилиш ёки қайта ишлаш;

— шаҳарсозлик, архитектура, дизайн лойиҳасини амалий рўёбга чиқариш асардан фойдаланиш ҳисобланади.

Асарни тарқатиш дейилганда эса асар нусхаларини сотиш, алмаштириш, ижарага бериш ёки улар иштирокида бошқа амаллар (ҳаракатларни) бажариш, шу жумладан уларни импорт қилиш англашилади.

Асардан даромад (фойда) олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақ-

садга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асар фойдаланилган деб ҳисобланади (Кодекс 1056-модда).

Муаллифнинг вафотидан кейин асарнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай кўрсатма бўлмаган тақдирда эса муаллифнинг меросхўрлари, шунингдек қонунга мувофиқ зиммасига муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган шахслар томонидан амалга оширилади.

Муаллиф ёки ҳуқуққа эга бўлган бошқа шахс шартномага, шу жумладан очиқ савдода тузилган шартномага биноан асардан фойдаланиш борасидаги барча ҳуқуқларини ўзга шахсга бериши (фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши) мумкин. Асардан фойдаланиш ҳуқуқи бир шахсдан бошқа шахсга универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Асардан фойдаланиш ҳуқуқини тасарруф этишда (Кодекснинг 1057-моддаси) ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга асардан муайян доирада фойдаланиш учун рухсатнома (лицензия) бериши мумкин. Бундай рухсатнома асардан унинг дастлабки шаклда фойдаланиш учун ҳам қайта ишланган шаклда, хусусан таржима, оранжировка тарзида ва шу каби усулларда фойдаланиш учун ҳам талаб қилинади. Асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун ҳуқуқ эгасининг махсус рухсатномаси талаб қилинади.

Муаллифнинг юқорида кўрсатилган шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқларига оид барча қонуний талаблар хизматга доир яратилган асарлар ёки бир неча муаллифлар томонидан ҳаммуаллифликда яратилган асарларга ҳам бирдек татбиқ этилади. Бунда асарнинг бир бутунни ташкил этиши ёки ҳосила асар эканлиги аҳамиятга эга эмас.

Ҳар қайси муаллиф асарнинг ўзи томонидан яратилган мустақил аҳамият касб этган қисмидан, агарда

улар ўртасида бошқача келишув кўзда тутилмаган бўлса, ўз хоҳиши бўйича фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллифга унинг мулкый ҳуқуқларидан қатъи назар тегишли бўлади ва асардан фойдаланишда алоҳида ҳолатларга йўл қўйилгандан сўнг ҳам унда сақланиб қолади.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ

Муаллифлик ҳуқуқи интеллектуал мулкка оид фан, адабиёт ва санъат асарлари, саҳнага қўйиш, ижро этиш, ёзиб олиш, тўлқин ва кабел (сим) орқали кўрсатувлар узатиш, эшиттириш ташкилотлари яратган маҳсулотлар ва улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади. Бу муносабатларда муаллиф, ҳуқуқ эгаси (жисмоний ёки юридик шахс), меросхўрлар, халқаро ташкилотлар, хорижий фуқаролар, юридик шахслар, давлатлар иштирок этиши мумкин. Муаллифлик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг тармоғи сифатида амалда бўлади. Амалдаги қонунчилик ва халқаро шартнома (конвенция)ларга кўра қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқининг объектлари ҳисобланади:

- бадий асарлар;
- драматик ва мусиқали драматик асарлар, саҳна асарлари;
- хореография асарлари ва пантомималар;
- матнли ва матнсиз мусиқа асарлари;
- аудиовизуал асарлар (кино-теле- ва видео-филмлар, суратли филмлар, диафилмлар ва бошқа кинотелеасарлар);
- рассомлик, ҳайкалтарошлик, сураткашлик асарлари, бадий безак, суратли ҳикоялар, қисқа матнли расмлар серияси, бошқа тасвирий санъат асарлари;
- амалий безак ва манзарали санъат асарлари;

— меъморчилик, шаҳар қурилиши ва истироҳат боғи қурилиши санъати асарлари;

— фотография асарлари ва фотография усулига ўхшаб олинган асарлар;

— электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) дастурлари, бошқа асарлар;

ЭҲМ учун дастурни қўриқлаш ЭҲМ дастурларининг барча турига, шунингдек, барча тилларда ва ҳар қандай шаклда ифодаланган ёки моддий шаклда ифодаланганидан қатъи назар бошловчи, матн ва объектив кодли амалий дастур ва операцияли системалар (тизимлар)га жорий қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи объектларига, шунингдек қуйидагилар киради:

— ҳосила асарлар, яъни таржима ва қайта ишловлар, тақризлар, рефератлар, қисқа хулосалар, шарҳлар, томоша, мусиқа мослаштирувлари ва бошқа фан, адабиёт ва санъат асарларининг қайта ишловлари;

— асарлар тўплами, яъни қомус, антология, маълумотлар йиғиндиси ва ижодий меҳнат натижасида материалларни танлаш ва жойлаштиришга оид бошқа таркибий асарлар.

Ҳосила асарлар ва асарлар тўплами улар асосланган ёки уларнинг таркибига кирадиган асарлар муаллифлик ҳуқуқининг объектига алоқадорлигидан қатъи назар, муаллифлик ҳуқуқи билан қўриқланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1043, Қонуннинг 7-моддасига кўра, муаллифлик ҳуқуқи билан қўриқланадиган асар талабларини қондирувчи асарларнинг қисмлари, уларнинг номи ва ҳосила асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектларидир.

„Ҳосила асарлар жумласига қуйидагилар киради:

— бошқа асарларни қайта ишлаш натижасида ҳосил этилган асарлар (ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шарҳлар; инсценировкалар, оранжировкалар ҳамда фан, ада-

биёт ва санъат соҳасидаги шунга ўхшаш бошқа асарлар);

— таржималар;

— материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва бошқа жамлама асарлар.

Ҳосила асарларнинг яратилиши учун асос бўлган ёки улар ўз ичига олган асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар ҳосила асарлар муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинади“ (1043-модда).

„Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайди:

— расмий ҳужжатлар (қонунлар, суд қарорлари, қонунчилик, маъмурий ва суд характеридаги бошқа матнлар), шунингдек, уларнинг расмий таржималари;

— давлат рамзлари ва белгилари (байроқ, герб, гимн, орден, медаллар, пул бирлиги белгилари ва бошқалар);

— халқ оғзаки ижоди асарлари;

— ахборот характерида эга бўлган воқеалар ва фактлар ҳақидаги маълумотлар“ (1044-модда).

Муаллифлик ҳуқуқи фан, адабиёт ва санъат асарларининг яратилиши билан юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва уни амалга ошириш учун асарни рўйхатдан ўтказиш, асарни бошқа кўринишида махсус ҳужжатлаштириш ёки бирон-бир расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди. Қонуннинг 16, Кодекснинг 1050-моддаларига кўра, алоҳида муаллифлик ҳуқуқининг эгаси ўзининг ҳуқуқларини кучайтириш мақсадида асарнинг ҳар бир нусхасида:

— айлана ичида ёзиладиган „С“ ҳарфини;

— алоҳида муаллифлик ҳуқуқи эгасининг исми (номини);

— асарнинг биринчи марта чоп этилган йилини кўрсатиб, шу уч унсурдан иборат бўлган муаллифлик ҳуқуқининг қўлланиши белгиларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзга далиллар бўлмаган тақдирда асарнинг асли ёки нусхасида кўрсатилган муаллиф шу асарнинг муаллифи ҳисобланади.

Асарнинг номсиз ёки тахаллус билан эълон қилинишида (муаллиф тахаллуси унинг шахсига шубҳа туғдирмаса) ношир ўзга далиллар бўлмаган тақдирда, асарда исми ёки номи кўрсатилган муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллиф ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уни амалга оширишни таъминлаш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу қоида муаллиф ўз шахсини ва асарга муаллифлик ҳуқуқини эълон қилмагунича ҳаракатда бўлади.

Юқоридагиларга кўра, муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижасида мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек баён қилиш усулидан қатъи назар фан, адабиёт ва санъат асарларига жорий этилади. Муаллифлик ҳуқуқига эълон қилинмаган бирон-бир объектив (ҳар қандай) кўринишида ифодаланган асарлар:

— ёзма (қўлёзма, машинка, нота ёзувлари ва ҳоказо);

— оғзаки (оммавий баён этиш, оммавий ижро этиш, яъни номуайян шахслар гуруҳи учун маълум қилинган);

— овоз ёки видеоёзув(механик, магнит, рақам, оптик ва ҳоказо), тасвир (расм,хомаки нусха, сурат, лойиҳа, чизма, харита, кино-телевидео ёки фото-манзара ва ҳоказо);

— моддий ҳажмли(ҳайкал, андоза, намуна, қурилма ва ҳоказо);

— бошқа шаклларга жорий қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, методлар, жараён-

лар, тизимлар, усуллар, концепциялар, принциплар, кашфиётлар, фактларга нисбатан жорий этилмади.

Асарнинг ўзида айнан шу мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи акс эттирилган асарларга муаллиф ҳуқуқи дахлдор эмас.

Муаллифлик ҳуқуқи амал қилиш соҳасига кўра:

— муаллифларнинг ва уларнинг ҳуқуқий ворисларининг фуқаролигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эълон қилинган ёки бирон-бир объектив шаклда бўлган асарларга татбиқ қилинади;

— Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқарида эълон қилинган ёки бирон-бир объектив шаклда бўлган асарларга татбиқ қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган муаллифларга (уларнинг ҳуқуқий ворисларига) тегишли деб тан олинади.

Башарти, асар Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқарида биринчи марта эълон қилинган кундан сўнг, ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикасида эълон қилинса, асар эълон қилинган деб ҳисобланади.

Бу норма конвенция ва халқаро шартномаларда „**миллий тартиб**“ нормаси деб ўрнатилган. Агарда, Ўзбекистон бирон-бир конвенцияга аъзо бўлиб қўшилса, ўша кундан эътиборан республикада хорижий муаллифлар ҳуқуқлари ва асарлари ҳимоясига киришилади.

ПРОКУРОРЛИК НАЗОРАТИ ЮРИТИЛАДИГАН МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҚОНУНЧИЛИГИ ТИЗИМИ

Амалдаги барча қонунчилик устидан прокурорлик назоратининг ўрнатилиши авваламбор қонунларнинг ижрога қаратилишини таъминлайди. Хусусан, амалдаги муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчилик устидан прокурорлик назоратининг ўрнатилиши бевосита

муаллифлар, уларнинг меросхўрлари ва муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланадиган барча жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқ рўёбга чиқарилишига имкон яратади. Прокурор назорат қиладиган муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги ва қонун ости ҳужжатларини қуйидаги тизимга жойлаштириш мумкин.

Муаллифлар ва уларга тенглаштирилган субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар:

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (IV-бўлим, 1041—1081-моддалар);

— 1994 йил 5 майдаги „Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида“ги Қонун;

— 1995 йил 22 декабрдаги „Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида“ги Қонун;

— 1996 йил 30 августдаги „Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида“ги Қонун;

— 1996 йил 30 августдаги „Ноширлик фаолияти тўғрисида“ги Қонун;

— 1997 йил 24 апрелдаги „Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида“ги Қонун;

— 1998 йил 29 августдаги „Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида“ги Қонун;

— 1998 йил 25 декабрдаги „Оммавий ахборот воситалари тўғрисида“ги Қонун ва бошқа қонунлар.

Юқорида кўрсатилган қонунларда белгиланган нормаларни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қонун ости ҳужжатларидан ҳам фойдаланилади.

Прокурорлик назоратининг предмети ҳисобланган **қонун ости ҳужжатлари** қуйидагиларга бўлинади:

— бевосита муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари-

ни тартибга солишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар (Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва йўриқ-номалари);

— айрим турдаги муаллифлик ҳуқуқига оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган („Ўзбеккино“ ДАК, Телерадиокомпания, Давлат матбуот қўмитаси ва бошқаларнинг) меъёрий ҳужжатлари;

— муаллифлар ҳуқуқларини бевосита ҳимоя қиладиган идоралар (Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Давлат Агентлиги ва бошқалар) нинг ҳуқуқий актлари.

Прокурорлик назоратининг предмети сифатида муаллифлик ҳуқуқига оид **халқаро шартнома ва битимлар** ҳам олиниши мумкин. Назорат предмети бўладиган халқаро битимларнинг нормалари қандай қўлланилаётганлигини ўрганиш учун Ўзбекистон Республикаси шу битимларга аъзо бўлиб киргандан сўнг киришилади. Республика халқаро муаллифлик ҳуқуқига оид тизимга кирганидан сўнг, мамлакатимизда „миллий тартиб“ принципи амал қилади. Бунга кўра муаллифлар ҳуқуқлари халқаро битимнинг аъзоси бўлган барча мамлакатларда бир хилда ҳимоя қилиниши лозим бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро битимлар кўп томонлама конвенция, икки томонлама шартнома, идоралараро шартномаларга бўлинади. Ҳозирги вақтда дунёда кўп томонлама халқаро конвенцияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

— бадий ва адабий асарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги Берн конвенцияси (1886 й.);

— Бутунжаҳон муаллифлик ҳуқуқи ҳақидаги Женева конвенцияси (1952 й.);

— ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва радио-телевидение ташкилотлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Рим конвенцияси (1961 й.);

— Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси (1996 й.);

— Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижрочилар ва фонограммалар бўйича шартномаси (1996 й.);

— Ернинг сунъий йўлдошлари орқали сигналлар ташийдиган дастурларни тарқатиш ҳақидаги Брюссел конвенцияси (1974 й.);

— ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг фонограммаларини қонунсиз ишлаб чиқарувчилардан ҳимоя қилиш ҳақидаги Женева конвенцияси (1971 й.);

— муаллифлик ҳуқуқига оид тўловларни икки мартаба солиққа тортмаслик ҳақидаги Мадрид конвенцияси (1979 й.);

— ЮНЕСКОнинг муаллифлик ҳуқуқига оид тавсияномалари;

— Бутунжаҳон Савдо Ташкилотининг Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспекти буйича шартномаси (ТРИПС Битими) ва бошқалар.

Маълумки, миллий қонунчиликда давлатлараро юзага келган муносабатларни тартибга солишда махсус нормалар мавжуд бўлмаса, халқаро шартномаларнинг нормалари қўлланади. Бундай ҳолларда прокурорлар эътиборларини ҳал этилаётган масалани ечишда халқаро нормалар татбиқ этилишининг қонунийлигига қаратмоғи лозим. Бунда назорат предмети сифатида эса муаллифларнинг шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқларига риоя этиш, асарларни айирбош-лаш, асар яратилишига доир муносабатлар, халқаро шартномалар ва бошқалар қаралиши мумкин.

Прокурорлик назорати муаллифлик ҳуқуқига оид **ҳуқуқбузарликни белгиловчи қонунлар** устидан ҳам ўрнатилиши лозим. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уни бартараф этишга қаратилган қонунчиликни қуйидаги тизимга жойлаштириш мумкин:

— фуқаролик ҳуқуқига оид қонунчилик;

— маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жавобгарликни белгиловчи нормалар;

— жиноий жавобгарликни белгиловчи нормалар.

Фуқаролик ҳуқуқи нормаларида муаллифларнинг тегишли ҳуқуқлари бузилиши оқибатида қуйидаги фуқаролик ҳуқуқий ҳуқуқбузарликлар келиб чиқиши белгиланган:

— ҳуқуқни бузиш;

— муаллиф номини кўрсатмасдан асардан фойдаланиш;

— муаллифликни ўзлаштириб олиш;

— муаллифлик ҳақини ўзлаштириб олиш;

— асарнинг матнига ўзгартириш киритиб фойдаланиш;

— асар нусхаларини рухсатсиз кўпайтириш;

— асар нусхаларини ғайриқонуний равишда ижарага бериш;

— асарни теле, радио, кабелли телевидениеда рухсатсиз намойиш этиш ёки эшиттириш;

— тузилган шартнома талабларини бажармаслик ва бошқалар.

Юқоридаги ҳаракатлар ва содир этилган ҳуқуқбузарликларни ҳуқуқ эгаси (муаллиф)нинг ёки прокурорнинг талаби билан ўз вақтида олдини олиш ёки ҳуқуқбузарлик содир этилишини давом эттириш тўхтатилиши мумкин. Бундай ҳолларда прокурор ўз ваколати доирасида назоратни амалга ошириш чоғида:

— бундай ҳаракатларнинг содир этилишига олиб келувчи ҳужжатлар ва материалларни талаб қилиб олишга;

— идоралар фаолиятини текшириш ва тафтиш этишни, текширишлар, экспертизалар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб этишга;

— мансабдор шахслар ва фуқароларни чақиртириб, қонун бузилишига доир оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга;

— ҳуқуқ эгаларининг аризаларини кўриб чиқишга;

— ҳуқуқ эгалари тақдим этган барча ҳужжатларни қабул қилиш ва ўрганишга ҳақлидир.

Албатта, муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги устидан прокурор назоратининг ўрнатилиши муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг тегишли ҳуқуқларини ҳар томонлама амалга оширилишига олиб келади. Бунинг учун эса прокурорлар томонидан ҳам соҳа қонунларини тарғиб қилиш, қонун нормаларини қўллашга оид тегишли тушунтиришлар олиб бориш жуда муҳим. Жамият қонунчилик ҳақида қанча кўп хабардор бўлса, ҳуқуқбузарликлар шунча кам содир этилади.

МУАЛЛИФЛИК ЛИЦЕНЗИЯ ШАРТНОМАЛАРИ

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишда бир қатор усул ҳамда воситалардан фойдаланилади. Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг энг кенг тарқалган шакли шартномалардир. Муаллифлик шартномалари муаллифлик ҳуқуқининг объектларидан фойдаланиш ёки шу объектлар (асарлар) ни яратиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Муаллифлик шартномаси тайёр асар учун ёки муаллиф яратишни ўз зиммасига олган асар учун тuzилади. Асардан фойдаланишга рухсатнома бериш тўғрисидаги шартнома эса лицензия шартномаси ҳисобланади. Лицензия шартномалари асардан тўғри ва айрим муддатларгагина фойдаланишга йўл қўяди. Лицензия шартномаси мажбурий характерга эга бўлиб, унинг талаблари тўлиқ бажарилиши лозим.

Ўзбекистонда қонунчиликка кўра у ёки бу фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия бериш тартиби ишлаб чиқилган. **Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 апрел кундаги 215-сонли қарорига кўра лицензия бериш амалга оширилади.** Ушбу қарорга кўра муаллифлик ҳуқуқига оид муносабатларда фаолият кўрсатиш учун юридик шахсларнинг лицензия

олишлари қуйидаги ташкилотлар орқали амалга оширилади:

„Ўзбеккино“ Давлат Акционерлик Компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 29 апрелдаги Фармони 4-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июн кундаги 247-сонли қарори асосида юридик шахс бўлган ташкилотларга кино-видео фаолият учун ҳукумат номидан беш йил муддатга лицензия беради. Лицензия асосан кино, видео ва бошқа фильмларни суратга олиш, намойиш этиш, шу соҳа маҳсулотларини сотиш, ижарага бериш учун олинади. „Ўзбеккино“ ДАК томонидан 1998 йил 1 мартга қадар 1727 та лицензия берилган. Шундан, 338 та лицензия асосий фаолият билан шуғулланиш учун, 1338 та лицензия эса савдо, ижарага бериш шахобчалари фаолияти учун берилган.

Кино-видео фаолият учун лицензиялар бериш ва рўйхатга олиш тўғрисидаги тартиб „Ўзбеккино“ ДАК раиси томонидан тасдиқланган ва 1997 йил 15 октябр куни 371-сонли рақам билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган.

Теле, радио, кабелли студиялар очиш ва эшитириш ҳамда кўрсатувларни эфирга узатиш билан шуғулланувчилар Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги 293-сонли „**Маълумотларни узатиш, теледастурларни тарқатишни такомиллаштириш, частотали спектрлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**“ - ги қарорига кўра лицензия оладилар. Вазирлар Маҳкамаси қошида махсус комиссия бўлиб, комиссия лицензия бериш ва унга риоя этишни назорат қилиб боради. Лицензияси бўлган, лекин ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун комиссия 1998 йил 23 декабрга қадар тартибни бузган 25 та теле, радио ва кабелли студияларнинг лицензиясини бекор қилди.

Концерт-гастрол ва эстрада фаолияти билан шу-

фулланмоқчи бўлганлар „Ўзбекнаво“ гастрол-концерт эстрада бирлашмаси орқали Вазирлар Маҳкамаси томонидан беш йил муддатга лицензия оладилар. Ноширлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлганлар эса Давлат матбуот қўмитаси томонидан лицензия оладилар.

Лицензия асосида хорижий мамлакатлардан олиб келиниб таржима қилинган, ёзиб олинган, нусхаси кўпайтирилган асарлар бошқа мамлакатларга тижорат мақсадларида ёки ижара объекти сифатида чиқарилиши мумкин эмас.

Лицензиялар фақат битта ҳаракат учун берилади. Масалан, фильмни суратга олиш учун берилган лицензиядан асарни сотиш, ижарага бериш, фильмни намойиш этиш ва бошқа ҳаракатлар учун фойдаланиш мумкин эмас. Прокурорлар лицензия шартномаси асосида фаолият юритаётган идораларда назорат олиб бораётганларида қўйидагиларга эътибор беришлари лозим:

— лицензия шартномаси ваколатли орган томонидан берилганлигини текшириш;

— лицензия шартномасининг муддатини аниқлаш;

— лицензия шартномасида қандай фаолият турлари белгиланганлигини аниқлаш;

— лицензия шартномаси айнан қайси корхона учун берилганлигини кўриш;

— асоссиз ёки қалбаки лицензия билан иш юритаётган корхоналарнинг борлигини аниқлаш;

— лицензия шартномасига кўра ҳуқуқ эгаларига тўланаётган ҳақ миқдорини текшириш;

— асарлардан фойдаланиш натижасида олиб борилган молиявий ҳисоботларнинг юритилиши ва давлат бюджетига ўтказилган ҳақнинг миқдорини аниқлаш.

Прокурорлар юқоридаги ҳолатларда қонунбузарликни аниқласа, лицензияни тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш тўғрисида уни берган органга тақдим-

нома киритишлари мумкин. Шунингдек, лицензиядан ташқарида олиб борилган фаолият аниқланган тақдирда даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, ҳуқуқ эгасига ёки давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақида талаб қўйишлари ҳам мумкин.

Лицензия шартномаси давлатлараро муносабатларни ўрнатишда ҳам ҳуқуқий ҳимоя воситаси ҳисобланади. Халқаро лицензиялар алоҳида назоратга олиниши лозим. Чунки лицензияда қатнашувчи томонларнинг бири хорижий шахс ҳисобланади. Халқаро муаллифлик ҳуқуқи нормаларига кўра ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор бўлган фуқаро ёки юридик шахсга жавобгарлик юклатилмайди. Бундай ҳолларда жавобгар ва даъвогар сифатида фақат давлатлар қатнашади.

САНЪАТДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ

Республикамизда мулкчиликнинг турли кўринишларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, сўнгги вақтларда интеллектуал мулкнинг башарият олдидаги ўрни ва инсониятнинг ривожланишидаги салоҳияти муҳимдир. Давлатимиз раҳбариятининг саъйи-ҳаракатлари билан яратилган қонунчилик асослари нормаларининг халқаро ҳуқуқ нормаларига яқинлаштирилганлиги мамлакатимиз ҳудудида барча муаллифлар ҳуқуқларини бир хилда ҳимоя қилишга имкон яратади. Биз ўқувчилар диққатини қонунчилик асосида ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган, оммавий ижрочилик билан шуғулланувчи шахслар фаолиятининг ҳуқуқий мезонига қаратмоқчимиз. Қонунчиликка кўра ижрога нисбатан бўлган ҳуқуқ артистларга, саҳналаштирувчи-режиссёрларга, дирижёрларга, шунингдек уларнинг меросхўрларига тегишли бўлади, ижронинг ёзуви (аудио, видео)га бўлган ҳуқуқ

шу ёзувни амалга оширган шахсларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари оқибатида асарларнинг дахлсизлиги бузилиши, кўчирмачилик, асарларга тақлид қилиш, ўзгаларнинг асарларини (муסיқа, шеър, оранжировка) ўзлаштириб олиш (плагиат) ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар содир этилмоқда. Бу эса ўз навбатида миллий бойлик ҳисобланган санъатимиз, адабиётимиз, маданиятимизнинг савиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, савияси паст асарларнинг яратилиши ҳам асарларимизнинг репертуар базаси яратилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қонунчиликка кўра шеър, муסיқаси, оранжировкаси омма олдида ижро этилган фуқаролар „**муаллифлар**“ деб, асарни ижро этганлар эса „**ижрочилар**“ деб тан олинади. Муаллиф ва ижрочи бўлиш учун бирон-бир расмиятчиликка (маълумоти ҳақида ҳужжат, гувоҳнома, рухсатнома ва бошқаларни кўрсатиш лозимлиги) йўл қўйилмайди.

„Қонунчиликда ижрочининг қуйидаги ҳуқуқлари мустаҳкамланган:

— ижро вақтида, ижро нусхаларида, ижро трансляция қилинаётганда ёки такрорланаётганда унинг исми-шарифини кўрсатиш;

— асарни бузиб ижро этишдан ҳимоя қилиш;

— ижродан фойдаланишни амалга ошириш ёки фойдаланишга рухсат бериш.

Ижродан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги амалларга рухсат бериш ҳуқуқини ўз ичига қамраб олади:

— ижрони эфир ва кабел орқали трансляция қилиш;

— ижрони техника воситалари ёрдамида ёзиб олиш;

— ижро ёзувини кўпайтириш ва унинг нусхаларини тарқатиш.

Ижрочилар юқоридаги ҳуқуқларини ижро этила-

ётган асарлар муаллифларининг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширадилар“ (1077-модда).

Ижрони аудио, видео ва бошқа усулда ёзиб олишга фақат ижрочиларнинг розилиги билангина йўл қўйилади.

Миллий ижрочилик санъатининг қай даражада ривожланиши ҳам муаллиф ва ижрочиларга берилган юқоридаги ҳуқуқларнинг қай даражада рўёбга чиқарилиши ҳамда ҳимоя қилинишига боғлиқ. Бизнинг назаримизда шу кунгача яратилган ва ижро этилган, миллий бойлигимизга айланган кўшиқ, куй, мусиқа, драматургия ва бошқа жанрдаги санъат асарларимизнинг миллий репертуар базасини яратиш лозим. Миллий репертуар базада ҳар бир шоир, бастакор, ижрочи ва уларнинг яратган асари, асарнинг ижро этилган вақти, жойи, халқаро доирада ижро этилганлиги ҳақидаги маълумотлар жой олади. Репертуар базанинг яратилишидан мақсад биринчидан, шу асарлар дахлсизлигини таъминлаш бўлса, иккинчидан асарлардан теле, радио, кабелли теле-студия, ресторан, бар, кафе, дискотека ва бошқа жамоат жойларида кундалик дастурларга киритилиб фойдаланилганда тегишли муаллифлик ва ижрочилик ҳақлари ундиришга замин яратишдир. Бу эса ўз навбатида муаллифлик ҳуқуқларини бошқаришга қаратилган қадамдир.

Қонунчиликка кўра муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари зиммасига муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бошқариш юклатилган ташкилотларни тузишлари мумкин. Бундай ташкилотлар ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартнома асосида ўзларига берилган ваколатлар доирасида ҳуқуқ эгаларининг манфаатини ифода этадилар. Бу ташкилотлар тижорат фаолияти билан шуғулланишга ва асарлардан фойдаланишга ҳақли эмас. Ташкилотлар бошқа шахслар (фойдаланувчилар)га асарлар-

дан ёки турдош ҳуқуқлар объектлари (аудио, видео кассеталар, грампластинкалар, компакт дисклар ва бошқалар)дан фойдаланишнинг усуллари учун лицензия (рухсатнома)лар берадилар. Айни вақтда республикамизда муаллифлар ва ижрочилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, уларнинг мулкани бошқарувчи, асарлар ижросини назорат ва тарғиб қилувчи шундай ташкилотни тузиш эҳтиёжи сезилмоқда. Ҳозирги вақтда деярли барча теле, радио, кабелли студиялар, ресторан ва бошқа умумий овқатланиш жойларида асарлардан ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз фойдаланишмоқда ва тегишли муаллифлик ва ижрочилик ҳақлари тўланмайди. Бу хатти-ҳаракатлар эса тўғридан-тўғри қонун талабларини бузишдир.

Қонунчиликнинг юқоридаги талаби муаллифлар ва ижрочилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро конвенцияларда ҳам мустаҳкамланган. Масалан, 50 дан ортиқ давлат аъзоси бўлган „Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва радио-телевидение ташкилотлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида“ги 1961 йилги Рим Конвенциясининг асосий мақсади тобора кенгайиб бораётган овоз ёзиш ва уларни тарқатиш борасида ижрочи-санъаткорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Конвенция ижрочилар томонидан асарларни ижро этишда, фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг фонограммалари ва кўрсатув, эшиттирувчи ташкилотлар дастурларини ҳар қандай ҳолатда ҳимоя қилишни таъминлайди. Конвенцияга кўра артистлар, кўшиқчилар, мусиқачилар, раққослар ва бошқалар ўзлари розилик билдирмаган ҳар қандай ҳаракатлардан ҳимоя қилинадилар.

Рим конвенцияси ва шу соҳада ҳаракатда бўлган бошқа конвенция ва шартномалар талабига кўра, республикамиз муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги конвенцияларга аъзо бўлиб

кирганидан сўнг „миллий тартиб“ принципи нормасига кўра, давлатимиз зиммасига хорижий муаллиф ва ижрочиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятлари юклатилади. Унда ҳар бир хорижий асарнинг рўйхати юритилиб, ижро этилган ҳудуд, жой, вақт ва усуллари ҳақидаги маълумотлар тўпланади ҳамда хорижий муаллиф ва ижрочиларга улар хоҳлаган валютада муаллифлик ва ижрочилик ҳақи тўланади. Энг асосий талаб, республикамиз ҳудудига хорижий асарлар фақат лицензия шартномаси орқалигина олиб кирилади. Давлат номидан ижрочиликдаги назоратни ҳам юқорида таклиф этилган *„муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқарувчи ташкилот“* олиб бориши мумкин.

Давлатимиз соҳа конвенцияларига аъзо бўлганида маҳаллий муаллиф ва ижрочиларимиз асарлари республикадан ташқарида ижро этилганда ҳуқуқ эгаларига тегишли ҳақларни ҳам шу ташкилот ундириб беради ва тақсимлайди. Шунингдек, бу ташкилот зиммасига яратилган асарларнинг савияси, ғоявий-ахлоқий мазмуни ва бошқа жиҳатларини ўрганиб бориш, экспертизадан ўтказиш, баҳо бериш каби масалаларни ҳал этиш вазифасини юклатиш мумкин. Тузилажак жамоа ташкилоти шоир, драматург, бастакор, ижрочиларимизни боқимандалик кайфиятидан қутқазиб, бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида адолатли равишда ўзлари томонидан яратилган ҳар бир асарнинг ижроси учун тегишли муаллифлик ҳақини олиш имконини беради. Бу эса муаллифларимиз ва ижрочиларимизнинг конституцион шахсий мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида катта қадам ҳисобланиб, шу билан бирга, миллий санъатимизнинг барча соҳалари умумжаҳон бадий ва ҳуқуқий андозаларига мос равишда равнақ топишига замин яратиши шубҳасиздир.

АСАРЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРО- КУРОРНИНГ ИШТИРОКИ

Фуқаролик кодексининг 1046-моддаси ва Қонуннинг 10-моддасида муаллифлик презумпцияси (дахлсизлиги) ҳақида тегишли қоида белгиланган. Бунга кўра, асар биринчи марта эълон қилинганда муаллиф сифатида кўрсатилган шахс асар муаллифи деб ҳисобланиши, асар имзосиз ёки тахаллус остида эълон қилинган тақдирда муаллифлик ҳуқуқи юзага келиши кўрсатиб ўтилган. Қонуннинг 20-моддасида эса асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ қуйидагича таърифланади:

Муаллиф ўз асарига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, асарга ўзининг розилигисиз бирон-бир шахс томонидан ўзгартишлар ёки қўшимчалар киритилишидан асарини ҳимоя қилиш борасида алоҳида ҳуқуққа (асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа) эгадир.

Асарларнинг дахлсизлигига қуйидаги йўналишларда путур етказилиши мумкин:

1. Асарни нашр этиш, қайта нашр этиш, таржима қилиш вақтида, яъни, ноширлик фаолиятида асар дахлсизлигига путур етказиш.

Бу турдаги асарлар жумласига адабиёт асарлари (наsr ва назм асарлари, илмий адабиёт ва бошқалар), мусиқа, драматик асарлар, сурат ва фотография асарлари, буклет, календар, плакатлар, реклама маҳсулотлари, компьютер дастурлари ва маълумотлар базалари, тўпламлар, антология ва бошқалар киради.

Асарларни чоп этувчилар муаллифлик шартномаси тузмасдан, лицензия олмасдан муаллиф ёки ҳуқуқ эгасининг розилигисиз, асар матнларига ўзгартириш киритиш (тўлдириш, олиб ташлаш) каби ғайриқонуний ҳаракатлар содир этадилар. Прокурор бундай

ҳаракатларнинг қонунийлигини текшириш мақсадида нашриёт, босмаҳона, реклама агентликлари, газета, журнал таҳририятлари, идора ва ташкилотларга қарашли шундай корхоналардаги мавжуд тегишли ҳужжатларни талаб қилиб олиши, таҳлил этиши, ҳар бир асар юзасидан лозим даражада қонун нормаларининг қўлланиши билан боғлиқ маълумотларни олиши керак бўлади. Аниқланган ҳолатлар юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳужжатлар қабул қилади.

2. Эълон қилинмаган асарларни оммавий ижро этишда асарларнинг дахлсизлигига путур етказиш.

Эълон қилинмаган асарлар дейилганда, нашр этилмаган ёки муқаддам эълон қилинмаган асарлар тушунилади. Асарлар кўшиқ, оммавий ижро ёки саҳналаштириш тариқасида оммага етказилаётганда тегишли ғайриқонуний ҳаракатлар юзага келади. Бунда асар муаллифи номини ўзгартириш, асар матнига ўзгартириш ёки кўшимча киритиш ёхуд асарни олдин ижро этилган асар мусиқаси жўрлигида ижро этиш тушунилади. Шунингдек, ушбу ҳаракатлар шартнома тузмасдан асардан фойдаланилганда ҳам юзага келиши мумкин. Прокурор шахсан ёки ҳуқуқ эгасининг хабарига кўра ушбу ҳаракатларнинг давом этишини олдини олиш, ҳаракатларни тўхтатиш ёки ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўриш тўғрисида ўз ваколати доирасида ҳужжатлар қабул қилиши лозим. Бу йўналишдаги ҳуқуқбузарлик ва ҳаракатлар театр, бар, кафе, дискотека, кино-видео корхоналари, истироҳат боғлари ва бошқа оммавий йиғинлар ўтказиладиган жойларда содир этилади.

3. Телевидение, кабелли телевидение, радиостанция ва киностудияларда асарларнинг дахлсизлигига путур етказиш.

Асримизнинг сўнгги йилларида телевидение ва радио эшиттириш ташкилотларининг моддий бойлик орттириш йўлидаги рақобатлари сезиларли ра-

вишда кучайди. Тегишли ахборот бозорини эгаллаш, ўз томошабинларига эга бўлиш натижасида монополияга интилиш бу ташкилотлар учун одат тусига кириб бормоқда. Республикада бир қатор давлат, тижорат, хусусий телевидение ва радиостанциялар фаолият кўрсатмоқда. Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг бир қатор тегишли нормаларига риоя этиши лозим бўлган бу ташкилотларда юзлаб асарлардан истеъмол объекти сифатида фойдаланилмоқда. Телевидениеда асарлар (кўшиқ, мусиқа, фильм ва бошқалар) матни ўзгартирилиб ёки бошқа муаллифлар асарларига тақлид қилиб, асарлар матнини ўзгартириб, таржима қилиб ижро этиш ҳамда намоиш этиш каби қўпол равишда ғайриқонуний ҳаракатлар содир этилаётгани сир эмас. Телевидение, радио, кабелли телевидениелар мавжуд ҳимоя қилинадиган асарлардан парчалар олиб, тижорат мақсадларида, хусусан, рекламада кенг фойдаланилмоқда. Бу ҳаракатлар қонун билан қўриқладиган асарлар дахлсизлигига путур етказмоқда. „**Реклама тўғрисида**“ги Қонуннинг 10-моддасида рекламага нисбатан муаллифлик ҳуқуқи белгиланган. Қонуннинг 6-моддасида рекламадан, агар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, бошқа маҳсулот рекламасида қўлланиладиган умумий ечим, матн, тасвир, мусиқали ёки овозли оҳанглари айнан такрорлаш (тақлид қилиш ёки ўхшатма қилиш) тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Прокурор теле, радио, кабелли телевидениеда асарлар дахлсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

— намоиш этиладиган ёки эшиттириладиган асардан фойдаланишга рухсат берувчи ҳужжатнинг борлигини текшириш;

— муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси тугамаган асарлар ҳақидаги маълумотларни кўриш;

— асарлар репертуари ва муаллифлар рўйхатини текшириш;

— муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилот ёки ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартномаларнинг мавжудлигини текшириш;

— хорижий муаллифлар асарлари ҳақидаги маълумотларни кўриш;

— реклама маҳсулотларини текшириш ва бошқалар.

Телевидение ёки радиода асар ва фонограммаларнинг сохталаштирилган (контрафакт) нусхаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Сохталаштирилган нусхалар албатта ҳуқуқ эгасининг розилигисиз муомалага чиқарилган бўлади. Ҳозирги вақтда республикада ана шундай сохталаштирилган асар нусхаларидан фойдаланиш кўпайиб бормоқда.

Кино-видео фаолият соҳасида ҳам шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликлар содир этилмоқда. Ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмлар яратилишида асар яратувчилари ўзга асарлардан парчалар олиб, тасвир ёки муסיқалардан фойдаланиб, тегишли муаллифликни ўзлаштириб олишгача бориб етмоқдалар. Фильмлардан парчалар олиб тижорат мақсадларида рекламада фойдаланиш авжига чиққан. Бу ҳаракатлар эса ўз навбатида тегишли ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Прокурор бу ҳаракатларнинг олдини олиш ёки тўхтатиш тўғрисида протест, тақдимнома, амрнома ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиши мумкин.

Қонун бузилганлиги аниқланган тақдирда прокурор ўз ваколати доирасида:

— идора ва корхоналар ҳужжатларига, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан протест келтиришга;

— қонунда белгиланган тартибда барча турдаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар қўзғатишга, кўриб

чиқиш учун материалларни жамоатчилик муҳокамасига топширишга;

— қонун бузиш ҳолларига чек қўйиш тўғрисида амрнома беришга;

— қонун бузилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишга;

— ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судлар ёки хўжалик судларига ариза билан мурожаат этишга;

— прокурорлик назорати амалга оширилмайдиган давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг норматив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос эмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат этишга ҳақлидир.

МУАЛЛИФЛАР МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ МУАММОЛАР

Ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли ҳуқуқни ўз хоҳишига кўра шахсан амалга оширишга ҳақлидир ёки у ўз ҳуқуқларини муаллифлар ҳуқуқларини жамоа бўлиб бошқарувчи ташкилотлар орқали ҳам ҳимоя қилиши мумкин.

Муаллифлар, ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг мулкий ҳуқуқларини таъминлаш доимо муаммо бўлиб келган. Ҳуқуқ эгалари ўз мулкий ҳуқуқларини тасарруф этишларида қуйидагиларни амалга оширишлари лозим бўлади:

— фойдаланувчилар билан муаллифлик ҳақининг миқдори ва шартларини белгилаш учун рухсатнома бериш;

— фойдаланувчилардан тегишли муаллифлик ҳақларини йиғиб олиш;

— ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа ҳар қандай ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш.

Ўзбекистонда муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Давлат Агентлиги томонидан амалга оширилмоқда. Лекин, муаллифлар ва ижрочиларнинг асарларидан фойдаланиш учун уларга бериладиган тегишли ҳақ миқдорларининг қатъий белгиланмаганлиги сабабли телевидение, радио, овоз ёзиш студиялари, умумий овқатланиш корхоналари ва бошқа жойларда тартиб ўрнатилган эмас. Қонунчиликка кўра, муаллиф (ҳуқуқ эгалари) ларга юқорида кўрсатилган ташкилот ва корхоналар, ўзлари топаётган даромадлардан маълум миқдорда муаллифлик ва ижрочилик ҳақларини тўлаб туришлари лозим. Ҳақ миқдори эса шартномада келишув орқали белгилаб қўйилади.

Шундай маблағ муаллифларга уларнинг асарларидан нусха кўпайтирадиган корхоналар — чинни, шиша, пластмасса, ёғоч буюмлар ишлаб чиқарадиган фабрика ва заводлар, тўқимачилик ва тикувчилик, амалий-безак санъат асарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ва бошқа жойлардан ҳам ўтказилиши лозим.

Прокурорлар ўзлари назорат олиб бораётган ҳудудларда прокурорлик назоратини ўрнатиш мақсадида қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари лозим:

— муаллифлик ҳуқуқининг объектлари ҳисобланган асарлардан фойдаланувчи корхоналарнинг рўйхатини олиш;

— корхоналарнинг асарлардан фойдаланишга рухсат берувчи ҳужжатларининг қонунийлигини кўриб чиқиш;

— корхоналарнинг асарлардан фойдаланишлари натижасида олинадиган даромадлари ҳақидаги молиявий ҳужжатларини текшириш;

— муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларига тўланаётган ҳақларнинг тўлов ҳужжатларини ўрганиш;

— асарлардан фойдаланувчиларда мавжуд бўлган асарларнинг рўйхатини текшириш ва бошқалар.

Қонунчиликка кўра, юқорида кўрсатилганларнинг бўлмаслиги прокурор томонидан таъсир чоралари кўрсатишга асос бўлади.

Асардан ҳар қандай усулда ва шаклда фойдаланишга албатта шартнома тузгандан сўнг йўл қўйилади. Қонуннинг 46-моддасида ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузмасдан асардан фойдаланилган тақдирда қоидабузар ҳуқуқ эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши, бой берилган фойдани қоплаши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Муаллифнинг ҳақ олиш ҳуқуқи асосий ҳуқуқлардан бири ҳисобланади ва прокурорлар унга доимий равишдаги назорат предмети сифатида қарашлари лозим. Муаллифлик шартномалари ва лицензия шартномалари ҳуқуқий восита сифатида прокурор томонидан назорат қилиб борилиши, ноқонуний тузилган шартномалар эса бекор қилиниши даркор. Асардан фойдаланувчилар билан ҳуқуқ эгалари ўртасида ўрнатиладиган ҳар қандай муносабатлар фақат шартномаларда мустаҳкамланиши керак.

Бу эса Ўзбекистонимизда қурилаётган ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий қирраларидан биридир.

**Божхона идораларида қонунларнинг ба-
жарилиши устидан прокурор
назорати**

(Ўқув-услубий қўлланма)

Халқаро муносабатлар тараққиётининг ҳозирги даври дунёнинг ижтимоий-иқтисодий тизимида юз бераётган чуқур жараёнларни акс эттирувчи муҳим сифат ўзгаришлари билан характерланади. Шу сабабдан, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш яққол заруриятга айланиб бормоқда.

Давлатнинг халқаро фаолиятига бевосита алоқадор бўлган соҳалардан бири божхона ишларини йўлга қўйиш соҳасидир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан турли соҳаларда халқаро ҳамкорлик қилиб, ютуқларга эришиши маълум даражада божхона масалаларининг халқаро ва миллий миқёсларда қанчалик муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқдир. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг кенгайтирилиши, республика ташқи савдо обороти ҳажмининг кўпайтирилиши, туризм ва меҳнат миграциясининг ривожлантирилиши шулар жумласидандир.

Божхона органлари фаолияти бир қатор халқаро ва давлатнинг ички норматив актларида тўлиқ акс эттирилган. Бу ҳолат ҳозирги шароитда уларнинг роли ва моҳияти ошиб бораётганидан далолат беради. Кейинги пайтларда биз **„тариф ва савдо бўйича бош битим“**, **„божхона ҳудуди“**, **„божхона чегараси“**, **„Божхона режими“**, **„транзит савдо“** ва шу сингари кўпгина махсус терминларга тез-тез дуч келмоқдамиз.

Ушбу қўлланма божхона қонунлари ижроси устидан ўтказиладиган назоратни таъминлаш бўйича прокурорларнинг умумий назорат фаолиятига, божхона муносабатлари субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга ҳамда ушбу муносабатларни ҳуқуқий йўлга қўйишга тааллуқли бир қатор масалаларни кўриб чиқишга бағишланган.

I. БОЖХОНА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар тизими ташқи ва ички сиёсат соҳасидаги давлат монополиясига мос равишда вужудга келтирилади ва республиканинг барча божхона органлари фаолиятини белгилловчи асосни ташкил этади. Божхона органлари зиммаларига юклатилган вазифаларни бажара бориб, давлатимиз юриётган ташқи ва ички сиёсатнинг таркибий қисми бўлмиш божхона сиёсатининг асосий мақсадларини амалга оширишга кўмаклашадилар.

Собиқ Иттифоқнинг Божхона хизмати маълум анъаналарни вужудга келтирган ва бу соҳада юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб чиқарган эди. Шу сабабдан у сўнгги давларгача миллий, ҳозирда эса мустақил давлатлар божхона хизматининг тараққиёт босқичларидан бири бўлиб келди.

Ўша даврда божхона ишларини йўлга қўйиш масалалари, яъни мамлакатнинг турли ҳудудларидаги божхона органлари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг тактикаси хусусидаги норматив актлар Божхонанинг марказий аппарати ҳамда собиқ Иттифоқ Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда Ташқи савдо вазирлиги томонидан тайёрланар ва қўйи идораларга ижро учун жўнатиладди. Бундан ташқари, собиқ Иттифоқ ҳудудида божхона ишларини бошқариш ҳам Ташқи савдо вазирлиги қўлида бўлиб, унинг таркибидаги Божхона Бош бошқармаси томонидан амалга ошириларди (Божхона кодекси, 1964 йил, 1-модда).

Ҳозирги даврда Божхона қонунчилигининг ҳолати шундайки, собиқ Иттифоқнинг баъзи республикалари ҳозирги кунларгача бу соҳада янги кодекслар ёки қонун актларини қабул қилмадилар. Кўпгина республикалар ва шулар қатори Ўзбекистон ҳам

ўзларининг бу соҳадаги миллий қонунлар базасини яқиндагина бунёд этдилар.

Хўш, Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган 8 йили мобайнида божхона органларининг ҳуқуқий ҳолати қандай ўзгарди?

Биринчи босқичда божхона Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Моддий-товар бойликларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишини назорат қилиш Давлат комиссиясига айлантирилди. Бу иш божхонани Давлат бошқаруви органидан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига айлантиришдаги биринчи қадам эди.

Иккинчи босқичда, яъни 1994 йилнинг октябрида Давлат Божхона қўмитаси ташкил этилди. Унинг ходимлари асосан ички ишлар органлари ходимлари орасидан танлаб олинди.

Божхона органларини бунёд этишнинг учинчи босқичи уларнинг хазинадорлик вазифаларига тўлиқ мос келди, шу сабабдан Давлат Божхона қўмитаси (ДБК) Божхона Бош бошқармаси раисига айлантирилди ҳамда Давлат солиқ қўмитаси таркибига киритилди. Божхона Бош бошқармаси бошлиғи бир вақтнинг ўзида Давлат Солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари, деб ҳисобланадиган бўлди.

Тўртинчи босқичда эса, яъни 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг „**Давлат божхона хизмати тўғрисида**“ги қонуни қабул қилингач, божхона органлари қонуний равишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мақомини олдилар. Ўша қонуннинг 3-моддасида шундай дейилган: „*Божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардир ва улар давлат бюджети маблағларидан таъминланадилар*“.

Божхона органларининг вазифалари ҳамда ролининг ўзгартирилиши уларнинг давлат тизимидаги ҳуқуқий базасининг кенгайтирилишига олиб келди. Бу эса уларнинг Ўзбекистондаги божхона тизимининг фаолияти соҳасидаги бир турдаги ижтимоий

муносабатларнинг муҳофазасига йўналтирилган ҳуқуқий нормаларнинг мустақил гуруҳига қўшилиб кетишлари учун лозим бўлган миқдорий-сифатий шарт-шароитларни вужудга келтирди.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган „**Божхона кодекси**“да божхона қонун-қоидаларига қилиниши мумкин бўлган 39 та тажовуз таҳлили қамраб олинган бўлиб, улар ҳуқуқий адабиётларда „*божхонага оид ҳуқуқбузарликлар*“, деб номланган. Аммо „**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс**“да улар учун фақат битта норма кўзда тутилган, холос (МЖТКнинг 227-моддаси).

Божхона ишларини йўлга қўйишнинг норматив негизини бунёд этиш қонунлар қабул қилиш билан чегараланмади. Қабул қилинган қонунларни ижро этиш бўйича чиқарилган норматив актларга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Божхона ишлари ўз таркиби ва тизимига кўра жуда мураккаб, кўп қисмли бўлиб, комплекс характерга эгадир. Шу сабабдан бу соҳадаги ижтимоий муносабатлар ҳам бир хил эмас. Улар божхона ишининг у ёки бу қисмининг ўзига хослигини акс эттирадилар. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқий адабиётларда ижтимоий муносабатларнинг божхона ишларини йўлга қўйиш соҳасига тааллуқли 14 та гуруҳи фарқланади¹.

Келинг, божхона органини ижтимоий муносабатларни божхонавий йўлга қўйиш соҳаси бўйича фаолият кўрсатадиган давлат бошқаруви органи сифатида кўриб чиқайлик.

Масалан, „**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс**“нинг 23-моддасида жарима тариқасидаги маъмурий жазо, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай қурол бўлган ашёни ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш

¹ Таможенное право. Под редакцией Б.Н.Габричидзе . Москва. 1995 г.

ёки мусодара қилиш жазоси, муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш, маъмурий қамоққа олиш жазолари кўзда тутилган. „Божхона кодексининг 132-моддасида эса бундан фарқли равишда *„ушбу Кодексда назарда тутилган айрим фаолият турларини амалга ошириш учун божхона органи томонидан берилган лицензия ёки малака шаходатномасини (чақириб) қайтариб олиш“* ҳам жазо тури сифатида кўзда тутилган. Аммо бизнинг фикримизча, божхона органи томонидан берилган лицензия ёки малака шаходатномасини қайтариб олиш „Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс“ да тилга олинмаганлиги учун унинг маъмурий жазо сифатида кўрилиши мумкин эмас.

Шундай экан, лицензияни ёки малака шаходатномасини қайтариб олиш тўғрисидаги қарор ижтимоий муносабатларни божхонавий йўлга солиш соҳасида фаолият кўрсатаётган давлат бошқарув органининг қарори сифатида баҳоланиши лозим.

Агар шу фикрга асосланадиган бўлсак, бундай қарор қабул қилишнинг оқибатлари Божхона кодексининг 189-моддасида баён қилинганига қараганда бутунлай бошқача бўлади. Жумладан, бу қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи маъмурий жиҳатдан кўриладиган ишлар доирасида эмас, балки мансабдор шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг шикоят билан судга ёки хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи сифатида кўрилиши лозим.

„Божхона кодекси“нинг бир қанча моддаларида ва санкцияларида кўзда тутилган маъмурий жазо сифатидаги жариманинг энг кам ва энг кўп миқдорлари МЖТКнинг 25-моддасида кўзда тутилган миқдордан анча кўпдир.

„Божхона кодекси“нинг 131-моддасида айтилишича, юридик шахслар ва юридик шахс ташкил эт-

маган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар ушбу кодекснинг 134-172-моддаларида назарда тутилган қонунбузарликларни содир этсалар, уларга нисбатан ушбу кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган жарималар (*иқтисодий жазо чоралари*) ва бошқа жазолар ҳамда мол-мулкни мусодара қилиш жазоси қўлланилади. „Божхона кодекси“нинг 134-172-моддаларида мансабдор шахслар, юридик шахслар ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар жавобгарлиги билан бевосита юридик шахс жавобгарлиги ўртасидаги фарқ аниқ кўрсатиб берилмаганлиги сабабли иқтисодий жазо чоралари билан маъмурий жарима чораларини бирлаштириш имконияти вужудга келган.

Масалан, „Божхона кодекси“даги 153-модданинг 1-қисми санкциясида товарларни қайта ишлаш тартибини бузганлик учун „қайта ишлашга мўлжалланган товарлар қийматининг эллик фоизидан юз фоизигача миқдорда жарима солиш“ назарда тутилган. Қайта ишлаш товарларини бошқа маҳсулотларга алмаштириб қўйганлик учун эса товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солиш кўзда тутилган (153-модданинг 2-қисми). Бу нормаларда назарда тутилган иқтисодий жазо чораларининг фақат юридик шахсларга эмас, балки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлиги эътиборни жалб этади.

Шундай қилиб, „Божхона кодекси“нинг 131-моддасида кўрсатилганидек, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахсларгина эмас, балки Ўзбекистон Республикасининг „*Хўжалик-процессуал кодекси*“ даги 23-моддада айтилганидек, қонунда белгиланган тарзда яқка тартибдаги тадбиркор мақомини олган ва юри-

дик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахслар ҳам юридик шахсларга тенглаштирилади. Зеро, жисмоний шахс „*якка тартибдаги тадбиркор*“ мақомини олмасдан туриб ҳам, яъни ғайриқонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Бундай ҳолларда бу шахслар ҳам 134-172 моддалардаги жавобгарликка тортиладилар.

Фақатгина моддий нормалар эмас, балки „Божхона кодекси“нинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал тартибини белгиловчи нормалари ҳам шунга ўхшаш бири-биридан фарқ қилади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш муддатлари (у бошланган кундан эътиборан бир ой муддатдан кечиктирмай), шунингдек бу муддатларнинг тўрт ойгача узайтирилиши („Божхона кодекси“нинг 175-моддаси) негадир қонун чиқарувчи томонидан ЎзРнинг амалдаги „Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси“да кўрсатилган муддатлардан анча фарқли қилиб белгиланган, чунки амалдаги МЖТКнинг 305-моддасида айтилишича, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга тааллуқли бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Амалдаги „Божхона кодекси“да иккита процессуал босқич, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш ва уни бевосита кўриб чиқиш босқичи битта нормада қўшиб берилган. Масалан, „Божхона кодекси“даги 188-модданинг 1-қисмида айтилишича, боажхона органининг мансабдор шахси боажхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишни кўриб чиққан-

дан кейин жиноят ишини кўзғатиш ва суриштирув ўтказиш, ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги материалларни тегишли идораларга жўнатиш ёки ишни қўшимча равишда текшириш учун қайтариш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақлидир. „Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс“нинг 303-моддасига биноан эса тегишлилик масалалари, лозим бўлган қўшимча материалларни талаб қилиб олиш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш жараёнида муҳокама қилиниши лозим. Шу сабабдан, „Божхона кодекси“да иккита босқичнинг битта нормада қўшиб берилиши бизнинг фикримизча, нотўғридир.

Шуларни инобатга олган ҳолда, божхона органлари фаолиятида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошираётган прокурор амалдаги „Божхона кодекси“, „Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс“, „Жиноят кодекси“, „Фуқаролик кодекси“, „Солиқ кодекси“, „Хўжалик кодекси“ ва бошқа қонунларнинг божхонага оид ҳуқуқий муносабатлар доирасида пайдо бўладиган баъзи масалаларни бевосита йўлга қўювчи бўлимларини жуда яхши билиши зарур.

II. БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 16 декабрда қабул қилинган ва 1998 йилнинг 1-мартдан бошлаб амалга киритилган „Божхона кодекси“ божхона органларининг фаолият доирасини аниқ белгилаб берди.

Божхона сиёсатининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида товар алмашувини йўлга солиш ва самарали божхона назоратини таъминлаш, хўжалик тараққиётини тезлаштириш, ички бозорни муҳофаза қилишдан иборатдир.

Божхона органларининг фаолияти Ўзбекистон

Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган „**Давлат божхона хизмати тўғрисида**“ги қонуннинг 4-моддасида жуда батафсил баён қилиб берилган. Унга биноан божхона органлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

1) юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз ваколати доирасида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

3) божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда иштирок этиш;

4) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

5) божхона тўловларини ундириш;

6) божхона назоратидан ўтказилиши керак бўлган товарлар ва транспорт воситаларининг назоратдан ўтказилишини таъминлаш;

7) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг, шу жумладан, контрабанданинг олдини олиш, уни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

8) ташқи иқтисодий фаолиятга доир божхона статистикасини ҳамда товар номенклатурасини юритиш;

9) Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига оид қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш.

Санаб ўтилган вазифалар бир хил эмас, аммо улар бир-бирига жуда боғлиқ, зеро божхона юмушларини амалга оширишни божхона қонунларига риоя қилиниши устидан амалга ошириладиган назоратдан ажратиб бўлмайди, чунки божхона қоидаларининг бузилишига ҳамда контрабандага қарши олиб бориладиган кураш бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатлари ва иқтисодий хавфсизлигини муҳофаза қилиш мақсадида олиб бориладиган курашдир.

Шундай қилиб, „Давлат божхона хизмати тўғрисида“ ги қонуннинг 4-моддасида божхона органлари фаолиятининг характерли белгилари умумлаштирилиб берилган. Зиммасига юклатилган вазифаларга мос равишда ДБҚ органлари:

1) ягона божхона сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий механизмларини ишлаб чиқади, уларнинг амалда қўлланилишини таъминлайди, божхона ишига тааллуқли қонунлар ва норматив актларнинг лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

2) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ишлаб чиқишда иштирок этади, белгиланган тартибда ва ўз ваколатлари доирасида божхона масалалари бўйича халқаро битимлар ва шартномалар тузади;

3) Республиканинг божхона ҳудудида давлат хавфсизлигини, жамоат тартиби, инсон ҳаёти ва саломатлигининг ҳимоя қилиниши, ҳайвонот ва наботот дунёсининг муҳофаза қилиниши, атроф-муҳитнинг муҳофаза қилинишини енгиллаштирадиган чора-тадбирлар ўтказилишига кўмаклашади;

4) белгиланган тартибда божхона назорати амалга оширилишини таъминлайди ва унинг шакллари ни такомиллаштиради;

5) божхона қонунчилиги ва ўз ваколатлари доирасида солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

6) божхонавий тартибга солиш воситалари қўлланилишини таъминлайди, божхона-тариф механизмини ишга солади, ташқи иқтисодий фаолиятни тарифли тартибга солиш усуллари, квоталаш нормалари, лицензия бериш ва декларация тақдим этиш йўллари ишлаб чиқилишида ва амалга оширилишида белгиланган тартибда қатнашади;

7) бож пошлиналари, солиқлар ва бошқа тўлов-

лар давлат бюджетига ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини таъминлайди;

8) ўз ваколатлари доирасида валюта назоратини амалга оширади;

9) божхона статистикаси методологиясини такомиллаштиради, божхона иши соҳасида статистика маълумотлари тўпланиши, уларнинг ишлаб чиқилиши ва таҳлил қилинишини ташкил этади, республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш, ташқи савдо ва тўлов балансини мустаҳкамлаш бўйича прогноз ҳисоб-китобларини амалга оширади ва таклифларни ишлаб чиқади;

10) божхона иши соҳасидаги фаолият тўғрисида ахборот тўпланиши ва ишлаб чиқилиши ҳамда автоматлаштирилган тизим жорий этилишини таъминлайди, шунингдек божхона статистикаси маълумотларини тегишли идоралар ва манфаатдор органларга тақдим этади;

11) ўз ваколатлари доирасида контрабанданинг, божхона қонунчилигининг, солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш чора-тадбирларини мустақил равишда ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқади ва қўллаб-қувватлайди, шунингдек халқаро терроризмга ва Ўзбекистон аэропортларида халқаро фуқаро авиацияси фаолиятига ғайриқонуний аралашинишга қарши курашинишга кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қўллайди;

12) божхона органлари ваколатига тегишли бўлган ишлар бўйича суриштирув ва қонунчиликка мувофиқ божхона қоидалари бузилиши тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади;

13) юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган божхона қоидалари бузилганлиги учун таъсир кўрсатиш чораларини белгиланган тартибда қўллайди;

14) гиёҳвандлик моддалари, психотроп ва порт-

ловчи моддалар, қурол-яроғ республиканинг божхона чегараси орқали ғайри-қонуний олиб ўтилишининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва қўллайди;

15) республиканинг ва хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан биргаликда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар назорат остида етказиб берилишини амалга оширади;

16) Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорликда қонунчиликда белгиланган тартибда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширади;

17) айбдорларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани божхона органлари ваколатлари доирасидан ташқарига чиққанда қонун бузилишлари фактлари бўйича материалларни тергов, суд органлари ва бошқа органларга топширади;

18) божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қонунийликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, божхона органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан тушган шикоятлар ва эътирозларни белгиланган тартибда кўриб чиқади;

19) божхона органлари зиммасига юклатилган вазифалар ва функциялар амалга оширилишини таъминловчи илмий-техник хизматлар, лабораториялар, ўқув марказлари, бошқа корхоналар ва ташкилотларни тузади;

20) божхона органлари ходимларини, шунингдек, давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун божхонавий расмийлаштириш бўйича мутахассисларни тайёрлайди, қайта тайёрлайди ва уларнинг малакасини оширади;

21) божхона ва эркин омборлар, божсиз савдо дўконлари, божхона брокерлари ва божхона ташувчилари, товарларга божхона ҳудудидан ташқарида, божхона ҳудудида ёки божхона назорати остида иш-

лов бериш устидан назоратни амалга оширади, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда фаолиятнинг санаб ўтилган турларини амалга ошириш учун рухсатномалар беради;

22) халқаро божхона ва савдо ташкилотларида қатнашади, хорижий давлатларнинг божхона органлари, божхона иши масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, қонунчиликда белгиланган тартибда хорижий мамлакатларнинг божхона хизматлари билан ўзаро ахборот алмашади;

23) божхона органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ташқи савдо юкларини божхонавий расмийлаштириш учун пунктлар тармоғини ва божхона инфраструктурасининг бошқа объектларини кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

24) Давлат Божхона қўмитасининг моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя қилиш, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасига тушадиган маблағлар ҳисобига республикада божхона ишини ривожлантириш чора-тадбирларини маблағ билан таъминлайди.

Божхона органлари фаолиятининг ўзига хослиги уларнинг ташкилий тизимига ҳамда улар билан давлатнинг бошқа органлари ўртасидаги ўзаро алоқалар тартибига таъсир кўрсатади. Биронта бошқа орган божхона органларининг божхонага тааллуқли қонуний фаолиятига аралашшига ҳақли эмас. Амалда бу ҳолат божхона ишларига раҳбарлик қилиш фақат вертикал бўйича амалга оширилишини, марказий ва қўйи давлат органлари божхона ишини амалга ошириш тартибига тааллуқли биронта кўрсатма беришга ҳақли эмаслигини англатади. Прокуратура органлари эса, албатта, божхона органлари фаолиятида

қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишга ҳақлидирлар, аммо улар ҳам божхона иши жараёнига аралаштиришга ҳақли эмас.

„Божхона назорати Ўзбекистон Республикасининг божхона иши соҳасидаги қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мажмуидан иборатдир“ („Давлат Божхона хизмати тўғрисида“ ги қонун. 2-модда).

Божхона назорати формалари хилма-хилдир. Унинг қуйидаги хиллари тез-тез қўлланилади:

- божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш;
- жисмоний ва мансабдор шахсларни оғзаки сўраб-суриштириш;
- божхона кўригидан ўтказиш;
- товарлар ва транспорт воситаларини ҳисобга олиш;
- ҳисоб тизимини ва ҳисобга олишни текшириш;
- божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситалари туриши мумкин бўлган ёки назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолият амалга оширилаётган ҳудудлар, бинолар ва бошқа жойларни текшириш (Божхона кодекси, 39-модда).

Божхона назорати ўтказилаётган пайтда инсон, ҳайвонот ва наботот дунёси ҳаёти учун хавфсиз бўлган ҳамда товарлар ва транспорт воситаларига зиён етказмайдиган техникавий ва бошқа воситалар қўлланиши мумкин. Божхона назоратини ўтказиш қоидалари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Божхона назорати олиб келинган товарлар ва транспорт воситалари божхона чегарасини кесиб кирган пайдан,— уларни олиб чиқиш эса декларацияни қабул қилган пайдан бошланади.

Божхона назорати товарлар ва транспорт воситаларини эркин муомилага чиқарилган вақтдан ёки

улар божхона чегарасини кесиб ўтган вақтдан божхона режимига умвофиқ тугалланган ҳисобланади.

Божхона режими деганда божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг ҳуқуқий ҳолатини божхонавий мақсадларда аниқлаб берадиган қонун-қоидалар мажмуаси англашилади.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида божхона режимларининг қуйидаги турлари санаб ўтилган: 1) эркин муомалага чиқариш (импорт); 2) реимпорт; 3) экспорт; 4) реэкспорт; 5) транзит; 6) вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш); 7) вақтинча сақлаш; 8) божхона омбори; 9) эркин божхона зонаси; 10) эркин омбор; 11) бож олинмайдиган савдо дўкони; 12) божхона ҳудудида қайта ишлаш; 13) божхона назорати остида қайта ишлаш; 14) божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш; 15) йўқ қилиш; 16) давлат фойдасига воз кечиш.

Шахс, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар ва транспорт воситаларининг хусусияти, миқдори, қайси мамлакатда ишлаб чиқарилгани ёки қайси мақсадга мўлжалланганидан қатъи назар, исталган режимни танлашга ёки уни бошқасига алмаштиришга ҳақли.

Давлат Божхона қўмитаси органлари ўз зиммаларига юкланган вазифаларни самарали бажариш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

— божхонага оид ҳуқуқ бузилишларини аниқлашнинг техник ва махсус воситаларини қўллаш;

— божхона органлари ваколатига тегишли бўлган ишлар бўйича суриштирув олиб бориш;

— божхона қоидалари бузилиши тўғрисидаги ишларни юритиш, бундай ишларни кўриб чиқиш, юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан божхона қонунларини бузганликлари учун тегишли таъсир чораларини қўллаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

— тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;
— божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситаларининг кўздан кечирилишини (қайта кўздан кечирилишини) ҳамда уларнинг ҳужжатлари тақдим этилишини талаб этиш;
товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш (қайта кўздан кечириш), етарлича асослар мавжуд бўлганда эса жисмоний шахсларни шахсан кўздан кечириш;

— бевосита божхона ҳуқуқбузарлиги буюмлари ҳисобланган товарлар, транспорт воситалари ва бошқа буюмларни ушлаш ва олиб қўйиш;

— транспорт воситаларини мажбуран тўхтатиш, Ўзбекистон Республикаси бож ҳудудини божхона органларининг рухсатсиз тарк этган денгиз, дарё ва ҳаво кемаларини қайтариш;

— пломбаларни бузиш, багажниклар, юк бўлмалари, транспорт воситаларининг кузовлари, контейнерлар ва бошқа транспорт қутилариининг тамба қурилмаларини очиш;

— мулкчилик шаклларида қатъий назар, юридик ва жисмоний шахсларнинг божхона назоратидан ўтиши керак бўлган товарларни ва транспорт воситалари турган ҳудудига ва биноларига тўсиқсиз кириш, шунингдек, назорат қилиш божхона органига юкланган фаолиятни амалга ошириш;

— товарлар ва бошқа буюмлар пробаларини ва намуналарини олиб қўйиш, уларни экспертиза қилиш;

— шахсдан унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш;

— вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органларидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан (мулкчилик шакллари ва қайси идорага бўйсунушидан қатъий назар) божхона ишини (назоратини) амалга ошириш учун керак бўлган маълумотлар, материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

— хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб-ки-тоб счётларидан божхона тўловлари ва жазо жарималари сўзсиз тартибда бюджетга ўтказилиши тўғрисида, божхона тўловлари ва жазо жарималари бюджетдан хўжалик юритувчи субъектларнинг счётларига қайтарилиши тўғрисида банкларга ва бошқа молия-кредит муассасаларига белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

— кўрсатиб ўтилган топшириқ кечиктирилган тақдирда ёки бажарилмаганда ҳар бир кун учун ўтказилиши ёки қайтарилиши лозим бўлган божхона тўловлари ёки жазо жарималари суммасидан банклардан ёки бошқа молия-кредит муассасаларидан, шунингдек, хўжалик субъектларидан белгиланган тартибда 0,5 фоиз миқдорида пеня ундириш;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда божхона йиғимлари ставкаларини белгилаш;

— божхона ва эркин омборларни, божсиз савдо дўконларини очиш, божхона ҳудудидан ташқарида, божхона ҳудудида ёки божхона назорати остида товарларни қайта ишлашга рухсатномалар бериш, божхона брокерлари ва божхона ташувчиларининг фаолиятини амалга ошириш;

— ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг ташқи иқтисодий фаолиятини тўхтатиш тўғрисида сабабларини кўрсатган ҳолда белгиланган тартибда тақдимнома киритиш;

— божхона назоратини амалга оширишга кўмаклашиш учун мутахассислар ва экспертларни жалб қилиш;

— ўз ваколатлари доирасида божхона назорати остидаги товарларни қайта рўйхатдан ўтказиш ва ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш.

Давлат Божхона қўмитасининг Марказий аппарати, ДБҚнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вило-

ятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари (ДБҚБ), ихтисослаштирилган божхона комплекслари, божхона комплекслари ва божхона постлари Давлат Божхона қўмитаси органларининг тизимини ташкил этади.

ДБҚ Марказий аппарати тузилмаси функционал принцип бўйича қурилган. Унинг тузилмавий қисмлари — департамент, бошқармалар (бўлимлар, Божхона эксперт лабораторияси ва бошқалар) ўз фаолиятларини ДБҚ амалга оширадиган фаолиятнинг асосий йўналишларига мос равишда олиб борадилар. Бироқ бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, бошқарманинг (тузилмавий бўлимнинг) мухторлиги бошқа бўлинмаларнинг ваколатлари билан омухта бўлиб кетади. Масалан, Ташқи алоқалар департаменти ўз фаолиятининг асосий йўналиши бўйича бошқа бошқармалар (бўлимлар)га қараганда божхона ишига тааллуқли халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлашга масъулроқдир. Контрабандага ва божхона қоидалари бузилишларига қарши курашиш бошқармаси эса асосан контрабандага қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари билан шуғулланади. Шу билан бир вақтда, контрабандага қарши курашга тааллуқли халқаро шартномалар тайёрланаётганда бу бошқарма ушбу масалаларда ваколатлироқ бўлганлиги учун бу соҳадаги халқаро ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини белгилашда кўпроқ таъсир кўрсатиши мумкин.

Бошқармалар ишининг бундай ўзаро боғлиқлиги уларнинг фаолиятида энг улкан натижаларга эришиш имконини беради.

Функционал принцип билан бир қаторда ҳудудий принцип ҳам маълум маънога эгадир. Худди шу асосда тезкор нозирлик гуруҳи ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш амалга оширилади. Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири маълум ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг маълум участкала-

рида жойлашган божхона органларидаги ишларнинг ҳолати учун жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси ДБК ўзининг бошқармалари (бўлимлари ва бошқа тузилмавий бўлимлари) тўғрисида Низомлар чиқаради. Контрабанда ва божхона қоидалари бузилишларига қарши курашиш бошқармаси шу актларга биноан ДБКнинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини шу йўналишда ўрганиб чиқади, умумреспублика ахборотномаларини тузади, контрабанда кўринишларининг олдини олиш ва пайини қирқишга қаратилган у ёки бу чораларнинг кўрилиши бўйича раҳбарий йўл-йўриқлар беради, контрабанда ва божхона қоидаларининг бузилишига қарши кураш бўйича услубий тарздаги хатлар ёзиб, жойларга жўнатади. Ташқи алоқалар департаменти ҳудудий ва ихтисослаштирилган божхона органларининг халқаро шартномалар ва битимларнинг божхона масалаларига, божхона масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларига тааллуқли низомларини қўллаш ишларини ўрганади ва тажрибаларини умумлаштиради.

Давлат Божхона қўмитасига раис бошчилик қилади. Унинг тўртта ўринбосари бўлади, шулардан биттаси биринчи ўринбосардир. Божхона органларининг намунавий тузилмаси ҳамда ДБК раисининг ўринбосарларини, ДБК бошқармалари ҳамда ихтисослаштирилган божхона постлари бошлиқларини ишга тайинлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сонли қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Марказий аппарати 22 та тузилмавий бўлинмалардан иборат бўлиб, улар орасида 1 департамент, 14 бошқарма, 1 бўлим, Марказий божхона эксперт лабораторияси (МБЭЛ), Миллий кинология маркази ва бошқалар бор. Уларнинг ишларини, фаолиятини ташкил этиш масъулияти раис ва унинг ўринбосарлари зиммасидадир.

Божхонанинг ҳудудий органлари қандай органлар, деган савол пайдо бўлиши мумкин. „Давлат божхона хизмати тўғрисида“ги қонуннинг 3-моддасига биноан ДБКнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, ихтисослаштирилган божхона комплекслари (ИБК), божхона комплекслари ва постлари божхонанинг ҳудудий органларидир.

ДБКнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармаларининг, ихтисослаштирилган божхона комплексларининг фаолиятига бошқарма бошлиқлари раҳбарлик қиладилар. Божхона органларининг ўз хавфсизлиги хизмати, кадрлар бўлими, котибияти, навбатчи қисми, юридик хизмат ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар гуруҳи бевосита бошлиққа бўйсундилар. Бошлиқ ўринбосарлари эса божхона тўловлари бўлими, божхона статистикаси ва таҳлил бўлими, валюта назорати бўлими, божхона назоратини ташкил этиш бўлими, контрабанда ва божхона қоидалари бузилишларига қарши курашиш бўлими, божхона текширишлари бўлими, божхона эксперт лабораторияси ва бошқа тузилмавий бўлимларнинг ишини назорат қилиб борадилар. Ихтисослаштирилган божхона комплекси бошлиғининг биринчи ўринбосари Божхона назоратини ташкил этиш бўлими, божхона тўловлари бўлими ва божхона статистикаси ва таҳлил бўлими ишларини назорат қилиб боради. Ихтисослаштирилган божхона комплекси бошлиғининг ўринбосарларидан бири контрабандага ва божхона қоидалари бузилишларига қарши курашиш бўлими, божхона текширишлари бўлими, валюта назорати бўлими ва божхона эксперт лабораторияси ишларини назорат қилиб боради. Бошқа ўринбосарлари эса бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлими, моддий-техника таъминоти, буюмлар билан таъминлаш, қурол-аслаҳалар ва транспорт бўлими, капитал қурилиш ва божхона объектларидан фойдаланиш бўлими (бўлинмаси, гуруҳи), назорат ва алоқанинг техник воси-

талари бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) ишини назорат қилиб боради.

Давлат Божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва ихтисослаштирилган божхона комплекслари юридик шахс ҳисобланади. Улардан фарқли ўлароқ, божхона комплекслари ва божхона постлари юридик шахс эмас, балки ўша ҳудуддаги ДБҚсининг бир қисми ҳисобланади. ДБҚнинг Тошкент шаҳар бошқармасида 15 та божхона пости мавжуд. Уларнинг ходимлари автомобил ва темир йўл транспортида ҳамда четдан товар келтирадиган ва четга товар чиқарадиган корхоналар ва ташкилотларда божхонавий расмийлаштирувни амалга оширадилар.

Божхона комплекси (пости) таркибида бошлиқ, унинг ўринбосари, контрабанда ва божхона қоидалари бузилишларига қарши курашиш гуруҳи, божхона назоратини ташкил этиш гуруҳи, божхона тўловлари гуруҳи, эксперт, кинолог, тезкор гуруҳ хизмат қилади. Божхона бошлиғининг ўринбосари навбатчилар бошлиғи ҳисобланади.

Вилоятларда ДБҚнинг бошқармаларини божхона комплексларини барпо қилиш, уларни қайта тузиш Вазирлар Маҳкамасининг ваколатидир. Давлат Божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, ихтисослаштирилган божхона комплекслари, божхона комплекслари ва постлари Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлда чиқарилган 374-сонли „Давлат Божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида“ги қарорига мувофиқ равишда фаолият кўрсатадилар.

Энди божхонанинг ҳудудий органлари тузилмаси қандай кўринишда, деган савол пайдо бўлиши мумкин.

Қоидага кўра, божхонанинг барча органлари бир хил тизимга эга. Улар ўзлари амалга ошираётган фаолият нуқтаи назаридан маълум турларга ажралиши мумкин. Шу билан бир қаторда божхона органлари chegarанинг маълум қисмларида туну кун назоратни амалга

оширадилар, яъни барча ходимлар маълум гуруҳларга бўлиниб, сутканинг маълум пайтларида навбатчилар бошлиғи раҳбарлигида фаолият кўрсатадилар. Гуруҳлар чегаранинг у ёки бу қисмида узлуксиз равишда туну кун назоратни амалга оширади. Божхона ходимларининг у ёки бу навбатчи гуруҳига ишни навбатчилар бошлиғи тақсимлайди.

Туну кун назорат амалга оширилмайдиган ҳудудий божхона органларида тезкор ходимлар маълум постларда (ташқи иқтисодий алоқалар, почта, юк жўнатиш пости) хизмат қиладилар. Постнинг фаолиятига пост бошлиғи жавобгардир.

Ҳудудий божхона органлари ўз фаолиятларининг характериға қараб алоҳида турларға бўлиниши мумкин. Чегара, ички ишлар, шунингдек пиёда, ҳаво йўлларидаги, сув йўллари, темир йўл ва ҳаракатдаги божхона органлари бор.

Божхона постларининг асосий кўпчилиги чегараларда жойлашган, улар бевосита давлатимиз чегараларида фаолият кўрсатадилар, аммо ички божхона постлари ҳам бор.

Божхона постларининг пиёда, ҳаво йўллари, сув йўллари, темир йўл ва бошқа турларға бўлиниши чегара участкаларидаги фаолиятнинг ўзига хослиғига боғлиқдир. Бу божхона постлари ўзларининг асосий вазифалари билан бир қаторда божхонанинг бошқа ишларини ҳам амалга оширадилар.

Ҳозирги кунда божхона чегараси фақат савдо чегарси эмас, балки валюта ва солиқ чегараси ҳамдир.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ЧИҚАРИЛГАН ҲУҚУҚИЙ АКТЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИККА ТЎЛИҚ МОС КЕЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ

Ўзбекистон Республикасида Конституция ва республика қонунлари сўзсиз равишда олий мақомга эгадир. Асосий Қонуннинг биронта моддаси Ўзбекистон-

нинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид равишда шарҳла-ниши мумкин эмас. Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий давлатнинг бел-гиларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти И.Каримовнинг асарларида меъёрий-ижодий фаолият масалаларига катта эътибор қаратилган. „Кон-ституция ва қонунларнинг устуворлик принци-пуни англатадики, барча қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида яратили-ши ва унга мос келиши лозим“¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва „Про-куратура тўғрисида“ги қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи про-курорлар барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идо-ралар, давлат назорати идоралари, ҳокимлар, шунинг-дек, кимга бўйсунушидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, му-ассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисм-лар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фу-қаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишла-ри устидан назоратни амалга оширадилар.

„Прокуратура идораларининг фаолияти қонун-нинг устуворлигини ҳар томонлама қарор топтириш-га, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамлан-ган инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу-нингдек, давлат мустақиллигини, ижтимоий давлат тузумини, сиёсий ва иқтисодий тизимларни, мил-лий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқла-рини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилиш-ни таъминлашга қаратилгандир“².

„Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қан-дай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва

¹ И.Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.

² ЎЗРнинг „Прокуратура тўғрисида“ги Қонуни. 2-модда.

мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар“ (ЎЗР. Конституцияси, 120-модда).

Прокуратура органларининг умумий назорат фаолиятида амалга оширадиган асосий вазифаларидан бири барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорат идоралари, ҳокимлар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар, ҳарбий қисмлар, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар қонунларни қандай бажараётганлиги, шунингдек, улар чиқараётган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига қанчалар мувофиқ келаётганли устидан назорат ўрнатишдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори кўрсатмасига кўра прокуратуранинг бу фаолияти бошқарув соҳасида қонунларнинг тўғри ва бир хилда қўлланиши вазифасига юқори даражада мос келиши лозим.

Божхона органлари чиқарган ҳуқуқий актларнинг қонунийлиги устидан ўрнатилган назорат самарадор бўлиши учун прокурор кўпгина масалалар бўйича, яъни прокуратуранинг ваколатлари, ҳуқуқий актларни ҳуқуқийлик нуқтаи назаридан баҳолаш мезонлари, ноқонуний актларни ахтариб топиш, уларга эътибор бериш услублари хусусида билимларга эга бўлиши лозим. Қонунийликнинг биронта ҳам қўпол бузилиши безътибор қолдирилмаслиги лозим. Прокуратура арашувини талаб этадиган муҳим масалалар доимо прокурорнинг диққат марказида бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларнинг ҳар бири ўз ваколати доирасида ҳуқуқий актларнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширадилар.

Бу ваколат қуйидаги аспектларда намоён бўлади:

—ноқонуний актлари протест келтиришга сабаб бўладиган божхона органлари тизими бўйича (ДБК, ДБКБ, ИБК, БК ва БП);

— текширилиши умумий назоратнинг предметини ташкил этадиган ҳуқуқий актларнинг турлари бўйича.

Бу ҳуқуқий актларга божхона органлари ходимлари билан бир қаторда бошқа мансабдор шахслар, фуқаролар, хўжалик юритувчи шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бўйруқлар, йўл-йўриқлар, қарорлар, фармойишлар, қоидалар, кўрсатмалар ҳамда мансабдор шахсларнинг у ёки бу ҳужжатлар тепасига ёзган, маълум хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ёки улардан ўзини тортиш хусусидаги кўрсатмалари киради.

Меҳнат қонунларига риоя қилиш масалалари бўйича текширишларни ташкил қилишда шуни ёдда тутиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида божхона органларининг барча ходимлари эмас, балки ёрдамчи техник ходимларининг меҳнат муносабатлари тартибга солинади. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Биринчидан, божхона органларининг мансабдор шахслари интизоми, уларни мукофотлаш турлари ва тартиби, интизомий жазо бериш, тақдирлаш ва интизомий жазо бериш бўйича бошлиқларнинг ваколатлари, мансабдор шахснинг ўзига нисбатан бошлиқнинг ноқонуний ёки ноҳақ хатти-ҳаракатлари устидан ёки хизмат юзасидан белгиланган ҳуқуқларининг бузилганлиги хусусида юқори турувчи бошлиққа ариза ёки шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқи, „Божхона органларининг интизомий устави“ орқали тартибга солинади.

Жумладан, „бошлиқлар тизимидаги шахслар яқин қариндош ёки қуда томонидан қариндош ҳисобланган (ота-оналар, эр-хотин, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, шунингдек эр-хотиннинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари, болалари) агар уларнинг хизмати бевосита бир-бирига бўйсунishi ёки бир-бирини назорат қилиши билан

боғлиқ бўлса, битта божхона органида хизматни ўташига рухсат этилмайди“¹.

Иккинчидан, божхона органлари мансабдор шахсларининг хизматни ўташ шарт-шароитлари, тартиби, уларни хизматга қабул қилиш шартлари, уларга махсус унвонлар берилиши, уларни махсус унвондан маҳрум қилиш ёки унвонини пасайтириш қоидалари, хизматни ўташ ва хизматдан истеъфога чиқариш, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва жавобгарлиги 1998 йил 4 апрелда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 146-сонли қарори билан тасдиқланган „Ўзбекистон Республикаси божхона органларида хизматни ўташ ҳақида вақтинчалик Низом“ да белгилаб берилган.

Божхона органларига хизматга фуқароларни ДБҚ раиси, ҳудудий бошқармалар ва ихтисослаштирилган божхона комплекслари бошлиқлари ўзларига берилган ҳуқуқлар доирасида қабул қиладилар.

Ҳуқуқий характердаги текширувлар прокурор томонидан амалга оширилади. Умумий назорат амалиётида тез-тез учраб турадиган, алоҳида масалалар бўйича ўтказиладиган бундай текширувлар методикаси жуда кенг қамровлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва улар асосида чиқарилган вазирликлар ва идораларнинг норматив актлари божхона сиёсатини амалга ошириш ҳамда божхонавий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасида сезиларли ўрин тутди.

Фақат Давлат Божхона қўмитаси томонидан ДБҚнинг тузилмавий бошқармалари фаолиятини ташкил қилиш бўйича, божхона органлари билан прокуратура органлари, ички ишлар бўлимлари ва судлар ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйи-

¹ ЎЗР божхона органларида хизматни ўташ ҳақидаги вақтинчалик низом. 28-модда.

ча 20 тадан ортиқ раҳбарий буйруқлар чиқарилган. Божхона ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг фаолияти масалаларига бағишланган ўнлаб низомлар, йўриқномалар, қоидалар, тартиблар, тушунтиришлар Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Прокурорлик назоратини амалга ошираётганда шуни назарда тутиш лозимки, божхона органининг акт формаси юридик аҳамиятга эга эмас ва ҳар бир ноқонуний қарор шу жумладан мансабдор шахснинг ғайриқонуний оғзаки фармойиш устидан ҳам протест келтирилиши мумкин. Божхона органи раҳбарларининг кўрсатмалари ҳам оғзаки фармойишлар сирасига киради. Мансабдор шахсларнинг телеграмма ёки телефонограмма шаклидаги кўрсатмалари ҳам шу жумлага киради.

Бошқарув органлари сифатидаги божхона органлари ҳуқуқий актларининг қонунийлигини баҳолаш мезонлари „Прокуратура тўғрисида“ги қонуннинг 23-моддасида белгилаб берилган.

Божхона органларининг ҳуқуқий актлари Конституцияга, қонунларга, Президентнинг фармонлари ҳамда фармойишларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мос равишда чиқарилган бўлса, қонуний ҳисобланиши шарт.

Назоратни муваффақиятли амалга ошириш учун прокурорлардан тезкорлик, катта ташаббускорлик ва собитқадамлик талаб этилади.

Ҳуқуқий актларнинг қонунийлигини текшириш йўллари танланаётганда конкрет шарт-шароитларда улардан ҳар бирининг қандай афзалликка эгаллиги ҳисобга олиниши керак.

Ҳуқуқий актлар нусхаларини талаб қилиш (ҳаммасини ёки бир қисмини маълум муддатга ёки муддатини кўрсатмаган ҳолда) қонунийлик бузил-

ганлигини жуда қисқа муддатларда аниқлаш имконини беради. Аммо ҳуқуқий актлар кўп миқдорда чиқарилган бўлса, бу афзаллик бирмунча йўқолади. Текширишнинг сифати ҳам пасайиши мумкин.

Ҳуқуқий актларнинг қонунийлигини бевосита божхона органларининг ўзида текшириш эса барча ғайриқонуний актларни аниқлаш билан бирга, уларни чиқаришга сабаб бўлган шарт-шароитлар ҳамда бунга айбдор бўлган шахсларни ҳам аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, ғайриқонуний актларни аниқлаш формалари конкрет шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим:

- назорат объектларининг сони;
- божхона органларида ҳуқуқий хизматнинг бор ёки йўқлиги;
- аввалги текширишларда аниқланган қонунийлик ҳолати;
- божхона органлари ходимлари хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятлар;
- (умумий ва хўжалик) судлар томонидан кўрилаётган баҳсларнинг қанчалик тарқалганлиги.

Божхона органлари томонидан чиқарилаётган буйруқлар ва йўриқномалар қонунийлигини текшириш турли масалалар бўйича қонунларнинг ижро этилиш ҳолати тўғрисида ахборот олишга, шунингдек, қонун бузилишларига қарши курашда баъзи органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги ҳамда ҳуқуқбузарларга панжа орасидан қараш фактларини ўз вақтида аниқлаш имконини беради.

Шу билан бир вақтда ЎЗР ДБК томонидан чиқарилган ҳуқуқий актларнинг нусхаларини прокуратурага келтириб текшириш ўз жойида, яъни ДБКда уларнинг қонунийлигини текширишни инкор этмайди.

Ҳуқуқий актларнинг қонунийлигини текшириш жиддий тайёргарлик кўришни талаб этади. Прокурор текшириш ўтказилаётган божхона органининг фаолия-

ти ва ташкил этилганлигининг ҳуқуқий асосларини бу органнинг ваколатлари ҳамда учинчи шахсларга нисбатан ҳуқуқларини ҳам яхши билиши зарур.

Актларнинг қонунийлигини текшириш ҳар томонлама бўлиши лозим. Ҳар қандай ҳолларда ҳам қуйидагилар аниқланиши лозим:

— божхона органи томонидан чиқарилган ҳуқуқий акт Конституцияга, қонунларга, Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мос келадими?

— ҳуқуқий актни чиқарган божхона органи ўзининг қонуний ваколатини бузгани йўқми?

— ҳуқуқий актда моддий қонун бузилишига йўл қўйилмаганми? Жумладан, у ёки бу актларда кимнингдир ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига қонунда назарда тутилмаган чеклашлар қўлланилмаганми?

— қонуний актда қонун билан ман этилган хатти-ҳаракатларга рухсат берилмаганми?

— қонунда кўрсатилган тадбирларнинг ўтказилиш муддатлари, уларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ўзбошимчалик билан ўзгартирилмаганми?

Масалан, қайси идорага бўйсунитдан қатъи назар барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, ЎЗР ДБК томонидан чиқарилган йўриқномалар, қоидаларнинг қонунийлигини текширишда маълум ҳуқуқий актларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли қарори билан тасдиқланган, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив актларини ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган ҳуқуқий экспертиза ўтказиш тартиби бузилган ёки бузилмаганлигини аниқлаш лозим; уни Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказиш талабига риоя қилинганми? Улар конституцион нормалар ва принциплар, амалдаги қонунларга зид эмасми?

Божхона қонунчилиги бузилишига йўл қўйил-

ганлиги учун божхона органларининг молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги қарори қайси норматив актлар сирасига киради? Кўпчилик кишилар молиявий (иқтисодий) санкциялар маъмурий жазо турларидан бири деб ўйлайдилар. Аммо бу фикр нотўғри. Иқтисодий санкцияни қўллаш тўғрисидаги қарор давлат бошқаруви органининг божхона муносабатларини йўлга қўйиш соҳасидаги қароридир. Бу қарор бошқа ҳуқуқий оқибатларни, яъни ижронинг тартиби ва муҳлатлари, шикоят аризаси билан судга мурожаат қилиш ва бошқаларни келтириб чиқаради.

Божхона органлари раҳбарлари чиқарадиган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига тааллуқли ҳуқуқий актларини ҳам доимий равишда эътиборда тутиш лозим.

Бу тоифадаги ҳуқуқий актларнинг қонунийлиги устидан самарали назоратни таъминлаш учун меҳнат тўғрисидаги қонунларни жуда яхши билиш лозим.

Текшириш давомида пайдо бўладиган масалалар бўйича прокурорлар раҳбарлар томонидан бузилган қонунийликни зудлик билан тиклаш ҳамда келажакда бундай қонунбузарликларга йўл қўйилмаслиги учун қонун-қоидаларни тушунтириб беришлари катта аҳамиятга эгадир. Аммо кенг тарқалган ва қайталайдиган қонунбузарликларга дуч келганда прокурор тушунтириш ишлари билан бир қаторда қонунбузарликларга қарши ҳуқуқий воситаларни ҳам қўллаш лозим.

Божхона постларида уларга келиб тушадиган божхона бошқармалари ҳуқуқий актларининг қонунийлигини текшириш мақсадга мувофиқдир.

Шуни ёдда тутиш лозимки, бундай ҳуқуқий актлар телефонограмма, телетайпограмма ҳамда модем хабари шаклида бўлади.

Вилоят божхона органларидан олинган буйруқларда қонун бузилганлигини пайқаган туман прокурори юқори турувчи прокурорга ноқонуний акт-

лар устидан протест келтириш тўғрисидаги тақдимнома билан мурожаат қилади.

Божхона органларининг ҳуқуқий актлари қонунийлигини текшириш чоғида фақат актларни текшириш билан кифояланиб қолмай, уларга илова қилинган турли ҳужжатларни, яъни маълумотнома, гувоҳнома ва бошқаларни ҳам текшириб чиқиши лозим. Бундай иловалар ўзларича бошқарув актлари бўлмасалар-да, аммо норматив актни ҳаётга татбиқ этаётганда ҳуқуқбузарлик манбаи бўлиши мумкин.

Масалан, 1997 йил 4 июлда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан „Акциз маркаси ёпиштирилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларни мусодара қилиш ва реализация қилиш тартиби“ 353-рақам остида рўйхатга олинган. Унга илова тариқасида акциз маркаси ёпиштирилмаган маҳсулотларни мусодара қилиш тўғрисида солиқ (божхона) органи бошлиғи қарорининг нусхаси берилган. Қарорнинг бу нусхаси амалдаги маъмурий қонунчиликка зид равишда тузилган, чунки маъмурий ҳуқуқбузарлик предметларини мусодара қилиш масаласи шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи билан бирга ҳал этилиши лозим. Бундан ташқари, бундай қарорни акциз маркаси ёпиштирилмаган эғасиз маҳсулотларга нисбатан ҳам қўллаб бўлмайди. Ҳозирги вақтда Вазирлар Маҳкамасининг бу қарорини қонунга мувофиқлаштириш масаласи ҳал этилмоқда.

Ноқонуний ҳуқуқий актлар аниқланганда прокурор мансабдор шахслардан қонун бузилиши хусусида шахсий тушунтириш хати талаб қилишга ҳақлидир. Бундай тушунтириш хатини олиш бир қатор ҳолларда ноқонуний актни чиқаришга сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш учун зарурдир.

Агар божхона органида ҳуқуқ маслаҳатчиси (юрис-

консулт) бўлса, божхона органида чиқарилган гай-риқонуний ҳуқуқий актлар учун прокурор ундан тушунтириш талаб қилади. Бунинг сабаби шундаки, ҳуқуқ маслаҳатчилари бошлиққа қўл қўйдириш учун киритиладиган буйруқлар лойиҳаларини ва бошқа ҳуқуқий характердаги ҳужжатларнинг қонунга мослигини текширадилар, давлат органи тузилмалари ва бўлимлари бошлиқлари томонидан чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқ бўлиши устидан назоратни амалга оширадилар, ўзлари хизмат кўрсатадиган муассасаларнинг ҳуқуқий актлари лойиҳаларига имзо чекадилар.

Божхона органларидаги ҳуқуқий актлар қонунийлигини текшира туриб, бу органлар ўзларига бўйсундирилган муассасалардаги қонунлар ижроси устидан назорат ўрнатиш бўйича зиммаларига юклатилган мажбуриятларни қандай бажараётганлигига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Агар текшириш ДБҚда ўтказилаётган бўлса, унинг ўзига бўйсундирилган божхона органларида қонунчиликни таъминлаш бўйича ролини аниқлаш лозим.

Ҳуқуқбузарликлар, айниқса фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини чеклаб қўювчи хатти-ҳаракатлар аниқланганда зудлик билан поймол этилган ҳуқуқларни қайта тиклаш чоралари кўрилиши лозим. Қонунда қуйидаги прокурорлик таъсир чоралари назарда тутилган:

— ҳуқуқий актлар, шунингдек, божхона органининг мансабдор шахси қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан протест келтириш;

— жиноий ёки интизомий ҳуқуқбузарликка доир маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида қарор чиқариш;

— қонун бузилганлиги яққол кўзга ташланган ҳолларда амрнома киритиш;

— қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик хусусида ёзма равишда огоҳлантириш, қонун бузилиши

ҳамда унга сабаб бўлган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисида тақдимнома киритиш;

— фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини муҳофаза қилиш учун ариза билан судларга ва хўжалик судларига мурожаат қилиш;

— Конституцияга мувофиқ прокурорлик назорати амалга оширилмайдиган ҳуқуқий актларнинг Конституцияга мос эмаслиги хусусида ариза билан Конституциявий судга мурожаат этиш.

Аниқланган барча қонунбузарликлар қайд этиб қўйилиши ва уларга йўл қўйган шахслар аниқланиши лозим. Қонунбузарликларнинг характериға (офир ёки енгиллигиға) қараб айбдор шахслардан ёзма тушунтириш хати олинади.

Шундай қилиб, биз қонунлар ижро этилишини текширишни ташкил этиш ва амалга оширишнинг қуйидаги асосий принципларини ажратиб кўрсатамиз:

1) прокурор аралашувини талаб қиладиган қонун бузилиш ҳоллари ҳақида аризалар ёки бошқа маълумотлар тушганда, шунингдек етарли асослар бўлганда ўз ташаббуси билан қонунлар ижросининг текширувини ўтказади. („Прокуратура тўғрисида“ги қонун. 23-модда.) Бу принципға амал қилмаслик объектни танлашда хатоға йўл қўйишға сабаб бўлади ва бундай ҳолларда ўтказилган текшириш самарасиз бўлади. Прокуратурада ҳар доим қонунийликнинг ҳолати тўғрисида кўп маълумотлар бўлади, улар давлат статистика ва назорат-ревизия органлари берадиган маълумотлар билан тўлдирилиб боради.

Бу органлар билан иш юзасидан алоқалар ўрнатиш ва уни доимо сақлаб туриш лозим, шундагина лозим бўлган маълумотлар ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабарларни олиб турасиз. Кўрсатилган материалларни ҳисобға олган ҳолда умумий назорат текшируви ўтказишни режалаштириш лозим.

Масалан, фуқароларни маъмурий жавобгарликка

тортиш амалиёти тўғрисидаги статистик маълумотларни ўрганиб чиққач, фақатгина ҳуқуқбузарликлар характерини аниқлаш эмас, балки божхона органларининг жарима ва мусодара шаклидаги маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорларнинг тўлиқ ижроси хусусида ҳам маълумотлар олиш мумкин. Божхона органларида ўтказилган текширувлар материаллари божхона органларининг ходимлари божхона тўловларини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлашда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини аниқлашда йўл қўядиган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида гувоҳлик беради;

2) текширишни бошлашдан аввал текширув предметиға тааллуқли қонунлар ва улар асосида чиқарилган низомларни, йўриқномаларни, қоидаларни, тартибларни ўрганиб чиқиш, юқори турувчи прокурорларнинг буйруқлари ва кўрсатмалари билан танишиш, ўша масалаға бағишланган услубий қўлланмалар, обзорлар ва хатларни ўрганиш, прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланадиган текширув режасини тузиш лозим.

Бундай тайёргарлик текширилиши лозим бўлган масалаларға диққатни жалб этиш имконини беради;

3) текшириш жараёнида биринчи навбатда прокурорға келган хатлар, аризалар, шикоятлар ва бошқа материаллар (жиной, фуқаролик, хўжалик ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар, назорат-ревизия, солиқ органлари хабарлари, оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари) орқали маълум бўлган қонун бузилишларига барҳам бериш бўйича божхона органлари раҳбарияти томонидан маълум чора-тадбирлар қўлланилган ёки қўлланилмаганлигини аниқлаш керак. Сўнгра божхона органи томонидан ушбу ва шунга ўхшаш қонунбузарликларға қарши ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини тағ-томири билан йўқотишға қаратилган қарорларининг қонунийли-

гини текшириш лозим. Қонунбузарларни жазолаш масалалари қонуний ҳал этилганми ёки йўқми, етказилган моддий зарар ўрнига қайтарилганми, лозим бўлган ҳолларда материаллар тергов ёки суд органларига оширилганми ёки йўқми, буларнинг барчасини аниқлаш керак.

Қонунбузарликларга кўра-била бепарволик қилиш ҳолларига алоҳида эътибор бериш зарур.

4) Ўтказилган текшириш натижалари тўғрисида, албатта, маълумотнома тузилиб, унда ушбу текшириш қайси масала бўйича қачон ўтказилганлиги, текшириш жараёнида қайси материаллар ишлатилганлиги, қонун бузилишининг аниқланган характери, ким томонидан ва қандай сабабларга кўра унга йўл қўйилганлиги, қонунбузарликларга барҳам бериш борасида кўрилган чора-тадбирлар ва бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш борасидаги таклифлар қайд этилиши лозим.

Амалиёт шуни кўрсатадики, бундай маълумотлар аниқланган қонунбузарликлар ва уларни келтириб чиқарган сабаб ҳамда шарт-шароитлар тўғрисида ёзма ахборотлар тайёрлаш ҳамда ваколатли органларга киритиш, шунингдек давлат ҳокимияти органларига бериладиган хабарлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Прокурорлар тегишли ваколатли органларга ҳуқуқий актларни чиқаришда қонунийликка амал қилиш ҳолатини акс эттирадиган ва текшириш чоғида аниқланган қонунбузарликларнинг олдини олиш хусусидаги аниқ таклифларни қамраб олган батафсил хабар ва тақдимномалар киритадилар.

IV. МАНСАБДОР ШАХСЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ

Божхонавий ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий актлар хилма-хил бўлганлиги сабабли божхона

органларида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш ҳам маълум даражада қийинчилик туғдиради. Прокурорлар божхона органлари ва мансабдор шахсларнинг маъмурий фаолиятида қонунийликка амал қилиш ва маъмурий жазо беришларининг асосланганлигини текшириб чиқишлари лозим.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги ишлар қуйидаги органлар томонидан кўриб чиқилади:

— агар жазо чораси тариқасида жарима, лицензияни ёки малака шаҳодатномасини қайтариб олиш, шунингдек қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда маҳсулотларни мусодара қилиш қўлланилса, божхона органи томонидан;

— агар асосий ёки қўшимча жазо чораси тариқасида маҳсулотларни ва транспорт воситаларини мусодара қилиш назарда тутилса, тегишли божхона органи жойлашган ердаги суд томонидан кўрилади. (ЎзР Божхона кодекси, 186-модда.)

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 262-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўз ваколатлари доирасида божхона органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари юритадилар. Ўзбекистон Республикасининг „Давлат божхона хизмати тўғрисида“ги қонунининг 3-моддасига биноан божхона постлари ҳам божхона органлари тизимига киритилган. Шунга биноан, божхона комплекслари ҳамда божхона постлари бошлиқлари ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳақлими, деган савол пайдо бўлади.

Божхона органларининг илгариги фаолияти ҳамда божхона постининг божхона бошқармалари ва комплекслари ички тузилмавий бўлими сифатидаги ҳуқуқий мақоми шундан далолат берадики, божхона постларининг бошлиқлари шу пайтгача маъму-

рий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда айбдорларни маъмурий жазога тортишга ҳақли эмас эдилар.

Гарчи ҳозир божхона комплекслари ва божхона постлари божхона органи мақомини олган бўлсалар-да, божхона қонунларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда маъмурий жазо чораларини қўллашга фақат ҳудудий божхона бошқармалари, ихтисослаштирилган божхона комплекслари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари ваколатлидир.

Юқори турувчи божхона органи божхона органларига тааллуқли ҳар қандай ишни ўзи кўриш учун қабул қилиб олишга ёки уни исталган қуйи божхона органларига топширишга ҳақлидир (ЎзР Божхона кодекси, 186-модда).

Хўш, қонуннинг ушбу нормаси нимага асосланган? Божхона кодексининг 184-моддасига биноан, агар ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса, божхона органининг мансабдор шахси божхона ҳақидаги қонунчиликни бузганлик тўғрисидаги ишни юритиши мумкин эмас.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларга риоя қилинишини текшириш прокурорнинг ўз ташаббуси билан ёки юқори турувчи прокуратура органларининг топшириғига кўра амалга оширилади. Прокурор ўз ташаббуси билан текшириш ўтказишга қонун бузилганлиги тўғрисидаги унга келиб тушган аризалар, шикоятлар ва бошқа хабарлар, қонунийлик ҳолатини акс эттирувчи статистик ва бошқа маълумотлар таҳлили асос бўлиб хизмат қилади.

Тегишли божхона органларининг маъмурий чоралар қўллаганлиги тўғрисидаги маълумотлари бунақа таҳлил учун материал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Жумладан, божхона органларида божхона қонунларини бузган шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилганлиги хусусидаги маълумотлар мавжуд. Божхона органлари ҳар ойда амалга оширил-

ган ишлар тўғрисида ҳисоботлар тайёрлайдилар. Бу ҳисоботларда маъмурий жазоларнинг қўлланиши ҳам акс эттирилади.

Статистик ҳисоботлар нималар тўғрисида гувоҳлик бериши мумкин? Жуда кўп нарсалар тўғрисида. Уларни ўрганиб чиқаётганда, биринчи навбатда ҳисоботнинг мавжуд формалари бўйича статистик кўрсаткичларни бир-бирига солиштириб уларнинг номувофиқлигини аниқлаш мумкин.

Масалан, ДБҚ томонидан 1999 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижалари бўйича тузилган, божхона органлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилишича, ўтган даврда божхона қонунларининг 3320 марта бузилганлиги аниқланган, божхона назорати ва суриштирув бошқармаси берган маълумотларга кўра бу кўрсаткич сезиларли даражада юқори ва 4833 ҳамда 7380 тани ташкил этади. Хўш, бу рақамларнинг қайси бирига ишониш керак? Уларнинг тўғрилиги табиий равишда шубҳа уйғотади. Шундоқ экан, прокурор фуқароларнинг маъмурий жавобгарликка тортилишининг қонунийлигини ҳамда ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилигини аниқлаш мақсадида ҳисобот-рўйхат интизомига риоя қилиниши ҳолатини текшириб чиқиши лозим.

Юқорида мисол қилиб келтирилган ҳисоботларда мусодара қилинган маҳсулотлар суммаси (445.554,4 минг сўм ва 116,2 минг сўм), қўзғатилган жиноий ишлар сони, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жўнатилган ҳамда жиноий иш қўзғатиш рад этилган ишлар сони бир-бирига мос келмайди.

Материаллар, ҳужжатлар, шикоятлар, аризалар, оммавий ахборот воситаларининг хабарларини ўрганиш маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг қанчалик тарқалганлиги, уларнинг характери, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан қўлланилаётган чораларнинг қонунийлиги ҳусусида фикр юритиш имконини беради.

Божхона қоидаларининг бузилиши деганда нима тушунилади ва амалдаги қонунларда бундай ҳуқуқбузарликлар учун қандай жавобгарликлар назарда тутилган? Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси бўйича ушбу кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган божхона қоидаларига айбли ғайриҳуқуқий тарзда риоя этмаслик божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши деб ҳисобланади (129-модда).

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузган фуқаролар ва мансабдор шахслар маъмурий жавобгар бўладилар, уларнинг қилмишларида жиноят аломатлари бўлган тақдирда эса, жинойий жавобгар бўладилар.

Божхона соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан қуйидаги жазолардан бири қўлланилади:

1) жарима;

2) айрим фаолият турларини амалга ошириш учун божхона органи томонидан берилган лицензия ёки малака шаҳодатномасини қайтариб олиш;

3) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишини содир этиш қуроли ёки бевосита ашёси ҳисобланган товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш.

Божхона ҳақидаги қонунчиликни бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан ушбу кодексга мувофиқ, кодексда тартибга солинмаган ҳолларда эса маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади (Божхона кодекси, 173-модда).

Маъмурий жазо берилишининг қонунийлигини аниқлаш учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда мавжуд бўлган, маъмурий таъсир чораларини қўллашга асос бўлиб хизмат қилган материалларни ўрганиб чиқиш лозим. Бундай ишларда қоидага биноан қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлади:

— маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протокол тузилган санаси ва жойи кўрсатилиб протоколни тузган шахснинг исми, фамилияси, отасининг исми, мансаби, ҳуқуқбузарнинг шахсига доир маълумотлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой ва унинг моҳияти, ушбу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик назарда тутилган норматив акт, агар бўлса гувоҳлар ҳамда жабрланувчининг фамилиялари ва манзиллари, ишни ҳал этиш учун лозим бўлган бошқа маълумотлар;

— ҳуқуқбузарнинг ёзма тушунтириш хати;

— жазо бериш тўғрисидаги қарор, унда қарорни чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи, иш кўриб чиқилган сана, ҳуқуқбузар тўғрисидаги маълумотлар, ишни кўриб чиқишда аниқланган ҳолатлар баёни, ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик назарда тутилган қонун ҳужжатларини кўрсатиб, қабул қилинган қарор, ундирилиши лозим бўлган зарар миқдори, уни ундиришнинг муҳлати ва тартиби кўрсатилган бўлади;

— ишларда маъмурий жазо бериш тўғрисида қарор чиқариш учун лозим бўлган бошқа ҳужжатлар ҳам бўлиши мумкин (масалан, маҳсулотларни, транспорт воситаларини, ҳужжатлар ва бошқа ашёларни олиб қўйиш тўғрисидаги протокол, маҳсулотларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотлар, божхона текшируви тўғрисидаги протокол, экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор, экспертиза ўтказиш учун намуналар олиш тўғрисидаги протокол, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан шартноманинг ўтказилганлиги тўғрисида белги, фитосанитария назоратининг маълумотлари ва бошқалар).

Маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлигини текширар экан, прокурор қуйидагиларни аниқлаши шарт:

— орган (мансабдор шахс) жазо беришга ваколатлими?

— маъмурий жавобгарликка тортилган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганми, унинг хатти-ҳаракатлари тўғри квалификация қилинганми?

— ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо бериш қонунчиликда назарда тутилганми?

— жазо чорасини белгилашда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг характери, айбдорнинг шахси, айбининг даражаси, унинг мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар ҳисобга олинганми?

— жазо чорасини қўллаш ва қарорни амалга ошириш муҳлатлари ўтиб кетмаганми?

— жавобгарликка тортилган шахснинг қарор ус-тидан шикоят қилиш ҳуқуқи чеклаб қўйилмаганми?

— жавобгарликка тортиш ва жазони қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этиш тартибига риоя қилинганми?

— ишни юритишдан тўхтатишнинг асослилиги.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протоколнинг ва маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорнинг юритиш қоидаларига риоя қилинишига эътибор қаратиш лозим.

Кўпгина ҳолларда божхона органлари ходимлари божхонага оид ҳуқуқбузарликлар ашёларини олиб қўйиш тўғрисида акт тузиш билан кифояланадилар, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик (ёхуд маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик) хусусида протокол тузмайдилар. Божхонага оид қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларда содир этилган ҳуқуқбузарлик тўғрисида протокол тузилиши мажбурийдир.

Лозим бўлган ҳолларда божхона органининг мансабдор шахси томонидан чиқарилган шахснинг айблилиги тўғрисидаги хулосаларнинг асослилигини аниқлаш учун прокурор „Прокуратура тўғрисида“ги қонуннинг 24-моддасига таяниб тегишли органга мутахассис иштирокида текшириш ўтказиш учун топшириқ

бериши мумкин. Текшириш давомида аниқланган маъмурий жазо бериш тўғрисидаги беасос қарорлар устидан протест берилиши лозим. Протест келтирилган қарорнинг ижроси протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб турилади (МЖТК, 318-модда).

Бир вақтнинг ўзида қонунбузарликларни келтириб чиқарган сабабларга барҳам бериш тадбирлари ўтказилади ҳамда бу ҳақуқбузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи қўйилади.

Маъмурий жавобгарликка тортишда қонунийликка риоя қилинишини текшириш жараёнида божхонавий ҳуқуқий муносабатлар субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи норматив актларнинг қонуний эканлигига (Конституция ва қонунларга мос келишига) эътибор қаратиш лозим.

Жавобгарликка тортилган шахс уни жавобгарликка тортишга асос бўлган материаллар билан танишиб чиқишга ҳақлидир.

Божхона режимларининг бузилиши, маҳсулотлар ва транспорт воситаларини божхона назорати остида сақлаш, ўтказиш ва ташиш, божхона пошлиналари, йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисидаги материаллар ва маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилишда етказилган зарар миқдорини эътиборга олиш зарур. Шунинг ёдда тутиш лозимки, юридик шахснинг бошлиқлари ва бошқа масъул ходимларининг айби билан хўжалик юритувчи субъект турли пенялар тўлаши ва бошқа иқтисодий санкциялар натижасида сезиларли моддий зарар кўради.

Ушбу услубий қўлланмада Тошкент шаҳар авиация транспорти прокуратурасининг „Тошкент-аэро“ ихтисослаштирилган божхона комплекси мансабдор шахслари томонидан фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортишнинг асосли эканлигини текшириш натижалари бўйича тўпланган материаллардан фойдаланилган. Шу сабабдан маъмурий ҳуқуқбузарлик-

лар тўғрисидаги ишларни ўрганиш тартиби ўша божхона органининг маъмурий амалиётидан олинган мисоллар билан бирга тақдим этилмоқда.

Масалан, 1999 йил 14 майда фуқаро Сергей З. божхона назорати учун „Тошкент-аэро“ ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимларига тўй учун сотиб олинган ва акциз маркалари ёпиштирилмаган 27 шиша ҳар бири 1 литрлик „Абсолют“ ароғи, ҳар бири 1 литрлик 6 шиша „Белис“ ароғи, ҳар бири 1 литрлик 4 шиша „Смирнофф“ ароғи, ҳар бири 1 литрлик 2 шиша „Малибу“ ичимлиги ва бир литр „Чинзано“ ичимлигини кўрсатган. У НУ-5042 рейси билан Киевдан Тошкентга учиб келган эди. ИБК бошлиғининг буйруғи билан акциз маркази ёпиштирилмаган ичимликлар мусодара қилинган ва Сергей З. маъмурий жазога тортилган.

„Тошкент-аэро“ ИБК ходимларининг хатти-ҳаракатлари қонунийми, деган савол туғилади. Тўғри, бир қараганда уларнинг хатти-ҳаракатлари амалдаги божхонавий ва маъмурий қонунчиликка зид келмайди, чунки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз маркалари ёпиштирилмаган маҳсулотларни олиб кириш ман этилади. Аммо Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига четдан келтирилаётган, акциз маркалари ёпиштирилмаган маҳсулотлар учун акциз солиғини тўлаш тартиби белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 87-моддасига биноан четдан келтирилаётган, акциз маркази ёпиштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар учун акциз солиғи божхонавий расмийлаштириш вақтида ёки ундан олдин тўланади. Бу масала „Юридик ва жисмоний шахслар томонидан баъзи маҳсулотлар турларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва у ердан олиб чиқишда акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисида“ги йўриқномаларда жуда батафсил баён қилинган. 1997 йил 27 февралда 310-рақам остида чиқарилган бу йўриқномаларда айти-

лишича, акциз солиқлари божхона тўловлари билан бирга ёки ундан олдинроқ тўланади.

Шундоқ экан, Сергей З. беасос маъмурий жавобгарликка тортилган ва унинг акциз маркалари ёпиштирилмаган маҳсулотлари нотўғри мусодара қилинган.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Г.га нисбатан „Тошкент-аэро“ ИБК бошлиғи томонидан қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

1999 йилнинг 30 январида „Тошкент-аэро“ ИБК инспекторлари „Ўзбекистон ҳаво йўллари“ 6-учув отряди эскадрилья командири Г.га нисбатан у божхона органига керакли ҳужжатларни тақдим этмагани учун божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айблаб, протокол тузишган ва унинг хатти-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 148-моддаси билан квалификация қилишган.

Божхона текшируви давомида аниқланишича, 1999 йил 29 январда „Тошкент“ аэропортига УЗБ 3544-сонли „Тошкент-Пловдив-Тошкент“ йўналиши бўйича Болгариядан учиб келган ИЛ-76 ҳаво кemasи қўнган. Божхона назорати пайтида ҳаво кemasида транзит юк-тамаки маҳсулотлари борлиги аниқланган. Тақдим этилган ҳужжатларга биноан юкнинг кутиб олувчиси Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрида жойлашган „Тембр“ кичик корхонасидир. Юкни божхонавий расмийлаштириш учун 1999 йил 2 февралда тақдим этилган ҳужжатлар орасида 1999 йил 13 январда тузилган РТ-01/99 рақамли шартнома, 1999 йил 11 январда тузилган 1-сонли шартнома ва „Кедр“ хусусий фирмаси директори Т.номига 11 январда берилган 1-сонли Бош ишончнома бўлган.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 4 августда 331-рақами билан чиқарган „Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини киритиш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат на-

зоратини кучайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида“ деган қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан 1998 йил 6 августда тасдиқланган „Алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан транзит равишда ўтказиш тартиби тўғрисида“ги Қоидаларига зид равишда божхона органига икки ҳафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг транзит юкни ўтказиш тўғрисидаги рухсатномаси тақдим этилмаган. Шундай қилиб, юридик шахс бўлмиш „Кедр“ хусусий фирмаси директори Т. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 148-моддасида баён этилган божхона қоидаларини бузишга йўл қўйган, яъни „божхона органига божхона декларацияси, ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни тақдим этиш муҳлатларини ўтказиб юборган“.

„Божхонага оид қонун ҳужжатларини бузганлик“ тўғрисида қарор чиқарилиб, Т. Божхона кодексининг 148-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор деб топилиб, энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида, яъни 13.200 сўм жарима тўлаш қабалидаги маъмурий жазога тортилган. Худди ўша қарор билан „Кедр“ хусусий фирмаси ҳам энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида иқтисодий санкцияга тортилган, яъни 13.250 сўм тўлашга мажбур этилган, Ўзбекистонга Болгариядан 1999 йил 29 январда самолётда киритилган транзит юк — акциз маркалари ёпиштирилмаган тамаки маҳсулотлари 1998 йил 6 августда чиқарилган „Алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг Ўзбекистон Республикаси Божхона ҳудуди орқали транзит юк сифатида ўтказилишининг тартиби тўғрисида“ги Қоидаларининг 16-моддасига биноан давлат фойдасига мусодара қилинган.

Божхона органи тўғри қарор чиқарганми, деган савол пайдо бўлади.

Йўқ, бу қарор нотўғри ва у бекор қилиниши лозим. Нега дейсизми? Қуйида божхона органи йўл қўйган хатолар келтирилмоқда, улар бу қарорни бекор этиш учун шубҳасиз асос бўладилар.

1) Иш материаллари орасида „Кедр“ хусусий фирмаси директори Т. томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протокол мавжуд эмас ва Т.нинг хатти-ҳаракатлари Ўз.Р Божхона кодексининг 148-моддаси билан нотўғри квалификация қилинган, чунки Т. юридик шахс эмас.

2) 6-ҳаво отряди эскадрилья командири Г.га нисбатан 1999 йил 30 январда тузилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги 000210-сонли протокол бўйича қарор қабул қилинмаган; уни жавобгарликка тортиш ёхуд ишни юритишдан тугатилиши тўғрисидаги масала ҳал этилмаган.

3) Божхона органи томонидан божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор чиқариш ўрнига божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисида қарор чиқарилган.

4) Маҳсулотларни мусодара қилиш тўғрисидаги масала нотўғри ҳал этилган, чунки Ўз.Р Божхона кодексининг 148-моддаси санкцияларида жазонинг бу тури назарда тутилмаган. Бундан ташқари, „Кедр“ хусусий фирмаси мусодара қилинган маҳсулотнинг эгаси (мулкдори) эмас.

5) Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор тўлиқ текширилмаган материаллар бўйича чиқарилган: акциз солиғини тўлашдан бош тортиш факти текшириб кўрилмаган, чунки бу транзит юк халқаро юк ташиш сирасига кирмайди.

6) Мусодара қилинган юк божхонанинг акциз маркалари ёпиштирилмаган юклар турадиган омборига кирим қилинганлиги ҳақида маълумотлар йўқ, мусодаранинг аниқ ижро этилганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд эмас.

7) Мусодара қилинган юк акциз марқалари ёпиштирилмаган ҳолда асоссиз равишда „Ўрда“ жамоа корхонасига берилган, бундан ташқари маҳсулотлар берилганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг рақами кўрсатилмаган, фақат акт тузилган холос, аммо у ҳам Тошкент шаҳар давлат солиқ Бош бошқармаси муҳри билан тасдиқланмаган.

8) Т.нинг ваколатлари текшириб кўрилмаган, чунки Бош ишончнома тегишли равишда тузилмаган.

9) 1999 йил 11 январдаги 1-сонли шартнома талаб қилиб олинмаган, чунки ўша шартномага асосланган ҳолда Бош ишончнома берилган ҳамда бу шартноманинг тегишли равишда рўйхатдан ўтказилган ёки ўтказилмаганлиги ва „Кедр“ хусусий фирмаси ташқи иқтисодий фаолиятнинг тўлақонли субъекти эканлиги текшириб кўрилмаган.

10) Бундан ташқари юкларни божхонавий расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш „Кедр“ хусусий фирмаси ваколатига кирадими ёки йўқми, текшириб кўрилмаган.

Қонуннинг бундай бузилишлари прокурорнинг эътиборидан четда қолмаслиги керак. Маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги бундай асоссиз қарорларга протест келтирилиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида қонунбузарликни келтириб чиқарган сабабларга барҳам бериш ҳамда бу қонунбузарликка йўл қўйган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш чора-тадбирлари кўрилади.

Масалан, 1999 йил 11 июнда „Тошкент-аэро“ ИБКсининг 4-божхона постида ДБН томонидан экспорт режимида 161443 А-сонли жуда кўп миқдорда тамаки маҳсулоти Чоржўйга экспорт қилиниши учун расмийлаштирилган. Ўзбекистон Республикаси фуқароси К.нинг 1998 йил 8 июндаги аризаси, 2646-сонли топшириқ хат, 0000058-сонли авиаҳужжатлар, М/170-сонли ишончнома ва Тошкент шаҳар судининг 1999 йил 15 апрелдаги қарори ДБНда юкни

расмийлаштириш учун асос бўлган. Бу юк, 1998 йил 5 августда темир йўл транспорти билан Қозоғистон Республикасидан Шумилово бекатига келтирилган эди. Маҳсулотни жўнатишга асос бўлган материалларни ўрганиш жараёнида аниқландики „Мюнх“ (Швейцария) компаниясининг Бош вакили Чейз томонидан К.га 1999 йил 8 июнда бир ишончнома берилган. Бу ишончномада ёзилишича К. Тошкент шаҳар судининг 1999 йил 15 апрелдаги қарорига мувофиқ, юкни, яъни сигаретларни қабул қилиб олиш, божхонавий ва бошқа расмийлаштирувларни амалга ошириш, бунга боғлиқ барча харажатларни тўлаш ва юкни самолёт билан „Ротманс оф Палл Малл (Интернешнл) Лимитед“ компаниясига жўнатишга ҳақлидир. (Компания манзили: Oxford Road, Aylesbury, Bucks HP 21 @ SZ, England.) Айтиш лозимки, „Мюнх“ фирмасининг Ўзбекистондаги Бош вакили жаноб У.И.Гейтердир.

Бундан ташқари, бу сигаретларни қабул қилиб олувчи мулкдори Афғонистон Ислом Давлати фуқароси Уалддир ва юк (илк ҳужжатларга биноан) Дубайга жўнатилиши лозим эди.

К.нинг тушунтиришича, юкнинг олувчиси ишларини „Мюнх“ компанияси амалга оширишини истамаган, чунки у компанияга нисбатан ишончини йўқотган, шу сабабдан нотариат томонидан тасдиқланган ишончномани К.нинг номига берган.

Амалда божхона органлари ходимлари акциз маркалари ёпиштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар транзитини Вазирлар Маҳкамасининг тегишли рўхсатисиз амалга оширишган, чунки юк Қозоғистон Республикаси ҳудудига (акциз маркасиз маҳсулот киритилган божхона пункти орқали) қайтариб жўнатилиши ўрнига, амалда Чоржўйга жўнатиб юборилган. Тақдим этилган материаллар ичида Шартнома, маҳсулотнинг сертификати мавжуд эмас.

„Мюнх“ компанияси ваколатхонаси юкнинг эл-

тиб берувчиси бўлгани учун ўзига ишониб топширилган юкни учинчи шахсларга бериш учун ҳеч қандай ваколатга эга эмасди, шу сабабдан акциз маркаси ёпиштирилмаган маҳсулотни ўзи олиб чиқиб кетиши лозим эди.

Шундай қилиб, „Тошкент-аэро“ ИБКга қарашли божхона пости ходимлари томонидан божхона ишини юритиш қоидалари қўпол равишда бузилган ва акциз маркаси ёпиштирилиши лозим бўлган маҳсулотларнинг экспорт режимида ДБНда расмийлаштирилган транзит ноқонуний амалга оширилган.

Ушбу ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 августда чиқарилган „Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини киритиш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ деган 331-сонли қарори ва 1998 йил 6 августда чиқарилган „Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди бўйлаб транзит ҳолда ташиш тартиби тўғрисида“ги Низом бузилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда қонунийликка риоя қилинишини текшириш жараёнида норматив актларнинг қонуний эканлигига (Конституция ва қонунларга мос келишига) эътибор бериш лозим, зеро бу норматив актлар ёрдамида божхонавий ҳуқуқий муносабатлар субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари тартибга солинади.

Яна шундай ҳолатга ҳам алоҳида эътибор бериш лозимки, божхона органлари жарима тариқасидаги маъмурий жазо тўғрисидаги қарорни амалга ошираётганларида МЖТКнинг 332-моддаси талабларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўядилар.

Божхона органлари ходимларининг фуқаролардан жарима суммасини бевосита ўзлари ундириши ҳолат-

лари ҳам учраб туради, иш материалларида эса бу пулларнинг жамғарма банклар бўлимлари орқали давлат фойдасига ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрамайди.

Агар прокурор мусодара қилинган ашёларнинг сотилди деб расмийлаштирилганлигининг тўғрилигини мутахассисларни жалб қилган ҳолда текшириб кўрса, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортишнинг асосли эканлигини текшириш тўлиқ ва тугалланган бўлади.

МУНДАРИЖА

1. **Ф.Х.Раҳимов:** „Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида“ги қонунларнинг бажарилишини таъминлашда прокурор назорати 3 — 48
2. **А.Ж.Давлетов:** Жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати 49 — 80
3. **Р.М.Муҳамедов:** Зарар етказганликдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ва улар устидан прокурор назорати 81 — 124
4. **Б.Тошев:** Муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигини таъминлашда прокурор назорати 125 — 156
5. **Дж.М.Мингалиева:** Божхона органлари фаолиятида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати 157 — 207

ФАҲРИ ХАЙДАРОВИЧ РАҲИМОВ
АБДУЛЛА ЖУМАБОВИЧ ДАВЛЕТОВ
РУСТАМ МУҲАМЕДОВИЧ МУҲАМЕДОВ
БОБОҚУЛ ТОШЕВ
ДЖАМИЛЯ МИНРАХМАНОВА МИНГАЛИЕВА

ҚОНУНЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

(Илмий-амалий тўплам)

Тошкент „Ўқитувчи“ 2000

Муҳаррир: *С. Мирзахўжаев*

Бадий муҳаррир: *М. Калинин*

Техник муҳаррир: *Т. Грешникова*

Мусахҳихлар: *З. Фуломова, Н. Мирҳалиқова
М. Иброҳимова, З. Содиқова.*

ИБ №7780

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилган 7.04.2000. Бичими 84×108^{1/32}. Кегли 10 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 10,92. Шартли кр.-отг. 11,34. Нашр.т. 8,25. 1000 нусхада босилди. Буюртма № D—2088.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 07-27-2000.

Оригинал-макет „Ўқитувчи“ нашриётининг компьютер бўлимида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошполиграфкомбинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 2000.

“ЎҚИТУВЧИ”